

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Билим соҳаси:	300000	– Ижтимоий фанлар, иқтисод ва хукуқ
Таълим соҳаси:	340000	– Иқтисод ва бизнес
Магистратура мутахассислиги:	5A 340301	– Маркетинг (туризм) (мутахассислиги) бўйича

**“ТУРИЗМДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ II”
ФАНИДАН**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТОШКЕНТ-2010

“Халқаро туризм” факультети
илмий кенгашыда муҳокама қилинган ва тасдиқланган
Кенгаш раиси доц. А.А. Эштаев

“_____” 2010 й

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Сервис» кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудири _____ доц. Хамидов О.Х.
(мажлиснинг № 1 – сонли баённомаси,
«____» 2010 й)

Ушбу маъruzalар матнларида туризмда маркетинг тадқиқотларининг мазмуни, назарий асослари, маркетинг ахбороти ва тадқиқоти тизими, маркетингнинг ташқи муҳити, истеъмол бозорида харидорлар хулқ-атворини ўрганиш, маркетинг тадқиқотининг йўналиш ва услублари, маркетинг тадқиқотини ташкил этиш, ахборот тўплаш услублари, бозор кенглиги ва талабни башорат қилиш каби долзарб мавзулар батафсил баён этилган. Шунингдек, ушбу маъруза матнида маркетинг фанидан атамалар луғати ҳам берилган. Ушбу маъруза матнида фан бўйича янги педагогик технологияни қўллаш бўйича услубий кўрсатма, информацион технологияни қўллаш, БМИ ва МДлар бўйича 15 минг мавзудан фанга тааллуқли мавзулар келтирилган. Мазкур маъруза матни “Маркетинг” таълим йўналишлари талabalari учун мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.н., доц. Ли Д.М.
и.ф.н., доц. Сафаева С.Р.

Тузувчилар:

© Хамидов О.Х., Сайфутдинов Ш.С. – “Маркетинг тадқиқотлари-II” фанидан маъruzalар матни - Т.: ТДИУ, 2010.

Кириш

Бозор муносабатларининг равнақ топишида, эркин рақобат ва аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашда маркетинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Корхона ва ташкилотлар заминида маркетинг фаолиятини ташкил этиш, авваламбор, маркетинг соҳасидаги изланишларнинг моҳиятига, мазмунига ва йўналишига асосланади. Маркетинг тадқиқотларининг ялпи маркетинг фаолиятини ташкил этишда, уни бошқаришда, режалаштиришда ва назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга булиши – замонавий маркетинг назариясининг асосий хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Маркетинг тадқиқотлариниг юқори даражада ташкил этилиши, уларнинг кўлами, таҳлилий ва қайта ишлаш жараёнларида фойдаланиладиган услублар йиғиндиси, бевосита корхона ва ташкилотнинг маркетинг стратегиясини белгилашда, амалга оширишда, дастлабки босқич, «таянч нуқта» хисобланади. Истеъмол бозори тобора янги товарлар ва хизматлар билан бойиб бораётган бугунги шароитида янги имкониятларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланишда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти кун сайн ортиб бормоқда.

Бозордаги мавқени сақлаб туриш, рақобатчиларга нисбатан доимий устиворликка эга бўлиш гарови сифатидаги маркетинг тадқиқоти яхлит тизим сифатида шаклланади. Кўпгина йирик ва хозирги кунда ўта нуфузли ва машхур компаниялар изчил ва давомий маркетинг тадқиқотларининг натижалари ўз муваффакиятларининг гарови деб эътироф этмоқдалар.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг асосий шартлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқарувчи ва харидорлар ўртасидаги муносабатларни самарали шакл ва услубларда ташкил этишдан иборат. Бу хусусда юртбошимиз И. Каримов бундай фикрни олға сурган эдилар: «Ишлаб чиқарувчиларнинг хам, истеъмолчиларнинг рухиятини ўзгартириш лозим. Биз ўзимизда ишлаб чиқарадиган, харид қиласидиган нарсалар билан фархланишимиз керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўз харидорини топмаса, ўзимизда тайёрланаётган молларнинг сифати одамларга ёқмаса, бу миллий шаънимизга доғ бўлиб тушади... Биз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамға қўйилган маҳсулот дунёнинг хамма томонларида мамнунят билан харид қилинадиган, ортиқча рекламага мухтоҷ булмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз даркор».

Маркетинг тадқиқотларининг амалий заруратга айланана боришига яна бир сабаб, бу мамлакатимизда барча мулкчилик шаклларига асосланган иқтисодиётнинг шаклланиши ва уни тобора жадал суръатлар билан ривожланишидир. Истеъмол бозорида эркин рақобатни имкон борича кенг шакллантириш ва савдода якка хокимликка чек куйиш борасида бир катор амалий чора – тадбирлар белгиланди.

Шу боисдан, хар бир ташкилот, корхона, муассаса олдида турган асосий вазифалардан бири бу потенциал харидорини аниқлаш, уни шакллантириш ва бозорда «усувчан уринга ва мавкега» эга булиш хисобланади. Бу вазифани хал

этишда мунтазам ва самарали маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, уюштириш, ташкилот ва корхоналарнинг равнакини белгилашда ушбу тадқиқотлар натижаларига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий жихатдан ривожланган илгор давлатларнинг йирик фирмалари тажрибаси шуни кўрсатадики, маркетинг назарияси ва амалиётининг равнаки бевосита маркетинг изланишлари ва тадқиқотлари йўналишларига боғлиқ. АКШ, Германия, Япония, Франция, Англия каби давлатларда юқори даражада шаклланган ижтимоий - этик маркетинг биринчи уринга харидор, жамият фаровонлигини, улар олдидаги ижтимоий маъсулиятни куяди. Харидор ва колаверса ялпи жамият микёсида манфаатлар муштараклигини таъминлаш, замон талаблари асосида уни такомиллаштириб бориш вазифасини фирманинг коммуникация сиёсати, изланишлари хал этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор масаласи – этиб бозор ислоҳотларничувурлаштириши ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат¹.

Мазкур маъруза матнларининг асосий мақсади талабаларнинг маркетинг тадқиқотларинг асосий услублари, йўналишлари, ушбу жараённи ташкил этиш хусусиятлари билан таништириш ва муайян корхона ва ташкилот микёсида фаолиятни амалга ошириш борасидаги куникма хосил қилиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш мақсадида маъруза матнларида амалиётда кенг таркалган маркетинг тадқиқоти услубларининг тафсилоти, уларнинг ижобий ва салбий жихатлари, тадқиқотни ташкил этиш хусусиятлари келтирилган.

¹ И.А.Каримов, “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Узбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январь, 20 сон.

1-мавзу. Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари

- 1.1. Маркетинг тадқиқотлари фани предмети ва услублари**
- 1.2. Иқтисодиётни ривожлантиришда маркетингнинг тутган ўрни ва аҳамияти**
- 1.3. Маркетинг тадқиқотларининг мақсад ва вазифалари**

1.1. Маркетинг тадқиқотлари фани предмети ва услублари

Маркетинг – айирбошлиш йули билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга ўйналтирилган инсон фаолиятининг тури, бозордаги барча қатнашчиларнинг ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларини, талабни шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир. Маркетинг бу товар ҳаракатларининг барча босқичларини ўз ичига олувчи, талаб таклифни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини яратиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ва истеъмолдан чиққандан кейин утилизациялашни ташкил қилиш каби бозор муаммоларини ечишда яхлит тизимли (комплекс – системали) ёндашишдир.

Маркетинг тадқиқотларининг ялпи маркетинг фаолиятини ташкил этишда, уни бошқаришда, режалаштиришда ва назорат этишда муҳим аҳамиятга эга булиши – замонавий маркетинг назариясининг асосий хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Маркетинг тадқиқотлариниг юқори даражада ташкил этилиши, уларнинг қулами, таҳлилий ва қайта ишлаш жараёнларида фойдаланиладиган услублар йиғиндиси, бевосита корхона ва ташкилотларнинг маркетинг стратегиясини белгилашда, амалга оширишда, дастлабки босқич, «таянч нуқта» ҳисобланади. Истеъмол бозори тобора янги товарлар ва хизматлар билан бойиб бораётган бугунги шароитида янги имкониятларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланишда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти кун сайин ортиб бормокда.

Маркетинг тадқиқоти предмети сифатида тадқиқотлар олиб бориш маркетинг фаолиятинин барча жабхаларини уз ичига олади ва улар бўйича қарорлар кабул қилиш билан боғлиқдир. Улар маркетинг компелкси ва унинг ташки мухит унсурларига хам тегишилдир. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари қўйидагилардир:

- 1. Бозорни ва сотишни тадқиқ қилиш:**
 - а) бозор сифимини баҳолаш;
 - б) бозор ва унинг сегментлари характеристикасини аниқлаш;
 - в) бозордаги ўзгаришлар тенденциясини таҳлил қилиш;
 - г) сотиш хажмини истиқболлаш;
 - д) мавжуд ва мумкин бўлган истеъмолчилар тўғрисида ахборот олиш;
 - е) истеъмолчилар талабини ўрганиш;
 - ж) рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш.
- 2. Маҳсулотни тадқиқ қилиш:**
 - а) янги маҳсулот тўғрисидаги гояларни туплаш;

- б) маҳсулот ҳақида тест утказиш;
- в) хар хил қадоклаш турларини синааб кўриш ва тадқиқ қилиш.

3. Баҳони тадқиқ қилиш:

- а) маҳсулот баҳоси билан унга бўлган талаб ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиш;
- б) маҳсулот ҳаётийлик даврининг турли босқичлари учун баҳо сиёсатини истиқболлаш.

4. Маҳсулот ҳаракатини тадқиқ қилиш:

- а) реклама фаолияти самарадорлигини тадқиқ қилиш;
- б) турли оммавий ахборот воситалари самарадорлигини тадқиқ қилиш;
- в) рекламанинг турли вариантларини синааб куриш;
- г) маҳсулот ҳаракати турли усувлари ва воситаларини комплекс солишиштирма таҳлил қилиш.

5. Маҳсулотни харидорларга етказиш:

- а) омборлар жойлашишини тадқиқ қилиш;
- б) чакана савдо нуқталари жойлашишини тадқиқ қилиш;
- в) сервис хизмати жойлашишини тадқиқ қилиш.

Маркетинг тадқиқотлари утказишида чет эл фирма ва компаниялари катта маблаглар сарфлайди. Масалан, АҚШда йиллик сотиш хажми 25 млн. доллар бўлган компаниялар уз маркетинг бюджетларининг 3,5 фоизга якинини маркетинг тадқиқотларига сарфлайди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналарга нисбатан бу соҳага кўпроқ маблағ сарфлайдилар.

Бозорни тадқиқ қилиш - маркетинг тадқиқотларининг маълум бир қисмидир, холос. Фақатгина шартли равишдагина уларни маркетинг тадқиқотларининг асоси деб кабул қилиш мумкин. Бозорни тадқиқ қилиш жараёнида қўйидагилар аниқланади:

- бозорга киритилаётган ёки унда мавжуд бўлган маҳсулотнинг мумкин бўлган сотиш миқдори;
- товарнинг истеъмол хусусиятидаги ва бошқа характеристикаларининг ўзгариши тенденцияси;
- ёши, жинси, худудий, ижтимоий, оиласидаги кишилар сони, узини тутиши, даромади даражаси бўйича истеъмолчилар гуруҳини аниқлаш;
- ассортиментни режалаштиришда, сотиш ва рекламани ташкил қилишида харидорларнинг истагини аниқлаш;
- маҳсулотнинг сотилиши миқдори, унинг умумбозор сигимидаги улуши (худудлар ва сегментлар бўйича хам);
- фирманинг рақобатдошлигини ва унинг бозордаги урни.

Кўриниб турибдики, бозор тўғрисидаги маълумотлар миқдори катта ва турли ҳарактерга эга. Шунинг учун бозорни тадқиқ қилишда турли билим соҳаларининг мутахассислари қатнашадилар ва бу тадқиқотлар анча кимматга тушади, лекин фирмалар бозорни иложи борича тезрок узлаштириш мақсадида ҳаражатлардан қочмайдилар, чунки рақобатчилар бозорда янги рақобатчи пайдо булишини олдини олиш учун карши чоралар курадилар. Шунинг

тадқиқотлар жараёни, айникса, унинг натижалари олинганидан кейин ва firma уларни маркетинг концепциясини асослаш учун кабул килингандан сунг товарни синовли сотишни ташкил қилиш бошланади. Бу жараённинг асосий вазифаси, фирманинг бозордаги самарали урнини аниқловчи узига хос омилларни ўрганишdir.

Бозорни маркетинг нұқтаи назаридан ўрганиш уз олдига компаниялар, firma (корхона) товарларини самарали сотиш имконини, унинг кенгайиш учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб куяди. Бу мақсадни амалга ошириш учун чукур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нұқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чикадиган товарларнинг бозор ва истеъмолчининг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Бу нарса фирманинг юқори рентабелли, рақобатта бардошли фаолияти асосида амалга ошириш керак.

1.2. Иқтисодиётни ривожлантиишда маркетингнинг тутган ўрни ва аҳамияти

Маркетинг фаолиятининг оқибат натижаси миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини, юридик ва жисмоний шахсларни ва умуман, хар кандай, хар бир харидорни барча турдаги товарлар билан тулик ва рационал равища бозор оркали таъминлаб туришларига эришишdir. Бу ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маркетингнинг тиқил этилиши даражаси билан умуиқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги боғланишдан, уларнинг ўзаро асосланганлигидан келиб чикади. Истеъмолчи –харидорлар жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар ва ресурсларнинг барча турларини харид қилишлари мумкин. Бинобарин, ижтимоий маҳсулотнинг умумий хажми, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситиаларини ишлаб чиқариш маркетингнинг асосий, аниқловчи омили ҳисобланади.

Маркетинг даражасига ишлаб чиқариш микёси ва тармоқлар структурасини таъсири жуда каттадир. Тармоқлар структураси конкрет ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажмини аниқлаш билан бирга ишлаб чиқариш, моддий ресурсларнинг конкрет турларига бўлган эҳтиёжни хам аниқлаб беради. Масалан, республикада газнинг куплаб казиб чиқарилиши ва истеъмол килиниши ёкилги балансини ўзгартириб юборди. Бу эса бир канча ижобий натижалар берди. Маълумки, ишлаб чиқаиш воситалари ва халк истеъмоли товарлари, хизматлар, уларнинг хажми, узлуксиз ўсадиган ва кенгайиб борадиган номенклатураси, уларнинг тақсимланиши, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни маркетинг элементлари фаолияти обьекти булиб ҳисобланади. Халк хужалиги истеъмолига келиб тушадиган янги товар турларининг кулами шу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар сонига караганда тезрок усади. Шунга кўра маркетинг элементларининг иш хажми хам ошиб боради. Чунки, бунда товарларни сотиш жараёни, кийинлашади, моддий ресурсларни етказиб бериш, қабул қилиш, қайта ишлаш, саклаш ва таркатиш билан боғлиқ бўлган маркетинг ишларини хажми ортади.

Куплаб корхоналар ўзаро хужалик алоқалари тортилиб, хўжалик алоқалари мураккаблашади. Корхоналар сонининг икки марта ошиши хужалик алоқаларининг 8 марта кенгайишҳига олиб келади, бу эса савдо шахобчалари ва омбор хужалигини кенгайтиришни талаб қиласди. Маркетингнинг мукаммалик даражаси шу тармоқнинг уз тизими доирасида Фан- техника тараккиёти натижаларидан фойдаланиш кулами билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган маркетинг тула маънода умумий бошқаришнинг ташкил этиш даражасига хам боғлиқдир. Миллий иқтисодиётни бошқаришда содир бўладиган ўзгаришлар ва қайта ташкил килинишлар, одатда, маркетингни бошқариш соҳасига хам таъсир кучини кўрсатади. Чунончи, миллий иқтисодиёт тармоқларини бошқаришнинг территориал принципи узига хос маркетинг структурасини ташкил этишини талаб этса, тармоқлар доирасидаги бошқариш эса бутунлай бошқасини таказо этади. Миллий иқтисодиётда маркетинг умумдавлат иши ҳисобланади. Давлат жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларига асосланиб, маркетинг элементлари оркали товарларни хар хил босқичда аниқлаб тақсимлайди, сотади, етказиб беради ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи муҳим урин эгаллаб келди. Корхоналар тегишли миқдор, ассортимент ва сифатли моддий ресурслар билан канчалик ўз вақтида таъминлаб турилса, ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда давом этиш учун шарт – шароит яратилди. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни купайтирувчи муҳим омиллардан биридир.

Маркетинг маҳсулот сифатини оширишдга хам жуда катта таъсир кўрсатади. Маркетинг истеъмолчиларни сифати юқори товарлар яратиш оркали режада кўрсатилган сифатлардаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Маҳсулотнинг сифати унинг ишлаб чиқарувчи корхонанинг узигагина эмас, шу билан бирга унга хом-ашё ва материал сотувчи ёндош корхоналарга хам боғлиқ. Истеъмолчига етказиб берилган сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчига қайтариб юборилади ёки паст сортга утказилади. Бу нарса маҳсулотни қайтадан ураш ёки коплаш, тузатиш, ташиш харажатларини купайтириб юборади. Бундан ташкири, маҳсулот юборувчилар истеъмолчига етказилган зарар учун хам моддий жавобгардирлар. Меърига етказилмаган хом – ашё ишни кийинлаштиради, бир материал урнига мажбуран бошқа материал ишлатишига, ишлаб чиқариш ритмининг бузилишига, маҳсулот хилини ўзгаришига, корхоналарда нормативдан ортиқча материаллар тўпланиб қолишига сабаб бўлади.

Моддий ресурслардан фойдаланиш даражасига маркетинг таъсириининг аҳамиятини хам таъкидлаб утмок зарур. Узбекистон саноат маҳсулоти таннархига барча харажатларнинг 85 фоизидан ортиқроги маркетинг элементлари оркали утадиган моддий ресурсларнинг харажатлари ташкил қиласди. Моддий ресурсларни тежаб терагб фойдаланишда ишлатилмаётган имкониятлар жуда кўп. Чунончи, товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан

истеъмолчиларга етказиб берилгунча бўладиган даврдаги синиш, тўқилиш, куриб колиш каби нобудгарчиликлар шулар жумласидандир.

Иқтисодиётни ривожлантиришда маркетингнинг роли ва аҳамияти ва унинг асосий вазифаси булиб – халқ хужалигидаги ахолининг турмушини моддий ва маданий даражасини юксалтиришга каратилган ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хамда унинг самарадорлигини ошириш, фантехника тараккиётини жадаллашириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигини барча тармоқларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида изчиллик билан амалга оширишдан иборат. Бунинг учун маркетинг тадқиқот изланишларини кучайтириш керак.

Бозор муносабатларининг равнаки, эркин рақобат мухитининг яратилиши шароитида маркетинг тадқиқотларига бўлган талабнинг ортиб бориши табий жараёндир. Харидор иштиёки, дидидаги товарларни ва хизматларни шакллантиришда, рақобат курашида муҳим ва хал килувчи аҳамиятга молик бўлган маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш, амалга ошириш, хозирги кунда энг долзарб аҳамият касб этади. Маркетинг тадқиқотлари учун керакли ва зурурий бўлган ахборот ва маълумотлар куламини муайян тартибга солиш ваззифасини хал қилиш билан мамлакатимизда маданий тарзда бозор тизими, унинг инфраструктураси барпо этилади. Айни вактда амалга оширилаётган ислохотлар бу уринда уз самарасини бermokda ва бу хозирги кунда қарор топаётган маркетинг ахборот тизимида намоён бўлмоқда.

1.3 Маркетинг тадқиқотларининг мақсад ва вазифалари

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланди, хамда унинг мақсади нихоятда кенг ва мураккаб масалаларни хал қилишга каратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган холда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг куйидаги муҳим вазифаларни хал этмоги лозим:

- харидорлар (истеъмолчилар) эҳтиёжини ўрганиш;
- товарларга бўлган ички ва ташкил талабларни ўрганиш;
- корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш;
- талаб ва таклиф тўғрисидаги олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;
- товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини ошириш;
- товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар туплаш ва таҳлил қилиш;
- товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;
- тулдирувчи товарлар ва урнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиш;

- товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

Маркетинг ахборотларини тизимли таҳлил қилиш, талаб ва таклифнинг тахминий ҳисобини ишлаб чиқишига имкон беради. Бусиз эса сотишнинг макбул даражасини белгилаш мумкин эмас. Бундай даражада одатда, минимум, максимум оралиғида ҳисоблаб чиқилади. Маркетинг мақсадига эришишда реклама хам муҳимдир. Рекламанинг вазифаси – мавжуд бозор сегментини мустахкамлаш, янги харидорларни жалб қилиш, янги бозорлар ташкил қилишдир. Маркетинг тизимида рекламанинг асосий хусусияти – узлуксиз таъсир ва доимий янгиланишдир. Шу билан бирга харидор психологияси товар ва фирма маркасига боғланиб колиш хусусияти (имидж) га хам эгадир.

Сотишни рағбатлантириш – маркетингнинг вазифаларидан бири бўлиб, бозорга чиқарилган товарни режалаштирилган сотиш даражасини таъминлашга имкон беради. Бу ишлаб чиқариш харажатларини коплаш ва фойда олиш демакдир. Сотишни рағбатлаштиришнинг куйидаги фаол шакллари мавжуд – кўргазма-савдо, ярмаркалар, маҳсус савдо агентлари хизматидан фойдаланиш ва арzon баҳолар. Баҳо системаси ёрдамида талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатлар тартибга солинади. Бу масала хозирги кунда бизнинг корхоналар учун кийин муаммолардан биридир.

Маркетинг тизимида сотиш сиёсати - бу товар даврий ҳаракатини ташкил этиш жараёнидир. У товар массасининг ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчиғача бўлган ҳаракатининг хар бир босқичида кабул килинадиган қарорларга таъсир қилишнинг аниқ таҳлилини талаб қиласди. Бу холда сотиш деганда ишлаб чиқариш билан савдо орасидаги барча алоқалар тушунилади. У улгржи ва чакана савдони, ташиш ва саклашни уз ичига олади. Бизнинг иқтисодий шароитимизда маркетингнинг товар сиёсати каби вазифаси хам муҳим аҳамиятга эга, хар томонлама уйлаб юритилган товар сиёсати ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Товар сиёсати хар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг аниқ истеъмолчилар гурухига мулжалланган булишини таъминлайди. Яъни, хар қандай товар аниқ истеъмол манзилига эга булиши керак. Бизнинг ички бозоримиз, унга чиқарилган товар ассортиментининг, амалда мавжуд булмаган «уртacha» деб аталувчи истеъмолчига мулжалланганидан жуда хам ютказади. Чунки харидор қизиқиши ва дидига караб тақсимланган товарлар танлаш имконини бермайди. Маркетингли ёндашувда бундай вазиятлар юз беришидан мустасно.

Юқорида санаб утилган маркетинг ҳаракатларининг барчасидан бир вактда фойдаланиш лозим. Мана шундагина маркетингли фаолият истеъмолчидан саноат корхоналарига ва савдога, улардан эса карама – карши йўналишдаги узлуксиз ахборот оқимини таъминлайди. Бу эса уз вактида ишлаб чиқаришда, товар ассортиментига, сотиш шартларига, хизмат кўрсатиш соҳасига ўзгартиришлар киритишга имкон беради. Маркетингнинг санаб утилган мақсадлари ва вазифалари бозор фаолиятини ташкил тўғрисида тулик тушунча бера олмайди. Чунки бозор муаммоларини тулик хал қилиш учун тайёр рецептнинг узи булиши мумкин эмас. Маркетингнинг куллашдан олдин авваломбор шароитни, энг асосий ижтимоий – иқтисодий тараккиёт

даражасини ҳисобга олиш лозим. Чунки маркетинг – мураккаб, ҳаракат ва сабр токкат талаб килувчи, шу билан бирга тез самара берувчи ишdir. У бир томондан ахолининг етарли даражада юқори бўлган эҳтиёжи в талабига, унинг харид қобилиятига, иккинчи тарафдан товар ва хизматларни танлашдаги эркинликка жавоб бериш керак. Бозор ҳаракатининг катта радиусини таъминлаш учун товар ассортиментини тез ўзгариши, уни оммавий равишда узлаштиришга жавоб берадиган бериши лозим. Буларнинг барчаси талаб ва таклифни мувозанатлаштиришга имкон беради. Бундан ташкари, маркетингли фаолият юритиш учун, корхонани бошқариш ва режалаштириш тизимидан, тақсимот, ички бозордаги ва ташки саводдаги алоқалар, юқори даражада жихозланган бозор каналлари оркали реализация қилишдан иборат ташкилий масалаларни хал қилиш зарур.

Бугунги кунда барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва шу билан бирга бошқа соҳа ходимлари хам маркетинг нуқтаи назаридан фикрлай олишлари ва ундан самарали фойдаланишлари лозим.

Қисқача хulosалар

Маркетинг тадқиқотларининг ялпи маркетинг фаолиятини ташкил этишда, уни бошқаришда, режалаштиришда ва назорат этишда муҳим аҳамиятга эга булиши – замонавий маркетинг назариясининг асосий ҳусусиятларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Маркетинг тадқиқотлариниг юқори даражада ташкил этилиши, уларнинг кулами, таҳлилий ва қайта ишлаш жараёнларида фойдаланиладиган услублар йиғиндиси, бевосита корхона ва ташкилотларнинг маркетинг стратегиясини белгилашда, амалга оширишда, дастлабки босқич, «таянч нуқта» ҳисобланади. Истеъмол бозори тобора Янги товарлар ва хизматлар билан бойиб бораётган бугунги шароитида янги имкониятларни аниқлаш ва улардан окилона фойдаланишда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти кун сайин ортиб бормокда.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланди, хамда унинг мақсади нихоятда кенг ва мураккаб масалаларни хал қилишга каратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган холда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир.

Назорат учун саволлар.

1. Маркетинг тадқиқотига бўлган зарурат кандай омиллар таъсирида вужудга келди?
2. Маркетингнинг асосий вазифа ва мақсадлари нималардан иборат?
3. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти нималардан иборат?
4. Ишлаб чиқаришни яхшилаш ва сифатли маҳсулотлар олиш учун маркетингнинг кандай элементларидан фойдаланиш керак?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Қосимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
4. Березин И. С. Маркетинговый анализ. Рынок. Фирма. Товар. Продвижение. – М.: Вершина, 2008. – 480 с.
5. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учебник. – М.: «Финпресс», 2008. – 496 с.
6. Лашкова Е.Г. Маркетинг: практика поведения исследований: учеб.пос. – М.: «Академия», 2008. – 240 с.
7. Котлер Ф. Маркетинг по Котлеру: как создать, завоевать и. удержать рынок. – М.: Алъпина Бизнес Букс, 2008.- 283с.
8. Шаповалов.В.А. Управление маркетингом и маркетинговый анализ. учебное пос. – Ростов - н /Д: Феникс, 2008-345 с.

Интернет сайтлари:

- 1.www.marketing.al.ru/index_0007.shtml
- 2.www.marketing.uef.ru/students-news.php
- 3.www.marketologi.ru/docs/teaching.html

2-Мавзу: Туризмда маркетинг тадқиқотларини бошқариш.

Режа:

- 1. Туризм бозорида товар ва хизматлар таклифини табақалаштириш.**
- 2. Туризм бозорида товар ва хизматлар таклифини позициялаштириш.**
- 3. Туризм бозорида товар ва хизматларнинг яшаш даври стратегияларини бошқариш тушунчаси.**

1. Туризм бозорида товар ва хизматлар таклифини табақалаштириш.

Рақобат бўйича устунликка эришиш учун хар бир компания маҳсулотни табақалаштиришнинг ўз хусусий усусларини топиши лозим.

Табақалаштириш - товарни рақобатчи товаридан фарқ қилидирувчи масулотни бир қатор муҳим хусусиятларини ишлаб чиқиш жараёнидир.

Табақалаштиришнинг имкониятлари хар бир аниқ тармоққа боғлиқдир. BOSTON CONSULTING GROUP миқдори ва мумкин бўлган рақобат устунларига кўра фаолиятнинг тўрт типини ажратиб кўрсатиш мумкин деб ҳисоблади:

- 1.Ҳажмли тармоқ.
- 2.Чекланган тармоқ.
- 3.Қисмларга бўлинган тармоқ.
- 4.Ихтисослашган тармоқ.

Реал товарларни табақалаштириш даражаси кенг чегараларда тебра-нади. Бир томондан юқори стандартлаштирилган маҳсулотлар мавжуд бўлиб, уларга бирор бир ўзгартириш киритиш қийиндир.

Иккинчи томондан бир-биридан табақалаштириш учун юқори имконият-ларга эга товарлар мавжуддир.

Табақалаштиришнинг асосий кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

- 1.Кўшимча имкониятлар;
- 2.Маҳсулотдан фойдаланиш самарадорлиги;
- 3.Шинамлиги;
- 4.Ўзок муддат ишлаши;
- 5.Ишончлилиги;
- 6.Таъмирлашга яроқлилиги;
- 7.Стилистик қарорлар;
- 8.Дизайн.

Кўшимча имкониятлар - маҳсулот асосий функцияларини тўлдирув-чи тавсифномалар ҳисобланади.

Маҳсулотдан фойдаланиш самарадорлиги - маҳсулотни асосий функциясини бажарилиши сифати билан белгиланади.

Шинамлилик даражаси - сўралган тавсифномаларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мос келиши.

Узок муддат ишлаши - нормал ёки оғир шароитларда фойдаланганда буюмнинг кўзда тутилган хизмат вақтининг давомийлигини белгилаб беради.

Ишончлилиги - маҳсулотни маълум вақт давомида нормал ишлаб беришининг эҳтимоллилик кўрсаткичи.

Таъмирлашга яроқлилиги - бўзилган ёки ишламайдиган қурилманинг ишга яроқлилигини тиклаш мураккаблиги даражасини кўрсатади.

Стилистик қарорлар - истеъмолчи томонидан товарни қабул қилинишини акс эттиради.

Дизайн - истеъмолчи талаблари нуқтаи назаридан маҳсулотни ташқи кўриниши ва ишлашини белгилаб берувчи кўрсаткичлар мажмуасидир.

Буюмга нафақат истеъмол маҳсулотларига мос келувчи, балки кейинчалик шу буюмга қараганда кўзларини яйратадиган ташқи шаклни бериш ғояси унчалик янги эмас.

Тош даври предметлари ёк нафақат истеъмол хусусиятларига эга бўлиб колмай, балки кишиларнинг эстетик эҳтиёжларига жавоб берганлар.

Кишилик тарихининг турли даврларида тайерланган буюмларни соф техник сифатлари ва ташқи кўринишлари ўртасида вужудга келадиган нисбатларга қараш қизиқарли. Айниска бу XV-XVIII асрлар куролларида яққол намоён бўлади. Аввал қиличлар ва яроғ-аслаҳалар фақат вазифавий характерга эга бўлиб, вазифавий шаклда эдилар.

Янги буюмни саноат дизайнига конструкциясини мослаш ва ишлаб чиқаришнинг барча томонлари бевосита таъсирга эга ва аксинча, саноат дизайнни саноат буюмига, унинг яратилиши ва соф техник фаолият юритишига таъсир кўрсатади. Буюм стайлингини ишлаб чиқишида бу буюмдан фойдаланиш, унинг хавфсизлиги, қулайлиги ва фойдалилиги каби томонлари катта рол ўйнайди.

Саноат дизайнни заминида янги буюмни ривожланишининг қисқача санаб ўтилган бу айрим томонлари ёк, улар маркетингнинг кўпгина нуқтаи назарлари билан ўзаро жудаям якиндан боғланганлигидан дарак беради.

Саноат дизайнни ўз ичига киши ва буюм ўртасида мавжуд бўлган барча ўзаро алоқалар ва ўзаро боғликларни олади. Бу ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш учун мутахасислар кишининг руҳий ва физиологик тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланадилар. Уларнинг мақсади шаклни унинг мазмунига энг мос бўлиши кафолатини таъминлашдир.

Буюмни яратишида, албатта, буюм шакли унинг вазифасига боғликлигига ва истеъмолчи талаби хамма вақт буюм шаклини белгилашига риоя қилиш керак.

Бундай буюмларнинг асосий нуқтаси, улардан фойдаланишида киши билан якиндан алоқага кирадиган буюмларни: янги турдаги мебелни, автомобил ўриндикларини ишлаб чиқиши ёки ишчи ўринларни яратиш киши хусусиятларини - тирик организмни ўрганишдан иборат. Киши организ-мини ўрганиш билан икки соҳа шуғулланади: антропометрия ва эргономика. Бу соҳалар мавжуд ва XX асрнинг 40-йилларда катта ривожланишга эга бўлган ва хозир улар ривожланишининг натижалари дизайннерлар ишини анча енгиллаштиради ва кенг ишлатилади.

Антрапометрия киши танаси ва унинг алоҳида қисмларининг ўлчамлари ва вазифаларини ўрганиш билан шуғулланади. У яна киши фаолиятини анатомик, физиологик ва руҳий жиҳатларини уларни барчасини комплекс ҳолда тадқиқ қиласди. Дизайнер-антрометрик ахборотларни меъёрлар ва стандартлар шаклида, мисол учун, киши организми учун ўртача маълумотларни аниқ олгани ҳолати ёки у ёки бу ишини бажариши хақида олади. Аммо биргина ўртача маълумотлар етарли эмас. Дизайнер турли энтик гурухларда киши организми ўлчамлари бир хил эмаслигини доимо назарда тутиш керак.

Бундай ҳолат ўз маҳсулотларини бутун ёки деярли бутун дунёга етказиб берувчи ҳалқаро контейнерлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Эргономика - киши танасининг иш вақтидаги харакатини, энергия сарфини ва киши аниқ меҳнатининг унумдорлигини ўрганади. Эргономика ишни бажариш жараёнида у ёки бу харакатни бажаришда кишига таъсир қиласидиган руҳий, анатомик ва физиологик ўзгаришлар хақида ахборотлар беради. Эргономикани қўллаш соҳаси анча кенг.

У хам ташкилий ва хам майший ишчи ўринларни ташкил қилишни, хамда саноат дизайнини қамраб олади.

Бу масалаларни ҳал қилишда нафақат мижоз талаблари, балки товарнинг ўзини ишлаб чиқариш қиймати хам эътиборга олинади.

Умуман истеъмолчи даъволари хамма вақт хам ишлаб чиқаришдан устун туради, деган қоидага амал қилиш керак.

Техник буюмларга келганда унинг ташқи қўриниши касбнинг юқори даражаси ва техникасига мос келиши кераклиги тавсия этилишини таъкидлаш керак.

Саноат дизайнни учун рангни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда, албатта, руҳий ҳолатлар муҳим рол уйнайди. Рангни танлашда уларнинг ҳислатлари, турлари, очиқлиги ва ялтирашини назардан кочирмаслик керак. Қандайдир буюмнинг рангини танлашда ўз-ўзига шундай савол бериш керак: ушбу корхонада алоҳида фирма ранги мавжуд эмасми?

Маълумки, Ғарбда кўпгина фирмалар ўз буюмлари учун аниқ рангларни танлаб оладилар. Масалан, Ғарбий Германиянинг «Нивел» фирмасида парвоз товарлари учун кўк-оқ бирикмадаги ранглар танланган.

Фирма ранглари ўз-ўзига хизмат қўрсатиш дўконлари пештахталарида ушбу товарнинг ўҳшашлигини фарқлайди. Янги товар ишлаб чиқаришда, ўша серия доирасида улар истеъмолчига уларга тезроқ қўнишишига имкон беради.

Ранг нафақат товарни иложи борича тез сотилишига ёрдам бериши, балки белгиланган техник вазифаларни бажаришга хам қаратилган.

Барча электр асбобларида кўп сонли симлар ўз номларига мувофиқ турли хил ранглар билан белгилаб қўйилган ёки автомашиналарда узок ёруғлик хар доим кўк чироқ билан, яқин - яшил ва барча хавф-хатар хақида хабар берувчи бошқа чироқлар қизил билан белгиланган. Кўйидаги 1-жалвалда рангнинг дизайннинг таркибий қисми сифатида эканлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал.

Ранг дизайннинг таркибий қисми сифатида.

Ранг	Кўриниш-сезиш қобилиятигининг аломатлари			
	масофа	харорат	рухий кайфият	гигиеник таъсир
Кўк	узоқ	совуқ	хотиржам	тоза
Яшил	узоқ	нейтрал, жуда совуқ	жуда хотиржам	янги
Қизил	яқин	иссиқ	асаблантиради- ган, ташвишли	янги
Тўқ сарик	жуда яқин	жуда иссиқ	жуда яқин	янги
Сарик	яқин	жуда иссиқ	жуда яқин	ифлос
Жигар ранг	жуда яқин	нейтрал	жуда яқин	ифлос
Бинафша	жуда яқин	совуқ	агрессив- ташвишли. чалкаштириб ташловчи	ифлос

Саноат дизайнни соҳасида маркали номлар ва уларнинг босма харфлари алоҳида рол ўйнайди. Аниқ равшанки, босма харфнинг шакли ва конфигурацияси буюмга мос бўлиши керак. Цемент солинган қопларни маркалаш учун готик харфлардан фойдаланиши самаралилиги гумон. Харфлар қўриниши ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими бўлган универмаг ва универсамларда сотиладиган товарлар ва маҳсулотлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Худди шу ҳолда ёзув жуда аниқ, имкони борича қисқа бўлиши керак.

Маркали буюм концепциясини ишлаб чиқишида ушбу буюмга маркали ном ёки маркали расм тўғри келадими деган саволни бериш мақсадга мувофиқ. Ушбу саволга жавоб буюмнинг тури ва ишлаб чиқарувчи қандай обрўга эгалигига боғлик.

Маркали расмлар ва белгилар оғзакига нисбатан бошқа тилларда ғалати, кулгили ёки жарангламайди.

Маркали номлар бошқа номлардан катъий фаркланиши осон бўлиши, эсда қолиши керак, уларни жуда узун қилишга хожат йўқ, улар товарга мос келишлари, юқори даражадаги ижобий обрўга эга бўлишлари керак.

Фарбда саноат дизайнининг гуриллаб ривожланиши билан 1957 йилда саноат дизайнни бўйича жамиятнинг халқаро кенгаши ICSID ташкил қилинди. Кенгаш жаҳоннинг барча мамлакатларида саноат дизайнини ривожлантиришни ва барча дизайнерларга уларнинг малакаларини оширишда ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ташкилот ЮНЕСКО доирасида харакат қиласи.

2. Туризм бозорида товар ва хизматлар тақлифини позициялаштириш.

Товарни бозорда позициялаштириш - бозорда рақобтбардош ҳолатни таъминлаш ва унга мос маркетинг комплексини ишлаб чиқиши бўйича хамда мақсадли истеъмолчилар гурӯҳлари онгида ўзига хос ижобий ҳолатни эгаллаш бўйича харакатлардир. Масалан, автомобил компанияси ўз автомобилларини узоқ муддатга чидамлилиги бўйича табақалаштириши (дифференциация) қилиши мумкин, айни шу чоғда эса унинг рақобатчилари автомобилнинг тежамкорлиги, шинамлиги ва бир тёки сда юришига ўз эътиборларини қаратишади.

Позициялаштиришнинг пировард натижаси - маҳсулот қимматдор-лиги тўғрисида бозорга йўналтирилган тақлифни самарали яратиш ҳисобланади. Амалиётда битта ёки иккита, учта ва ундан ортиқ устунлик бўйича позициялаштириш амалга оширилади.

Реклама компанияси кўчайиши билан истеъмолчиларга мурожаатномалар хам ошиб боради ва ишончсизлик хамда аниқ позициялашти-ришни йўқолиши таваккалчилиги пайдо бўлади.

Одатда компаниялар позициялаштиришда тўрт хилдаги хатоликларга йўл қўяди:

- етарлича позициялаштиришмаслик;
- меъёридан ортиқ позициялаштириш;
- аралаш-қуралаш позициялаштириш;
- шубҳали позициялаштириш.

3. Туризм юозорида товар ва хизматларнинг яшаш даври стратегияларини бошқариш тушунчаси.

Товар яшаш даври концепцияси (ТЯД) шундан келиб чиқадики, хар бир товар бозор барқарорлигининг белгиланган даврига эга, яъни бозорда белгиланган вақт ичидаги яшайди. Эрта ё кеч у бозордан янада мукаммалроқ ва нуфўзлироқ бошқа товар томонидан сиқиб чиқарилади.

ТЯД ўз ичига қўйидаги босқичларни олади:

- тадбиқ этилиш.
- ўсиш.
- етуклик.
- туйиниш.
- пасайиш.

Товарни тадбиқ этиш босқичида, одатда унинг савдоси заарар келти-рувчи ҳисобланади. Сотиш ҳажми қоидага кўра, унча катта эмас, Маркетинг харакатлари, айникса реклама учун юқори бўлади. Шунинг билан бирга, даврни фойдалилиги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (ИТТКИ) бажаришда кейинги босқичларнинг натижалилиги билан белгиланади.

Ўсиш товарни харидорлар томонидан тан олинишининг фаолияти. Ундан кейин унга талаб тез ўсади, сотиш ва фойдалилик ўсади, харажатлар, айникса реклама барқарорлашади.

Товарнинг етуклиги шунинг билан таърифланадики, бунда кўпчилик бўлажак харидорлар товарни харид қилиб бўлган бўладилар. Шунинг учун сотишнинг ўсиш суръати пасаяди, фойда хам маркетинг тадбирларига харажатларнинг ўсганлиги сабабли сёки нлик билан ўсади.

Товарнинг тўйиниши нархларни пасайиши ва харидорларга бошқа таъсирлардан фойдаланишга қарамасдан сотишнинг ўсиши пасайганда келади. Савдони фойдалилиги ишлаб чиқариш харажатларини камайган-лиги, технологиядан янада тўлиқроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, яроқсиз маҳсулотни камайтириш оқибатида давом этиши мумкин.

Товарни замонавийлаштириш, нархларни камайти-риш, сервисни яхшилаш ва бошқа тадбирлар воситасида алоҳида ҳолларда тўлиқ пасайишни олдини олишга ва хатто товарни иккинчи тўйиниш босқичига олиб чиқишга эришилади.

Коидага кўра, босқичдан-босқичга ўтиш кескин сакрашларсиз ўтади, шунинг учун маркетинг хизмати босқичлар чегарасини пайқаб олиши, маркетинг дастурига тегишли ўзгаришлар киритиши, маркетинг харака-тини қайта тақсимлаш учун сотиш ва фойда суръатини ўзгариши устидан дикқат билан кузатишлари керак. Айниқса тўйиниш ва пасайиш босқичини ўз вақтида пайқаб қолиш муҳим, чунки бозорда «касал» товарни ушлаб туриш зарар келтиради ва обрўсизлантиради.

Кўйидаги 2-жадвалда ТЯД нинг хар бир босқичида қўлланилиши зарур бўлган маркетинг элементлари келтирилган.

2-жадвал

ТЯД босқичларида маркетинг элементларини тадбиқ этиш

ТЯД босқичлари	Маркетинг элементларини қўллаш
Товарни тадбиқ этиш	Рекламани қўпайтириш, товар сифатини ошириш, баҳо ни пасайтириш, сервисни кўчайтириш.
Товар сотилишининг ўсиши	Рекламанинг ўсиши, товар сифатини ўсиши, баҳонинг пасайиши, турли хил сервис хизматининг қўпайиши.
Товарнинг етуклиги	Баҳонинг пасайиши, ТШУР нинг жадаллашуви, товар сифатининг ўсиши, сервисни такомиллаштириш.
Бозорнинг товарлар билан тўлиши	ТШУР, товар хизматини яхшилаш, сервисни яхшилаш, баҳони пасайтириш.

Товар сотилишининг кескин камайиши	Товарни такомиллаштириш, баҳони пасайтириш, ТШУР, ўраш-жойлашни янада яхшилаш, сервис- ни ошириш.
--	---

Маҳсулот яшаш даври муддатининг хисоб-китобларини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$Ттяд = T_1 + T_2 + T_3 + T_4 + T_5 + \Sigma_1 МТ,$$

бу ерда: - T_1, T_2, T_3, T_4, T_5 - тадбиқ этиш, ўсиш, етуклиқ, тўйиниши ва пасайиши;

$\Sigma_1 МТ$ - олдинги босқич натижаларини тадбиқ этишнинг даврлараро танаффуси (кутиш).

ТЯД муддатини аниқлаш ТЯД га маркетинг элементларини ўз вактида тадбиқ этишни таъминлайди.

Ассортимент сиёсати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг навини танлашни ва технологик вазифалар ва корхона тажрибасидан фойдаланишга мувофиқлашувини таъминловчи ишлаб чиқариш тузилмасини, ишлаб чиқарилган товарлар фойдалилигини ва янгилик киритиш харажатларини аниқлашни кўзда тутади. Бу қўйидагиларни талаб қиласди:

- такомиллаштириш ва замонавийлаштиришни талаб қиласди ган янги маҳсулот ва такомиллаштириш ва замонавийлаштиришни талаб қиласди ган эскирган маҳсулот ўртасидаги нисбатларни тадқиқ қилиш ва аниқлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар навларини сифат ва миқдор кўрсаткичларида белгилаш;
- моделлар ва уларни замонавийлаштирилганлари сонини аниқлаш;
- барча ишлаб чиқарилаетган навлар ва навларни янгилаш истиқболлари бўйича товарнинг яшаш даври ТЯД ни аниқлаш.

Ассортимент сиёсатини шакллантиришнинг асосий шартлари қўйидагилар: керакли ресурсларнинг мавжудлиги, техника ва ишлаб чиқариш технологиясининг тегишли даражаси, энг мувофиқ муддатларда янги ишлаб чиқаришни яратиш, патент ҳимоясини йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш даврининг барча сегментларида тайёрланган бошқарув ходимлари ва малакали мутахассисларнинг етарлича миқдори.

Навларнинг шаклланишига қўйидагилар таъсир қиласди: ишлаб чиқаришнинг кутилган фойдалилиги, харажатлар. Киритилган маблағлар-нинг ўзини қоплаш муддати, талабнинг муддатлилиги, бозор ҳолати ва нархларнинг ҳолати билан боғлик хавф-хатарнинг даражаси.

Ассортимент сиёсати технологиядан фойдаланишни мувофиқлаштиришга йўналтирилганdir. Унинг шаклланишида товарнинг яшаш даври концепцияси ётади.

Товарнинг яшаш даври қўйидаги босқичларни ўтади: тадбиқ этиш, ўсиш, етуклиқ, тўйиниш, пасайиши.

Товарни тадбиқ қилиш босқичида одатда савдо заар келтирувчи хисобланади, сотиш хажми катта бўлмайди, рекламага маркетинг харажатлари эса анча катта бўлади.

Ўсиш товар харидорлар томонидан тан олинганидан дарак беради, унга талаб ошади, сотиш ва фойда олиш ўсади, рекламага харажатлар барқарорлашади.

Етуклик кўпчилик бўлажак харидорлар товарни харид қилиб бўлганлиги билан таърифланади. Шунинг учун товар сотишнинг ўсиш суръати пасаяди. Фойда маркетинг тадбирларига харажатлар ошганлиги сабабли сёки нрок ўсади.

Тўйиниш - нархларнинг пасайиши ва харидорларга таъсир қилиш-нинг бошқа чораларидан фойдаланишга қарамасдан сотиш тўхтаганда амалга ошади, савдо технологиясидан янада тўларок фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошиши, яроқсиз маҳсулотнинг камайиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари пасайгани учун ўсиши давом этиши мумкин.

Пасайиш - сотиш ва фойдани кескин камайиш даври. Товарнинг замонавийлашуви, нархларнинг камайиши ва сотишни рағбатлантириш-нинг бошқа чоралари воситачилигида айрим ҳолларда тўлиқ пасайишни тўхтатиш ва хатто товарни иккинчи тўйиниш босқичига олиб чиқиши хам мумкин. Босқичдан-босқичга ўтиш кескин сакрашларсиз ўтади, шунинг учун маркетинг хизмати босқич чегараларини пайқаб олиши ва маркетинг дастурига тегишли ўзгаришлари киритиш учун сотиш ва фойда суръатларининг ўзгартириш орқали ушбу жараённи эътибор бериб кузатиши керак.

Айниқса тўйиниш ва пасайиш босқичини пайқаб олиш муҳим, чунки бозорда «касал» товарни ушлаб туриш ғоят заар келтиради ва обрў нуқтаи назаридан жуда хам заарлидир.

Турли хил товарлар турлича яшаш даврларига эга, масалан ёзув машинкаси 30-40 йил, автомашина 5-10 йил.

ТЯД нинг хар бир босқичда товарларни сотишнинг ўсишини рағбатлантирувчи маркетинг сиёсатининг турли хил элементларидан фойдаланадилар. Кўйидаги З-жадвалда маркетинг сиёсати элементлари-нинг товарларни сотишнинг ўсишига таъсири келтирилган.

З-жадвал

Маркетинг сиёсати элементларининг товарларни сотишнинг ўсишига таъсири.

№	ТЯД босқичлари	Маркетинг сиёсати элементлари (харажатлар ва аҳамияти даражаси бўйича)
1.	Жорий этиш.	Товарнинг сифати, баҳони пасайтириш, сервисни яхшилаш.
2.	Ўсиш.	Рекламани кенгайтириш, товар сифатини ошириш, баҳони пасайтириш, сервисни яхшилаш.
3.	Мақсадга этиш.	Баҳони пасайтириш, рекламанинг ўсиши, товар сифатини ошириш, сервисни яхшилаш.

4.	Тўйиниш	Рекламанинг ўсиши, товар сифатини яхшилаш, сервисни яхшилаш, баҳони пасайтириш.
5.	Сотишининг кескин камайиши.	Товарни такомиллаштириш, баҳони ўзгартириш, сотишини рағбатлантириш.

Хорижий фирмалар тажрибаси кўрсатадики, ассортимент сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан мунтазам шуғулланиш керак. Бу бозорда товар ҳолатининг таҳлилини ўтказишини, сотиш истиқболи ва стратегиясини, корхонанинг харакат қилиш шакллари ва услубларини баҳолашни таъминлайди.

Қисқа хуносалар.

1. Табақалаштириш - товарни рақобатчи товаридан фарқ қилидирув-чи маҳсулотни бир қатор муҳим хусусиятларини ишлаб чиқиш жараёнидир.
2. Товарни бозорда позициялаштириш - бозорда рақобатбардош ҳолатни таъминлаш ва унга мос маркетинг комплексини ишлаб чиқиш бўйича хамда мақсадли истеъмолчилар гурухлари онгига ўзига хос ижобий ҳолатни эгаллаш бўйича харакатлардир.
3. Товар яшаш даври концепцияси (ТЯД) шундан келиб чиқадики, хар бир товар бозор барқарорлигининг белгиланган даврига эга, яъни бозорда белгиланган вақт ичida яшайди.

Таянч иборалар.

1. Бозор товар таклифини табақалаштириш тушунчаси.
2. Бозор товар таклифини позициялаштириш тушунчаси.
3. Яшаш даври стратегияларини бошқариш тушунчаси.
4. Маркетинг стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш.
5. Мақсадли истеъмолчи онгига товарни позициялаштириш.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Бозор товар таклифини табақалаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Бозор товар таклифини позициялаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Яшаш даври стратегияларини бошқаришнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Маркетинг стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш ўз ичига нималарни олади?
5. Мақсадли истеъмолчи онгига товарни позициялаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Компаниялар позициялаштиришда қандай хатоликларга йўл кўйишади?
7. ТЯД қандай босқичларни ўз ичига олади?

8. Ассортимент сиёсатини шакллантиришнинг асосий шартларига нималар киради?
9. ТЯД босқичларида маркетинг элементларини тадбиқ этиш деганда нимани тушунасиз?
10. Маркетинг сиёсати элементларининг товарларни сотишнинг ўсишига таъсирини тушунтириб беринг?

3-мавзу. Туризмда маркетинг тадқиқотининг йўналиши ва услублари

3.1. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиша ахборотнинг моҳияти

3.2. Маркетинг тадқиқотининг йўналишлари

3.2. Маркетинг тадқиқотининг босқичлари

3.1. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиша ахборотнинг моҳияти

Маркетинг тадқиқоти ишлари барча ташкилот ва корхоналар фаолиятида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бозор хусусидаги ахборот ёки хабарларга суюниш, улардан керакли вазиятларда фойдаланиш, табиийки, зарурӣ шартдир. Лекин, фирма ва ташкилотларнинг мақсадли бозор, харидор сари интилишларини амалга оширишда муайян йўналишга ва мақсадга бўлган маркетинг тадқиқотлари мухим ўрин эгаллади.

Бу ўринда машҳур «Маркс энд Сиенсер» компаниясининг бой тажрибаси диққатга сазовор. Англияда йирик ва нуфузли саналган ушбу ташкилот «юмшоқ товарлари» (кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари) чакана товар оборотида 16 фоизни ташкил этади. Ҳар бир квадрат метрга тўғри келувчи товар обороти ҳажми бўйича бу компания дунёда биринчи ўринда туради. 80-йилларда «Маркс энд Сиенсер» Парижда ўз шаҳобчасини очиш ва француз харидорлари дидига мос келувчи товарларни таклиф қилиш мақсадида 18 ой мобайнида муттасил маркетинг тадқиқотларини ўтказди. Ваҳоланки, британиялик ва француз оиласарининг турмуш тарзи, ҳаётий қўнимаси, қизикувчанлиги, даромадлари бир-бирларига жуда ўхшаш бўлса ҳам, маҳаллий бозор табиати, ундаги рақобат, харидорлар талаби бирмунча фарқ қилар экан.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ташкилот, фирма ўз бозори ва харидори кўламини сақлаш, улар салмоғини ошириш, янги эҳтиёжни қондириш учун доимий тарзда маркетинг тадқиқотларини амалга оширмоғи лозим.

Албатта ҳар маркетинг тадқиқоти тегишли сарф ҳаражатларни талаб этади. Асосан йирик фирмалар ўз таркибий тузилмалари, шўъба ташкилотлари миқёсида маркетинг тадқиқотларини ўтказадилар. Лекин барча соҳалар бўйича тадқиқотларни ўтказиша имконият ва муайян заруратлар доимий бўлмаганлиги ҳамда ходимларни бутун йил давомида ишда банд қилиб турish қимматга тушиш сабабли, айrim муаммоларни ихтисослашган маркетинг марказларига, институтларига топширадилар ва даврий тарзда ахборот олиб турадилар.

АҚШда энг йирик ва машҳур фирмалар ўз маркетинг тадқиқотларини асосан беш соҳада амалга оширадилар:

1. Рекламани ташкил этишга оид тадқиқотлар.
2. Стратегик режалаштириш ва ташкилот сиёсатига оид тадқиқотлар.
3. Ташкилотнинг ички ва ташқи маъсулиятини баҳолашга оид тадқиқотлар.

4. Бозордаги ҳолат таҳлили.
5. Сотиш ва бозор имкониятларига оид тадқиқотлар.

Мавзу жиҳатдан маркетинг тадқиқотлари бир-бирини тўлдирувчи бўлиши билан бирга, бир-биридан таҳлилнинг чуқурлиги тайинли муаммо ва вазифани ҳал этишга қаратилганлиги билан фарқланади. Масалан, сотув таҳлили, бозор таркиби таҳлили, бозор имкониятларини изланиши, қисқа ва узоқ муддатли бозор башорати, рақобатчилар маҳсулотлари таҳлили, янги маҳсулотнинг сотув ҳажмини аниқлаш, сотув шахобчаларини излаш, нарх сиёсати таҳлили, реклама воситалари таҳлили ва ҳк. Ушбу мавзудаги маркетинг тадқиқотлари йил сайин янги услубларнинг қулланиши, ахборот кўламининг қайта ишланиши, бошқа кўрсаткичларнинг инобатга олиниши, бир неча вариантили ечимлар таклиф этилиши билан бойиб бормоқда. Хусусан, ушбу мавзулар бўйича сунгги пайтларда ишлаб чиқарилга умумий ва маҳсус компььютер дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин. Умуман олганда, маркетинг дастури ва тадқиқотларида ишлатилаётган корхона фаолиятига таъсир қилувчи ижтимоий-иктисодий ахборотларга қуидагилар киради:

- ◆ демографик, ижтимоий, сиёсий, иктиносий тенденциялар;
- ◆ аҳоли ва корхоналарнинг даромади, харажати, истеъмол жамғармаларининг таркиби;
- ◆ баҳоларнинг умумий динамикаси, ташқи савдо;
- ◆ солиқлар тизими;
- ◆ рақобатчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам ана шундай ахборотлар жумласига киради.

3.2.Маркетинг тадқиқотининг йўналишлари

Маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари, албатта бозорнинг ривожланган даражаси, ундаги рақобат интенсивлиги, тегишли товарлар ва хизматлар билан машғул бўлган фирмаларнинг катта-кичиклиги, маркетинг ахбороти ва хабарнома тизимларининг шаклланиш суръати ва бошқа омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Шу, жиҳатдан ривожланган хорижий давлатлардаги фирмаларнинг маркетинг тадқиқотлари йўналишлари, уюштириш тартиби ва шакллари бизнинг мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари учун ўзгаришсиз қабул қилиниши хусусида фикрлаш бирмунча ноўрин бўлади.

Замонавий маркетинг назариясининг ривож топиши ва амалий фаолиятда унинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши, фирмаларнинг маркетинг тадқиқотларини уюштиришда ҳам сезиларли тарзда ўз аксини топмоқда. Хусусан, фирмаларнинг рақобатдорлик қуввати, бозордаги ўрни, лозим стратегик мақсадлари, диверсификация сари йўл тутиш тактикаси кўпгина ҳолларда тадқиқотларнинг йўналиши ва қўламини белгилайди. Ф.Котлер фирмаларнинг маркетинг стратегияларини 4 та асосий тури мавжудлиги ва тадбирлар бир-биридан фарқланишини таъкидлайди. Жумладан фирмаларнинг маркетинг стратегияларини қуидаги турларга бўлиш мумкин.

- ◆ пешқадамликка интилувчи (бозорда ўртача 30% улушга эга);

- ◆ ҳамқадам интилувчи (бозорда 20% улушга эга);
- ◆ бозордаги «ниша»ни –«бўшлиқ»ни эгалловчи (бозорда 10% атрофида улушга эга).

Ушбу стратегияни танлаган ва амалга ошираётган фирмаларнинг бозордаги улуши, келгуси интилишлари тегишли муаммолар бўйича маркетинг тадқиқотларининг йўналишларига, жаддалигига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, бозорда пешқадам бўлган фирма бозордаги конъюнктура, янги маҳсулотни ўзлаштириш, сотиш имкониятларини ошириш, коммуникация ва реклама йўналишлари тадқиқотларига кўпроқ эътибор қаратса, бозордаги «ниша»ни эгалловчи фирма харидорлар истагини ўрганиш, рақобатчилар товарларини ва нархларни таҳлил қилиш бозор чегараларини кенгайтириш борасидаги тадқиқотларни амалга ошири бўлади.

Жумладан, автомобиль бозорининг шаклланиши ва рифожланишига назар ташласак, ушбу фикримизнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX асрнинг 60-70 йилларида жаҳон автомобиль бозорида Япония ва Жанубий Корея автомобилларининг номи ҳали тилга олингани йўқ эди. Ҳозирги пайтда эса, ушбу давлатларда яратилган автомиллар АҚШ, Олмония, Франция, Италия каби давлатлардаги машҳур фирмаларнинг тажрибасини ўрганиш, автомобилларни тадқиқ қилиш асосида ривожланди. Ҳозирги кунда Япониянинг Тоёта, Ниссан, Митцибуши, Хонда, Жанубий Кореянинг Хундай, Дэу каби компаниялари айрим давлатлар бозорларида пешқадамликка эришиш стратегияларини амалга аширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Тадқиқотларни туркумлаш белгилари	Тадқиқотларнинг йўналишлари ва уларни амалга ошириш хусусиятлари
Тадқиқот мақсадларига кўра	Ахтариш, тавсифлаш, эксперимент ўтказиш юзасидан тадқиқотлар
Маркетинг элементлари бўйича	Товар, нарх, дистрибуция, коммуникация йўналишидаги тадқиқотлар
Бозордаги тадқиқотларни амалга ошириш кўламига кўра	Махаллий, миллий, халқаро миқёсида
Тадқиқотларни амалга оширувчи субъектлар иштирокига кўра	Бевосита фирма иштирокида, маркетинг воситачиси иштирокида, танланган маҳсус иштирокчилар воситасида
Тадқиқотларни ўтказиш даврийлигига кўра	Бир маротабали, мавсумий, фавқулодда ва бошқа жиҳатдаги тадқиқотлар

3.1.-расм. Маркетинг тадқиқотларининг йўналишларини туркумлаш белгилари

Шу сабабдан маркетинг тадқиқотларини уюштириш бозорнинг ривожланиш ҳолати, рақобат жаддаллиги, фирмаларнинг ушбу бозорларда

фаолият юритиш мақсадлари ва вазифалар инобатга олиниши зарурий аҳамият касб этади.

Маркетинг тадқиқотлари йўналишларини белгилашда тегишли фирманинг бозорда фаолият юритиш ўрни, вазифаларини инобатга олиш лозим. Маркетинг тадқиқотини амалга оширишда изланиш муаммоси билан унинг мақсадлари ўртасида тафовут – фарқланиш мавжудлигига етарлича эътибор берилмайди. Бунинг оқибатида кейинги босқичларда сезиларли хатоларга йўл қуйилади. Шу сабабдан тўғри ва аниқ белгиланган муаммо, тайинли мақсадга эришиш учун пухта замин яратади. Масалан, юқори синфдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи «А» фирманинг X – моделли автомобилларини ички борт компьютери ва радио телефони билан бир йўла жиҳозлаб чиқаришни мисол қилиб олайлик. Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, барча автомобил ишлаб чиқарувчи фирмалар ушбу «қўшимча жиҳозларни» қўшимча танлов ва унга хос бўлган ҳақ эвазига бажарадилар. «А» автомобиль фирмаси рақобатчилардан ажралиш, юқори истеъмол даражасидаги харидорлар учун уриниши қандай муаммони ҳал этиши ва мақсадларни кўзлашини кўриб ўтамиз. Борт компьютер ва радио телефонли автомобилларга бўлган оммавий эҳтиёж ва буюртма асосида бажариш қандай манфаатларга эришиш имконини беради? Ушбу «қўшимча жиҳозлар» учун харажатлар ва даромадларга таъсири қай жиҳатда бўлади? «Қўшимча жиҳозлар» автомобиль ҳаракати хавфсизлигига ва бошқарувчига қандай афзалликлар ва хатарли холатлар яратади?

Ушбу саволлар тадқиқот мақсадига йўналтирилган саволлар кўлами бўлиб, улар кўламни кенгайтириш ва янада аниқлаштириш мумкин. Асосий мақсад эса «А» фирманинг янги моделига бўлган эҳтиёжини ошириш имкониятларини топиш ҳисобланади. Демак, «А» автомобиль фирмаси «қўшимча жиҳозлар» ҳисобига истеъмол доирасини ошириш сиёсатини юритмоқда.

3.3. Маркетинг тадқиқотининг босқичлари

Маркетинг тадқиқотларининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб бу – тадқиқот режасини ишлаб чиқиши ҳисобланади. Бунда тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тўплаш манбалари, услублари, қуроллари, танлов ўтказиш тартиботи ва режалари тузилади. Тадқиқот асосланадиган маълумотлар ва манбалардан бир неча маротаба тегишли соҳаларда фойдаланиш, уларни қайта ишлаш мумкин.

Маркетинг тадқиқотида кузатиш, эксперимент, сўров, гурухли баҳс энг кўп қулланиладиган услублар ҳисобланади. Ҳар бир услуг тадқиқотнинг тегишли босқичларида самарали ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш, техник воситаларидан самарали фойдаланиши назарда тутади. Масалан, юқорида келтирилган радио телефонли ва борт-компьютерли автомобилга бўлган бошлиғич талабни баҳолаш тадқиқотини олиб кўрайлик. Кузатиш услуги воситасида харидорларнинг жорий даврда ва автомобиль бозоридаги муносабатлари, кўниқмаларини баҳолаш мумкин. Сўров услугида эса аниқ бир харидорнинг «янги жиҳозларга» бўлган қизиқишлари, уларга қўядиган талаб ва

истакларни баҳолаш мумкин. Эксперимент услубида эса синов тарзида автомобилларнинг кичик партиясини бозорда сотиб, харидорлар ҳолатларини кузатиш мумкин.

Тадқиқот режасини ишлаб чиқишида услубий жиҳатдан ўзаро боғлиқлик, аниқлик, тақрорланмаслик, даврий узлуксизлик таъминланиши лозим. Тузилган режа малай жиҳатдан қўйидаги саволларга жавоб беришлари лозим.

1. Қандай маълумотлар тўпланиши керак?
2. Маълумотларни ким тўплайди?
3. Ким ва нима хусусида изланиш олиб бориши лозим?
4. Маълумотларни тўплашда қандай услублар қўлланилади?
5. Маълумотлар қандай шаклда ва қандай муддатларда тақдим этилади?
6. Маълумотларни тўплаш қачон ва қаерда амалга оширилади.
7. Маълумотларни тўплаш учун қандай ҳаражатлар қўзда тутилади?

Ушбу саволларга жавоб топиш асосида тадқиқот режасининг изчилиги, мазмунан ва мантиқан боғлиқлиги таъминланади. Бу ўз навбатида тадқиқотнинг кейинги босқичларида содир бўлиши мумкин бўлган камчиликлар ва хатоликларнинг вужудга келишига йўл қўймайди. Маълумотларни тўплаш босқичи тасдиқланган режа асосида амалга оширилиши билан бир қаторда техник воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш, тайинли артибга солиш вазифасини ҳам бажаради. Чунки жамланадиган маълумотлар қаерда ва қачон амалга оширилишига, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор берилади.

Сўнгги вақтларда маълумотлар ва ахборотларни тўплаш компьютер дастурларидан фойдаланиш юқори самара бермоқда. Чунки тўпланган маълумотлар- бу ҳали натижка эмас, балки тайёрланган дастлабки бир хомашёдир. Шу туфайли маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва тақдим қилиш босқичларини анча осонлаштириш мақсадида маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланилади. Бунда асосий эътибор фақат жадвал шаклидаги маълумотларга эмас, балки график, диограмма, чизма шаклидаги натижавий маълумотларга қаратилмоқда.

Маркетинг тадқиқоти маълумотларни имкони борича қисқа, айни мазмуни ва зудлик билан тақдим этилиши тайинли маҳсулот хусусида бозорда қарор қабул қилиш анча осонкўчади. Шу сабабдан тақдим этилган маркетинг тадқиқоти натижалари умумлаштирилган ва умумий хуносалар келтирилган қисмга эга бўлиши талаб этилади. Тадқиқот давомида олинган барча аҳамиятдаги маълумотлар, жадвал ва диограммалар кенгайтирилган шаклда ва барча тафсилоти билан маҳсус бўлинмаларда келтирилади.

Демак, маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари, унинг мақсадлари асосида муайян услублар танланади. Қулланидиган услублар истакдаги натижага эришиш йўлида бир-бирини тўлдириш, аниқлаш, хатоликларни ўз вақтида бартараф этиш учун хизмат қиласи. Тадқиқот қуроллари эса, хоҳ анкета, хоҳ техник воситалар тарзида бўлсин ахборотларни зудлик билан тўплаш, уларни қайта ишлаш, келгуси фаолиятда унумли фойдаланиш вазифасини бажаради.

Қисқача хуросалар

Маркетинг тадқиқоти ишлари барча ташкилот ва корхоналар фаолиятида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бозор хусусидаги ахборот ёки хабарларга суюниш, улардан керакли вазиятларда фойдаланиш, табиийки, зарурый шартдир. Лекин, фирма ва ташкилотларнинг мақсадли бозор, харидор сари интилишларини амалга оширишда муайян йўналишга ва мақсадга бўлган маркетинг тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди.

Маркетинг тадқиқотларининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб бу – тадқиқот режасини ишлаб чикиш ҳисобланади. Бунда тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тўплаш манбалари, услублари, қуроллари, танлов ўтказиш тартиботи ва режалари тузилади. Тадқиқот асосланадиган маълумотлар ва манбалардан бир неча маротаба тегишли соҳаларда фойдаланиш, уларни қайта ишлаш мумкин.

Маркетинг тадқиқотида кузатиш, эксперимент, сўров, гурухли баҳс энг кўп қулланиладиган услублар ҳисобланади. Ҳар бир услуб тадқиқотнинг тегишли босқичларида самарали ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш, техник воситаларидан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Назорат учун саволлар

1. Маркетинг тадқиқотлари асосан қандай йўналишларда амалга оширилади?
2. Маркетинг тадқиқотлари йўналишларини белгилашда қандай омилларни инобатга олиш зарур?
3. Фирмаларнинг маркетинг стратегиясига кўра қандай йўналишдаги тадқиқотларни уюштириш лозим.
4. Маркетинг тадқиқотлари йўналишлари қандай белгиларига кўра туркумланади?
5. Маркетинг тадқиқотларида қўлланиладиган услублар нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Қосимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
4. Березин И. С. Маркетинговый анализ. Рынок. Фирма. Товар. Продвижение. – М.: Вершина, 2008. – 480 с.
5. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учебник. – М.: «Финпресс», 2008. – 496 с.

6. Лашкова Е.Г. Маркетинг: практика поведения исследований: учеб.пос. – М.: «Академия», 2008. – 240 с.
 7. Котлер Ф. Маркетинг по Котлеру: как создать, завоевать и. удержать рынок. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008.- 283с.
 8. Шаповалов.В.А. Управление маркетингом и маркетинговый анализ. учебное пос. – Ростов - н /Д: Феникс, 2008-345 с.
- Интернет сайтлари:
3. www.dis.ru.Маркетинг.Журнал в России и за рубежом. Merder, David. Marketihg .–Oxford : Blachwell,1992.
 - 4.www.4p.com.ua/books/4.html
 - 5.www.bci-marketing.aha.ru/pm03_02.htm

4-мавзу. Туризмда маркетингнинг ташқи мухити

4.1. Маркетинг мухитининг моҳиятлари ва хусусиятлари

4.2. Маркетинг мухитининг макро ва микро мухитларга туркумланиши ва унинг аҳамияти


4.3. Маркетинг мухитидаги мулоқотлар

4.1. Маркетинг мухитининг моҳиятлари ва хусусиятлари

Маркетинг дастурлари ва режаларини муваффақиятли амалаг оширишда фирмалар нафакат ўз ички салоҳиятларига суюнишлари, балки фирма фаолиятига бевосита боғлиқ бўлмаган кучларнинг таъсирини инобатга олишлари лозим. Одатда фирмаларнинг маркетинг дастурларидаги камчиликлари уни тузишдаги хатолар деб эътироф этилади. Аслида эса маркетинг тадбирларини амалга оширишдаги айрим қийинчиликлар кўпгина ҳолларда ташқи кучлар, омиллар таъсирида вужудга келади.

Масалан, инфляция суръатларининг ортиши оқибатида харидорларнинг харид қилиш қуввати пасаяди, кўпгина истеъмол молларини ялпи истеъмол қилиш сусаяди. Бундай шароитда бозорга кўплаб товарлар ва хизматларни чиқарган корхона нарх сиёсатини инфляциянинг ўзгаришига қараб мувофиқлаштириши, назорат этиши мураккаблашади. Чунки товарларни ишлаб чиқариш вақтидаги сарф-харажатларни сотиш вақтида қоплаш учун вазият, ёки бошқача қилиб айтганда, имконият ёмонлашади. Жорий ҳаракатларни келгусида қоплаб бориш ва сарфланган капиталнинг самарали қайтишини таъминлаш мушкуллашади.

Бошқа томондан, тегишли корхона маҳсулоти ёки хизматини истеъмол қилишни ҳоҳлаган харидор уни бир оз кечикиришга ёки арzon турига алмаштиришга ҳаракат қиласи. Ваҳоланки, ушбу корхона ўз маҳсулот ва хизматлар кўламини баҳолаган ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш учун етарли тадбирларни режалаштирган бўлиши мумкин. Бу ҳолатдан ташқи мухитидаги ўзгаришларни инобатга олиш, фавқулодда ҳолатлар вужудга келиш шароитига мослашиш тадбирларини ҳам назарда тутиши керак.



3.1- расм. Ташкилот микромущтида таъсир этувчи кучлар

Маркетинг тадқиқотларида ташкилот ёки корхона фаолият юритаётган ташқи мухит омилларини ўрганиш, уларни назарда тутиш зарур бўлади. Маркетинг мухитини ўрганишда уни ялпи мухит омилларига нисбатан фарқини англамоқ лозим. Масалан, менежмент ва бизнесини ташкил этишга оид масалаларни ҳал этишда ташқи мухит омиллари турлича тартибда ва йўналишда ўрганилади. Ташкилот маркетинг мухитини ўрганиш эса энг аввало, маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва маркетинг мақсадларини амалга ошириш вазифасини цстивор қилиб қўяди.

Маркетинг мухити – ташкилотдан ташқари холда фаол таъсир ўтказадиган субъектлар ва кучлар йиғиндиси бўлиб, бозор иштирокчилари ва харидорлар билан бўладиган барча муносабатларга ва уларнинг шаклланишига таъсир ўтказади.

4.2. Маркетинг мухитининг макро ва микро мухитларга туркумланиши ва унинг аҳамияти

Маркетинг мухити ташкилот доирасидаги ва кенг таъсир доирасидаги белгисига қўра микро ва макромухитларга бўлинади.

Микромухит таркибига ташкилот томонидан ўз имкониятлари ва мавжуд салоҳияти воситасида таъсир этувчи субъектлар ва кучлар киради. Умладан, таъминотчилар, рақобатчилар, мижозлар ва харидорлар, маркетинг бўйича

воситачилар (агар улар ташкилотга бевосита маслаҳатлар берәётган бўлса), мулодаги жамоа – микромуҳит элементлари ҳисобланади.

Ушбу микромуҳит элементлари ва макромуҳитни ташкил этувчи кучлар олимлар томонидан турлича туркумланади. Масалан, Д.Эванс ва Б.Берман фикрларига кўра, маркетинг амалга оширилаётган муҳитни фирма раҳбарияти ва маркетинг мутахассислари томонидан назорат этиладиган ва назорат этилмайдиган омиллар гурухига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндошишни Д.Эванс ва Б.Берман фирма раҳбарияти ва маркетинг мутахассислари томонидан амалга оширилаётган Амалий ҳатти-ҳаракатларда, бошқариш соҳасидаги чора ва тадбирларда деб асослайдилар ва баҳолайдилар.

Бизнинг фикримизча, Ушбу илмий ёндошиши ва амалийтаҳлил ижобий жиҳатларга эга ва у изланишнинг асосий мезони сифатида маркетингни ташкил этиш ва бошқариш вазифаларини бирламчи қилиб қўяди. Маркетингни макро ва микромуҳитларга туркумлаб ўрганиш классик тарзда бўлиб, у ташки ўзгаришлар кўламини ўта тартибли тизимга солиб ўрганиш ва инобатга олиш имконини беради.

Маркетинг фаолиятини аалга оширишда ташкилотнинг барча функционал бўлинмалари (бухгалтерия, молия, ишлаб чиқариш, сотиш, маркетинг, илмий-тадқиқот ва ҳоказо) етакчи аҳамият касб этади. Бўлинмаларнинг ташкилий тузилиши, бўйчуниши эса ташкилотнинг бошқариш тузилишидан келиб чиқади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, маркетинг мақсадлари ва вазифалари бевосита бошқариш тизимининг шаклланишини белгилаши лозим, аксинча эмас.

Шу нуқтаи назардан, маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва микромуҳитда тасир этувчи кучлар таъсирини эътиборга олиш зарур ҳисобланади.

Ташкилот макромуҳитини ўрганиш таъминотчилардан бошланади. Таъминотчилар – алоҳида олинган ташкилот. Ююшма, шахслар йиғиндисидан таркиб топиб, фирмани моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари билан таъминлайди, муайян товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун сезиларли таъсир ўтказади. Таъминотчиларни ўрганиш ўзига хос хусусиятларга эга. Ташкилот учун таъминотчи бўлган фирма, унинг рақобатчиси учун ҳам таъминотчидир. Таъминотч ҳам ўз фаолиятидээркин бўлиб, унинг талаблар ва эҳтиёжларини табиийки, назарда тутиш лозим.

Масалан, А – фирманинг таъминотчисига нисбатан муносабатини олайлик. Етказиб берилган товар учун пул тўловларининг кечикирилиш, шартнома келишувларининг тез-тез бузиб турилиши, нафақат ундан маҳрум бўлиш хавфини, балки барча таъминотчилар ўртасида ушбу А – фирмасига нисбатан салбий мулодазалар вужудга келишига сабаб бўлади. Энг кўнгилсиз оқибат сифатида эса, қайд этилган таъминотчини А – фирманинг Рақобатчиси манфаатларида хизмат қилиши ва унинг доимий таъминотчисига айланишини мисол қилиш мумкин.

Маркетинг бўйича воситалар – ташкилот учун унинг товарларини мижозларига етказиш. Сотиш, алоқа ўрнатиш бўйича ёрдам кўрсатувчилардир. Улар жумласига савдо воситачилари (дилерлар, дистрибутерлар, савдо

марказлари ва ҳоказо), товар етказиб бериш билан шуғулланувчи ташкилотлар (транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилолар, портлар, аэропортлар, омборларга эга бўлган ташкилотлар ваш у каби товар ҳаракатини таъминловчилар, воситаилар), кредит-молия муассасалари (банклар, сугурта компаниялари ва ҳоказо) киради.

Мижозлар ва харидорларни ўрганиш одатда уларни «мижозли бозор» туркумига бўлиб ўрганиш кенг тарқалган.

Ташкилот ўз маҳсулотларини қуидаги мижозлар бозорида сотиши мумкин:

- a) истеъмол бозорида, яъни бевосита уй хўжаликлари эҳтиёжларин қондириш учун;
- b) ишлаб чиқарувчилар бозорида, яъни ташкилот маҳсулотидан фойдаланиб, бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этиладиган бозорда;
- c) давлат муассасалари бозорида, яъни давлат буюртмалари асосида бажариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар бозорида;
- d) улгуржи бозорда;
- e) халқаро бозорда.

Ҳар бир бозор ўз хусусиятига ва мижозларининг турли-туман эҳтиёжларига эга. Шу жиҳатдан, ташкилот мижозлар кўламини ва таркибини ўзгартириши натижасида товарни ишлаб чиқариш ҳажми, қуввати, сотиш интенсивлиги, фойда меъёри турлича бўлади. Демак, ташкилот ўз олдига кенг имкониятли мижозлар бозорини шакллантириш вазифасини қўймоғи лозим.

Рақобатчилар алоҳида ўрганишни талаб қиласди. Улар ўз навбатида, истак бўйича, сафдош товар бўйича, товар тури бўйича ва товар маркаси бўйича туркумланади.

Истак бъйича ра=обатлар

- Уй- рыв\ор буюмларини сотиб олиш
- Болалар учун Янги кийим- кечак сотиб олиш
- Таътилни хорижий давлатда ыгказиш
- Янги транспорт воситаси сотиб олиш

Сафдош товар бъйича ра=обатчилик

- Янги автомобиль сотиб олиш
- Янги мотоцикл сотиб олиш
- Даствлаб фойдаланилган автомобиль сотиб олиш
- Даствлаб фойдаланилган мотоцикл сотиб олиш

Товар тури бъйича ра=обатчилар

- Янги кам щаж мли енгил автомобиль сотиб олиш
- Янги ва ыртача щаж мли енгил автомобиль сотиб олиш
- Янги катага щаж мли енгил автомобиль сотиб олиш

Товар маркаси бъйича ра=обатчилар

- « Тико» маркали енгил автомобиль
- « Ока» маркали енгил автомобиль
- « Таврия» маркали енгил автомобиль
- « Поло» маркали Фольксваген енгил автомобили

+ айси истакни даствлаб = ондириш мумкин?

Транспорт воситасига былган истакни =ондириш имкониятлари =андай?

+ андай турдаги автомобилни сотиб олиш истаги бор?

+ андай маркадаги кам щаж мли енгил автомобиль сотиб олиш мумкин?

3,2- расм. Ра=обатчиларни туркумлаш белгилари

4.3. Маркетинг мухитидаги мулокотлар

Харидор талаблари турли-туман бўлиши билан бир қаторда улардан қай бирини биринчи ва қайсинасини кейинроқ қондиришга бевосита турли товар ёки хизмат қўрсатувчи ташкилотлар ўзаро рақобатлашадилар. Масалан, тўрт аъзоли оила раҳбари олган маошини ва тўплаган жамғармасини табиийки, рафиқаси билан нимага сарфлашни маслаҳатлашади. Уй-рўзгор буюмларини янгилаш, болалар учун кийим-кечак олиш, бирга таътилни хорижий давлатда ўтказиш ва шу каби талабларни қондириш зарурати ва имконияти бор деб фараз қиласайлик. Бу товарларни ва хизматларни таклиф этувчи ташкилотлар қай тарзда самарали ва ўз вақтида ҳаракат қиласалар, ушбу оила уларнинг мижози,

харидори бўлади. Демак, уй-рўзғор буюмларини, болалар кийим-кечагини сотувчи ташкилотлар ва саёҳат бюроси оиланинг истагини биринчи бўлиб қондиришда рақобатчи ҳисобланадилар.

Мулоқотдаги жамоа (аудитория) – ташкилот билан бевосита алоқада бўладиган инсонлар грухси демакдир. Ташкилотнинг ўз мақсадлари сари йўналтирилган фаолиятида, у уч турдаги жамоага дуч келади: иштиёкли, ахтарилаётган ва иштиёқсиз жамоалар. Иштиёкли жамоалар – фирма учун манфаатли бўлган инсонлар грухси, ташкилотлардир. Масалан, тайинли фонд учун хайрия қилувчи иноснлар грухси. Ахтарилаётган жамоаташкилот ўз мақсадларини жамоа мақмадлари билан боғлашга уринаётган инсонлар грухидир. Одатда маҳаллий аҳоли, оммавий ахборот воситалари ушбу туркумга кирадилар. Иштиёқсиз грухлар эса, фирма мақсадлари ва интилишларини салбий ва манфаатсиз деб ҳисоблайдиган инсонлар грухси ва ташкилолардан таркиб топган. Тегишли ташкилот улар билан ҳамколикни истамайди, лекин Ушбу грух талабларини инобатга олиш, улар ҳарактаини кузатиш лозим бўлади. Масалан, атроф-муҳит ва харидорлар (истеъмолчилар) манфаатларини ҳимояловия грухлар ҳаракатлари билан ташкилот бевосита алоқада бўлади.

Мулоқотдаги жамоани яна ўзгача тарзда туркумлаш мумкин. Хусусан, фаолият йўналишига кўра жамоани қуидагича туркумлаш кенг тарқалган: молиявий доиралар, оммавий ахборот восиаталари вакиллари, давлат муассасалари, фуқаролик ва маҳаллий жамоа вакиллари, кенг омма, ички мулоқотдаги жамоа. Ташкилот фаолиятини умумий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, у ушбу юқорида саналган жамоа вакилларининг иштиёқлари, талаблари билан бевосита тўқнашади, тайинли келишувларга, қарорларга келади.

Масалан, ҳар бир ташкилот молиявий доира вакиллари бўлмиш банк, сугурта муассасалари, брокерлик фирмалари, акционерлар билан мулоқотда бўлади. Чунки ташкилотнинг молиявий ҳолати, акциялари курси Янги лойиҳалари юзасидан беёсита мулоҳаза ва мулоқот вужудга келади. Маҳалли жамоа ва фуқаролик жамоалари бир-биридан фарқланади. Маҳаллий жамоа – тайинли фирма жойлашган манзилгоҳдаги аҳоли ҳисобланади. Бу жиҳат, айниқса, трансмиллий корпорациялар фаолиятида яққол кўринади. Масалан, IBM корпорациясининг Гонкогдаги бўлими жойлашган манзилдаги маҳаллий аҳолининг муносабати.

Фуқаролик жамоалари жумласига истеъмолчилар ҳимояси жамиятлари, турли йўналишларда тузилган ҳаракатлар, фондлар ҳамда кам сонли миллат вакиллари ҳимояси ва ҳоказолар киради. Бу жамоа ташкилот билан бандлик, иш ўринларини ташкил этиш, товарларни синаш ва бошқа бир қатор йўналишдаги соҳаларда мулоқотда бўлади.



Фуқаролик жамоалари ҳаракати амалиётда оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятига алоқадорлигини яққол сезиш мумкин. Хусусан, матбуотда дискриминация, ирқий чеклашлар, аёллар меҳнати, атроф табиий муҳит ҳимояси, ижтимоий адолат ва бошқа туркумлардаги ахборот ва хабарлар аксарият микдорни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, фирмаларнинг фуқаролик жамоалари билан ўта эҳтиёткор ва эътиборли муносабатларда бўлишларини талаб қиласи.

Ички мулоқот гуруҳига бевосита ташкилот таркибида амал қилаётган расмий ва норасмий гуруҳларни киритиш мумкин. Масалан, касаба уюшмаси, директорлар кенгashi вакиллари, бошқарувчилар, ишлаётган болали аёллар ва хоказолар. Ички мулоқотдаги жамоа манфаатлари ва талабларини ўрганиш корпорация маданияти ва турмуш тарзининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маркетинг макромухити омиллари кўлами кенг бўлиб, уларни бир неча туркум компонентларга ажратиш мумкин.

Демографик компонент омилларига энг аввало ташкилот фаолият юритаётган мамлакат аҳолисининг таркиби, географик жойлашуви, тарихи, ёши бўйича таркиби, Ирқи, этник ва диний эътиқоди, оила бунёд этиши, миграцияси ва бошқа шу каби демографик аҳамиятга молик ўзгаришлар киради. Изланишнинг бошланғич нуқтаси сифатида дуне ва мамлакат аҳолисининг табиий ўсиши, аҳоли таркибидаги ўзгаришлар олинади.

Аҳоли табиий ўсиши турли мамлакатларда турлича бўлиб, ахолии ёши таркибига бевосита таъсир ўтказади. Бу эса куп микдорда бўлган аҳоли қатлами эҳтиёжларини ва талабларини қондириш вазифасини вужудга келтиради.

Дунё бўйича демографик аҳамиятга эга бўлган тенденциялар қуйидагилардир:

- ◆ саноати ривожланган мамлакатларда туғилиш суръатининг пастлиги;
- ◆ аҳолининг ёш қатлами бўйича ўзгаришларнинг интенсивлиги ва турли-туманлиги;
- ◆ оила таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар;
- ◆ юқори маълумотлилик ва Машғулликдаги ўзгаришлар;
- ◆ аҳолининг этник қатламларида силжишлар ва ҳқ.

Аҳоли табиий ўсиши натижаларида хар минг кишига тўғри келувчи янги туғилганлар сони билан ўлчанади. Бу кўрсаткич масалан, Германияда 10,4 кишини, Австрия ва Швейцарияда ўртacha 12 кишини ташкил этади. Ўзбекистон бўйича табий ўсиш 1996 -2000 йилларда ўртacha 27 – 29 кишини ташкил этиб, шахар аҳолиси миқёсида 19-20 кишига, қишлоқ аҳолиси миқёсида эса 30-33 кишига тенг.

Бевосита Ўзбекистонда аҳоли таркибида болалар сонининг кўплиги, Янги оиласлар вужудга келишининг ортиб бориши оқибатида юқорида қайд этилган туркумдаги талабнинг ўта сезиларли бўлганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, болалар кийим –кечаклари, пойабзаллари, ўқиш анжомларига бўлган талаб хозирги пайтгача хам тўлиқ қондирилмаган. Болалар пойабзали, кийим-кечаги ишлаб чиқарувчи махаллий ташкилотларга давлат томонидан яратилган имтиёзларга қарамай, хали Ушбу талабни қондириш учун бошқа мамлакатлардан кўплаб шу турдаги маҳсулотлар келитирилмоқда.

Иқтисодиёт омиллари таркибига ялпи миллий даромад, нархларнинг ялпи ўзгариши, турмуш дараҷаси, истеъмол қобилияти ва башقا шу каби мамлакатдаги харидорлик салоҳиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгариши киради.

Табиий иқлим шароити омиллари хусусида сув борганда аввало моддий ресурсларни тежаш, атроф табиий мухитини сақлаш бўйича ҳаракатларнинг илдам тус олишини таъкидлаш лозим.

Ташкилотларнинг турли қадоқлаш воситаларида маҳсулот ишлаб чиқаришлари, индивидуал истеъмол учун кўпроқ қадоқланган маҳсулотлар кўламининг ортиши, атроф мухитни турли чиқиндилардан (полиэтилен, полипропилен, алюминий, шиша идишлар, пластмасса идишлар) сақлаш вазифасини хам вужудга келтирди. Мавжуд ва фойдаланилаётган сув, ҳаво ва ер сифатини сақлаб қолиш учун қатъий чеклашлар ва мажбуриятларни ишлаб чиқиши талаб этди.

Қисқача хulosалар

Маркетинг мухити ташкилот доирасидаги ва кенг таъсир доирасидаги белгисига қўра микро ва макромуҳитларга бўлинади.

Микромуҳит таркибига ташкилот томонидан ўз имкониятлари ва мавжуд салоҳияти воситасида таъсир этувчи субъектлар ва кучлар киради. Умладан, таъминотчилар, рақобатчилар, мижозлар ва харидорлар, маркетинг бўйича воситачилар (агар улар ташкилотга бевосита маслаҳатлар берадиган бўлса), мулоқотдаги жамоа – микромуҳит элементлари ҳисобланади.

Ушбу микромухит элементлари ва макромухитни ташкил этувчи кучлар олимлар томонидан турлича туркумланади. Масалан, Д.Эванс ва Б.Берман фикрларига кўра, маркетинг амалга оширилаётган мухитни фирма раҳбарияти ва маркетинг мутахассислари томонидан назорат этиладиган ва назорат этилмайдиган омиллар гурухига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндошишни Д.Эванс ва Б.Берман фирма раҳбарияти ва маркетинг мутахассислари томонидан амалга оширилаётган Амалий ҳатти-ҳаракатларда, бошқариш соҳасидаги чора ва тадбирларда деб асослайдилар ва баҳолайдилар.

Назорат учун саволлар

1. Нима сабабдан ташкилот ва корхоналар ташқи мухит омилларини кузатишлари лозим?
2. Маркетинг микромухит омиллари таркибига нималар киради?
3. Маркетинг макромухит омиллари таркибига нималар киради?
4. Ижтимоий ва маданий омиллар таркибига қандай кўрсаткичлар ва холатлар мисол бўла олади?
5. Иқтисодиёт омиллари қандай кўрсаткичлар асосида ўрганилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Гофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Қосимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
4. Березин И. С. Маркетинговый анализ. Рынок. Фирма. Товар. Продвижение. – М.: Вершина, 2008. – 480 с.
5. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учебник. – М.: «Финпресс», 2008. – 496 с.
6. Лашкова Е.Г. Маркетинг: практика поведения исследований: учеб.пос. – М.: «Академия», 2008. – 240 с.
7. Котлер Ф. Маркетинг по Котлеру: как создать, завоевать и. удержать рынок. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008.- 283с.
8. Шаповалов.В.А. Управление маркетингом и маркетинговый анализ. учебное пос. – Ростов - н /Д: Феникс, 2008-345 с.

Интернет сайтлари:

- 1.www.marketing.al.ru/index_0007.shtml
- 2.www.marketing.uef.ru/students-news.php
- 3.www.marketologi.ru/docs/teaching.html

5-мавзу. Маркетинг тадқиқотини ташкил этиш

5.1. Маълумотларни олиш манбалари ва тўплаш жараёни

5.2. Ахборот олиш манбаларининг гурухлари

5.3. Маълумотларни тўплаш жараёнининг воситалари ва услублари

5.1. Маълумотларни олиш манбалари ва тўплаш жараёни

Маркетинг тадқиқоти учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотлар кўлами жуда кенг бўлиб, уларни тайинли тартибга солиш ва зарур пайтларда улардан фойдаланиш талаб этилади. Дастребаки тасаввурга кўра бозор, харидор, рақобатчи ва маҳсулот хусусидаги барча ахборотни керакли шаклга жамлаш ва амалий фаолиятда уларга таяниб иш қўриш самарали ҳисоланади. Дарҳаҳиқат, бу тасаввур ўринли ва табиийдир. Лекин, кўпроқ ушбу маълумот ва ахборотларни тайинли тартибга сола билиш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ва уларнинг янгилини, бойиб туришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маркетинг хусусидаги маълумотларни тўплаш манбаларини шартли равища бирламчи ва иккиласмачи турларга бўлиш мумкин. *Бирламчи маълумотларга* тайинли мақсад учун ил бор янгидан ташкил этилган маълумотлар, ахборотлар киради. *Иккиласмачи ахборотларга* эса дастребаки бошқа мақсадлар учун йигилган, қайта ишланган, турли манбаларда (журнал, ҳисбот, ахборот бюллетенлари ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотлар киради. Иккиласмачи маълумотларни тўплаш манбалари тегишли ташкилотга тааллукли бўлиш ёки бўлмаслигига кўра, ўз навбатида ички ва ташқи турларга бўлинади.

Ички иккиласмачи маълумот манбаларига ташкилотда юритилаётган жорий бухгалтерия, молия ва статистик ҳисботларда акс эттириладиган кўрсаткичлар киради. Жумладан, фойда ва зарарлар, сотиб олиш ва сотиш, товар захиралари, истеъмолчилар кўлами ва жойлашуви, нархлар ҳисоб-китоблар ва ҳ.к.лар.

Бошқача қилиб айтганда, ташкилот ўз имкониятидаги ҳисботлар ва маълумотларга таяниб, мустақил тарзда ички маълумотлар тизимини ишлаб чиқади. Амалий фаолиятда маҳсулотларни натурал ва қиймат ўлчов бирликларида сотувчи ҳажми, нархларнинг йил давомида ўзгариши, харидорларнинг жойлашув ҳаритаси, товар захираларининг ўзгариши, ва шу каби муҳим маълумотларни ташкилот бевосита ўзининг ички ҳисбот тизими асосида аниқлайди.

Ташқи иккиласмачи маълумотлар ташкилот фаолият юритаётган ёки юритиш қутилаётган бозор, маҳсулот хусусидаги мавжуд бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Уларнинг таркиби амалиётда қўлланилиши турли давлатлар тажрибасида турлича аҳамиятга эга. Масалан, АҚШда ташқи иккиласмачи маълумотларни умумий жиҳатдан қўйидаги 4 та гурухга ажратиш мумкин.

1. Оммавий ва иқтисодий уюшмаларнинг ҳисботлари ва хабарномалари. Ушбу манбалар ўз моҳиятига кўра икки кичик гурухга бўлинади.

А) Давлат муассаларининг расмий ҳисоботлари. Булар жумласига статистик йилномалар, шархлар ва ҳқ.лар киради. Ушбу туркум манбаларининг ахолининг ўсиши, таркибий демографик силжишлари, даромадлар ва нархларнинг ўзгариши, ялпи истеъмолдаги ҳолат, айрим истеъмол товарлари таклифи, сотувчи, истеъмолига оид хабарлар ва бошқа ахборотларни олиш мумкин.

Б) Уюшмалар ва ташкилотларнинг ҳисоботлари ва маълумотлари. Ҳар бир штат ўзининг мустақил иқтисодий уюшмаларига эга бўлганлиги сабабли, улар ҳам мустақил тарзда йиллик ҳисобот ва маълумотлар тайёрлайдилар.

2. Маркетинг тадқиқотлари бўйича ихтисослашган институтлар ва маркетинг хизмати кўрсатувчи муассасаларининг ахборотлари, ҳисоботлари.

Кўпгина ҳолларда ушбу ахборот манбаи тижорат ахбороти манбаи ҳам деб номланади.

3. Иқтисодий матбуот, тармоқ бўйича журналлар, рўзномалар ва китоблар. Ушбу туркум ахборот манбаи жуда кенг бўлиб, ундаги таҳлилий маълумотлар тегишли ташкилотга, тадқиқотчилар гурухига ёки алоҳида шахсга таалуқли бўлиши мумкин.

4. Ташкилотларнинг оммавий тарзда чоп этилган маълумотларига йиллик баланс ҳисоботлари, нарх ва рақалари, реклама журналлари, харидорлар учун йўриқномалар ва шу кабилар киради. Бундай манбалардан ўзаро рақобатда бўлган фирмалар ҳам кўп фойдаланадилар. Чунки, унда рақобатчи фирмаларнинг сотиш ҳажми, маҳсулот, хизмат кўрсатиш ва нарх сиёсати хусусида зарур маълумотларни олиш имкони бўлади.

Ахборот олиш манбалари хусусида фикр юритганда фақатгина тегишли мамлакатда чоп этиладиган ахборотгина эмас, балки ҳорижий матбуот, ҳалқаро иқтисодий- молиявий ташкилотларнинг ахборотларини ҳам инобатга олмоқ лозим. Масалан, АҚШда нашр этиладиган «Форчун», «Форбс» каби журналларда Европа мамлакатлари бозори хусусида ахборотлар, ундаги ўзгаришлар, силжишлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Германиянинг жаҳонда машҳур бўлган «Хандесблат», «Виртшафтсвохе» иқтисодий рўзномалари Америка компаниялари фаолияти тўғрисида ҳамда уларни қизиқтираётган бозорлар хусусида фаолияти тўғрисида ҳамда уларни қизиқтираётган бозорлар хусусида маълумотлар чоп этади. Бу эса ўз навбатида, барча қизиқувчи ва тегишли бозорга иштиёқманд компаниялар учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиёти янада шакланаётган ва ҳалқаро муносабатлар такомиллашётган шароитда ҳалқаро иқтисодий, молиявий ташкилотлар: Ҳалқаро савдо ташкилоти, Жаҳон банки, Ҳалқаро ривожланиш ва реконструкция банки ва шу кабилар ўзларининг йиллик ҳисботини нашр қиласидилар. Бундай маълумотлардан ҳалқаро бозорда фаолият бошлаётган ва юритаётган компаниялар фойдаланишлари мумкин. Масалан, тегишли бир давлатнинг ташки савдо баланси, экспорт – импорт таркиби, саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳ.к. маълумотлар ушбу манбалардан олиниши мумкин.

Хозирги пайтда мустақил ва янги ахборот манбаи бўлиб-электрон маълумот банклари, «информациян - брокер» тарзидаги компьютер воситасида

етказиладиган маълумот тизими шаклланмоқда. Бу маълумотлар компьютерлар воситасида узатилаётган, тўпланаётган ва сақланаётганлиги учун янги тур деб саналади ва юқоридагиларидан фарқ қиласи

5.2. Ахборот олиш манбаларининг гуруҳлари

Бизнинг мамлакатимизда ахборот йиғиш манбалари бирмунча ўзига хоҳ хусусиятларга эга. Бу хусусиятнинг мавжудлиги энг аввало, маркетинг бўйича ахборот олиш манбалари ва ушбу соҳа бўйича мутасадди ташкилотларнинг ташкилий бўйиниш хусусиятларидан келиб чиқади. Ўзгача жиҳатдан эса, оммавий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси, корхоналар уюшмалари, саноат-савдо палаталари маркетинг хусусида маълумотларни йиғиш бўйича фаолиятларининг ҳозирги ҳолати, уларни гуруҳларга ажратишда алоҳида ёндошишни талаб қиласи.

Бозор муносабатларининг изчил ривожланиш шароитида маркетинг фаолиятига таалуқли ахборот ва маълумотларга бўлган талаб янада ортиб бормоқда. Маркетинг ахборотига бўлган талабнинг ортиб бориш жараёни уни таъминлашда иштирок этувчи муассасалар, ташкилотлар, тадқиқот гуруҳлари фаолиятининг тубдан қайта қуриш шароитида амалга оширилмоқда. Шу сабабли, биз қуйида ҳозирги пайтда мамалакатимизда маркетинг ахборотини олиш манбалари ҳолати хусусида тўхталиб ўтамиш.

Ахборот ва маълумотлар олиш манбаларини қуидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларига таалуқли бўлган Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат солиқ қўмитасининг тасдиқлаган йўриқномалари ва фармойишлари. Ушбу маълумотлар иқтисодиётнинг соҳалари бўйича ривожланиш йўналишлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари, солиқ ва божхона сиёсатига оид бўлиб улардан нафақат мутасадди вазирликлар, уюшмалар, ташкилотлар фойдаланадилар, балки махаллий ва хорижий тадбиркорлар, фирмалар ҳам ўз фаолиятларида фойдаланадилар.

2. Давлат статистик муассасаси маълумотлари. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳалқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича ойлик, кварталлик, йиллик маълумотларни жамлайди. Уларнинг айримлари махаллий матбуотда чоп қилинади, йиллик ҳисоботлар эса статистик йилномалар шаклида нашр қилинади. Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги ўзининг таркибида илмий-тадқиқот институтлари, ҳалқ хўжалигининг тегишли соҳалари бўйича ихтисосолашган бошқарма ва бўлимларга эгадир. Ушбу тадқиқот ва ҳисобот бўлимлари белгиланган йўналишлар бўйича маълумотлар тўплайди ва таҳлилий тадбирлар тказади. Бундай маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирликлар, уюшмалар, вилоят ҳокимлигига тақдим этилади.

3. Вазирликлар, уюшмалар ва концернлар мажмуида тўпланган ахборотлар ва маълумотлар. Ушбу ахборот манбаи тегишли саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашган вазирликларда уларнинг

барча бўйсунувчи корхоналари холати, ривожоланиш йўналишлари бўйича ахборот олиш имконини беради. Бу туркум ахборотлар вазирлик, уюшмаларнинг йиллик ҳисоботи, тегишли бошқармаларнинг ҳисоб-китоби ва ўтказган тадқиқот якунларидан ташкил топади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз вазирликлари уюшмалар, концернлар ўз таркибида маркетинг муаммолари билан шуғулланувчи бошқарма ёки бўлимларга эгадир.

Ушбу гурҳ ахборот манбаига Республика «Бизнес-фонди», мулкни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, «Мадад» суғурта агентлиги ва ташкил этилган бошқа янги бозор тизими хусусида фаолият юритувчи уюшма, ташкилот, муассасалар маълумотларини киритиш мумкин.

4. Махаллий ҳокимият миқёсида жамланадиган ахборот ва маълумотлар. Мамлакатимиз вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ҳокимиятлари хузурида статистика, «Бизнес-фонд» бўлўимлари, айнан ўша худуд иқтисодий-ижтимоий ривожланиши хусусида ахборотлар ва маълумотлар тўплайди. Ушбу маълумотлар кўлами кенг бўлиб, уларнинг асосийларигина Республика миқёсидаги тегишли бошқарма ташкилотларга статистик ҳисобот шаклида тақдим этилади. Кўпгина бошқа худудий ривожланишга оид ахборотлар махаллий ҳокимият миқёсида умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

5. Илмий тадқиқот институтлари, марказлари, университетлар ва олий ўкув юрталрининг илмий изланиш маълумотлари, тадқиқот натижалари. Бу маълумотлар ва ахборотлар Давлат фан-техника қўмитаси буюртмалар ёки хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот институтлари, ижодий-изланиш гуруҳлари, алоҳида тадқиқотчилар жамланади ва ҳисбот шаклида тақдим этилади. Тегишли соҳа ва муаммолар бўйича амалга оширилган маркетинг ва бозор изланиши тадқиқотлари Давлат фан-техника қўмитаси бюллетенъларида, университет, марказ, олий ўкув юрти илмий тўпламларида қисқа шаклда эълон қилинади.

6. Оммавий матбуот ва илмий адабиётлар. Мамлакатимизда ва хориҷий давлатларда чоп этиладиган рўзномалар, журналлар, рисолалар, китоблар кўлами тобора ортиб бормоқда. Масалан «Шарқ бизнес хабарномаси», «Солиқ ва божхона хабарномаси», «Деловой мир», «Бизнес уик» ва бошқа бир қатор рўзнома ҳамда журналлар шулар жумласидандир. Уларда Республикамиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишига оид кўплаб ахборотлар маълумотлар таҳлилий материаллар чоп этилади. Бу маълумотлар айrim Давлат қўмиталари, вазирликлар, уюшмалар, илмий тадқиқот марказлари, институтлари, изланиш олиб бораётган гуруҳлар, шархловчилар ва мутахассислар томонидан тақдим этилади.


Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда бизнинг мамлакатимизда маркетинг тадқиқоти бўйича маҳсус журналлар ихтисослашган фирмалар ва марказлар фаолияти ривожланган давлатидагидек шакллангани йўқ. Бу вазивани ҳозирги пайтда айrim рўзнома ва оммавий ойномалар кисман бажармоқдалар. Фикримизча, яқин йилларда мамлакатимизда маркетинг тадқиқотлари бўйича исхтисослашган ташкилот ва уюшмалар сони кўпаяди.

5.3. Маълумотларни тўплаш жараёнининг воситалари ва услублари

Маркетинг тадқиқоти учун зарурий маълумотлар ва ахборотларни йиқиш жараёни бир-бирига боғлиқ бўлган воситалар, услублар, босқичлардан иборат. Маркетинг изланиши соҳалари ва йўналишлари қандай бўлишидан қатъий назар у 6.1-расмда қўрсатилган асосий босқичлардан ташкил топади.

Маркетинг тадқиқоти муаммоси ва мақсадларини аниқлаш ялпи тадқиқотда энг муҳим ва маъсулиятли босқич ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда тадқиқот мақсади уни вужудга келтирган муаммо билан бир хил деб қаралади. Аслида эса, мавжуд муаммони ҳал этиш мақсадга эришиш имконини беради, деб қаралиши лозим.

Муаммони аниқ белгилаш, бу тадқиқотни тўғри ташкил этиш учун муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг мантиқан тўғри, содда ва мақсад сари йўналтирилганлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Акс ҳолда, нотўғри ифодаланган муаммо тадқиқотни мақсад сари йўналтирилмасликка, вазифаларни аниқ белгилай олмасликка, юқори ортиқча харажатга олиб келади. Масалан, туристик саёҳат йўналишлари билан иш бошловчи А фирма олдида турган муаммолар қўйидагича бўлиши мумкин. Саёҳатчилар учун қандай саёҳат қилиш транспорти маъқул? Саёҳатчилар тегишли саёҳат йўналишлари ва шакллари бўйича қандай сарф харажатларини қоплашга қодирлар? Қандай қилиб фирма саёҳатчилар кўлами ва йўналишларини ошириши ва самарали ташкил этиши мумкин ва бошқалар.



5.1-расм. Маркетинг тадқиқотини ташкил этиш

Ушбу муаммолар туркуми аниқ белгиланган, лекин уларни ҳал этиш тайинли кетма-кетликни ва келгуси интилишлар учун зарурий маълумотларни тўплаш заруратини яратади. Жумладан, илк ташкил этилган саёхат йўналишлари давридаёқ саёхатчилар тўғрисида имкони борича кўпроқ маълумот олиш, уларни тилак ва истакларини ўрганиш зарур бўлади.

Тадқиқот режасини түзиш босқичида унда сафарбар қилинадиган услублар, тадқиқот куроллари, танлов таркиби ва белгиси, мулоқотдаги жамоа билан боғланиш воситалари белгилаб олинади. Одатда маркетинг тадқиқотини бошлишдан олдин уни ўтказиш услублари, воситалари хусусида чукур мулоҳаза юритиш ва қиёсий баҳолаш зарур бўлади.

Тадқиқотларда кузатиш, эксперимент ва сўров услублари кенг қўлланилади. Лекин улар асосида ахборотни йиғиши воситалари куроллари, танлов таркиби турлича бўлиши мумкин.

Маълумот манбалари	Маълумот йигиши услублари	Тадқиқот куроллари	Танлов таркиби режаси	Мулоқотдаги жамоа билан боғланиш
--------------------	---------------------------	--------------------	-----------------------	----------------------------------

Бирламчи маълумот	Кузатиш	Анкета	Танлов бирлиги	Почта
Иккиламчи маълумот	Сўров	Механиқ куроллар	Танлов хажми	Телевон
-ички маълумотлар	Эксперимент		Танлов ўтказиш тартиби	Шахсий учрашув
-ташқи маълумотлар	Гурухли бахс			

5.2.-расм. Маркетинг тадқиқоти учун ахборотларни йиғишиш воситалари ва услублари

Кузатиш – бирламчи ахборот олишда кўп қўлланиладиган услуга ҳисобланади. У мутахассисларнинг тегишли муаммо бўйича шахсий кузатишлари, баҳолашлари, умумлаштиришлари асосида амалга оширилади. Жумладан, юқоридаги мисолимиздаги А саёҳат фирмаси иш бошлашидан аввал, бозорда фаолият юритаётган бошқа фирмалар иш фаолияти билан танишиши, саёҳатчилар фикрини ўрганиш лозим. Сўров услуги тадқиқотда ўрганилаётган обьектнинг моҳияти, интилиш хусусиятлари борасида кўпроқ маълумот тўплашда қўлланилади. Масалан, саёҳат фирмасининг иштиёқманделар гурухини аниқлаши борасидаги тадқиқотлари. Жумладан, уларнинг қизиқишилари, қадриятлари, мамнунликлари хусусида маълумотлар йиғиши ва умумлаштирилиши. Бошқача қилиб айтганда, фирма мижозлар ининг тегишли фаолияти хусусидаги фикрлари ва мулоҳазаларининг билиш мақсадида ташкил қилинадиган тадқиқотларда сўров услуги кўпроқ қўлланилади.

Эксперимент – тадқиқотларда муқобил деб белгиланган йўналишлар бўйича истакдаги амалий ҳолатни вужудга келтириш ва бу асосда самарали бўлган йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлашга асосланади. Масалан, саёҳат фирмасининг узоқ йўналишлардаги саёҳатларда бир неча турли таомлар туркумини амалий ҳолатда синааб кўриш ва бунга саёҳатчиларнинг сабабларини ўрганиш. Саёҳатчиларнинг овқатланишилари учун индивидуал тайер таомларни бевосита автобусда таклиф этиш ёки тегишли йўналишдаги тамаддихона ва ошхоналарда буюртма асосида овқатланишини уюштириш.

Экперимент асосида уюштирилган тадқиқот бир мунча кўпроқ харажатларни таклиф этсада, истакдаги ёки синалаётган маркетинг тадбири хусусида тўлароқ ва реал натижа олиш имконини яратади. Шу жиҳатдан эксперимент маҳсулот сифатини техник жиҳатдан такомиллаштириш, қадоқланиши, реклама ва сотиш борасида айрим услублар ва тадбирларни синааб кўришда кўпроқ намоён бўлади.

Гурухли бахс услуги тадқиқотда мураккаб ва долзарб мавзу бўйича етакчи мутахассисларнинг гурух тарзидаги сухбатини, мунозараларини ва бу

асосда ишлаб чиқилган умумий таклифйларни ишлаб чиқишига таянади. Масалан, саёҳат фирмасининг саёҳат турлари, йўналишлари бўйича турли тоифадаги мутахассисларнинг мунозараси. Ушбу гурухга ёдгорликлар тарихи бўйича, транспорт турлари ва йўналишлари бўйича мутахассислар, меҳмонхона вакиллари, ҳисобчилар, маркетинг тадқиқотчиси ва бошқалар кириши мумкин. Одатда ушбу гурух 6-10 кишидан иборат бўлиб, белгиланган мавзу муаммолари бўйича ҳар бир гурух вакилининг фикр ва мулоҳазаларини ўрганишга, ин обатга олишга асосланади. Гурухли баҳс услугида ташкил этилган тадқиқотларнинг ёзма шаклидаги баёни, видеолента тасвири амалга оширилади ва қайта муҳокама қилинади.

Тадқиқот қуроллари сифатида эса анкета (сўров ва рақаси) техник жиҳозлар (магнитафон, видеокамера, компьютер дастурлари ва х.к.) қўлланилади. Ушбу қуроллар қандай тадқиқот услубига мос келиши, самарали натижа бериши дастлаб белгилаб олинади. Масалан, кузатиш натижаларини қайта ишлашда маҳсус компьютер дастурларининг қўлланилиши, унинг натижаларини график, диграмма, жадвал тарзида тақдим этилиши.

Ўз навбатида тадқиқот қуролларидан изланишнинг турли босқичларида бир йўла ёки бирин-кетин фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса тадқиқот қуроллари воситасида олинадиган натижанинг тезроқ, кам харажатлар эвазига амалга оширилишига сабаб бўлади.

Қисқача холосалар

Маркетинг тадқиқоти учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотлар кўлами жуда кенг бўлиб, уларни тайинли тартибга солиш ва зарур пайтларда улардан фойдаланиш талаб этилади. Дастлабки тасаввурга кўра бозор, харидор, рақобатчи ва маҳсулот хусусидаги барча ахборотни керакли шаклга жамлаш ва амалий фаолиятда уларга таяниб иш кўриш самарали ҳисоланади. Дарҳаҳиқат, бу тасаввур ўринли ва табиийдир. Лекин, кўпроқ ушбу маълумот ва ахборотларни тайинли тартибга сола билиш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ва уларнинг янгиланиб, бойиб туришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маркетинг хусусидаги маълумотларни тўплаш манбаларини шартли равища бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиш мумкин. *Бирламчи маълумотларга* тайинли мақсад учун ил бор янгидан ташкил этилган маълумотлар, ахборотлар киради. *Иккиламчи ахборотларга* эса дастлаб бошқа мақсадлар учун йиғилган, қайта ишланган, турли манбаларда (журнал, ҳисобот, ахборот бюллетенлари ва х.к.) мавжуд бўлган ахборотлар киради. Иккиламчи маълумотларни тўплаш манбалари тегишли ташкилотга таалуқли бўлиш ёки бўлмаслигига кўра, ўз навбатида ички ва ташқи турларга бўлинади.

Назорат учун саволлар

1. Маълумотларни тўплаш манбаларига кўра уларни қандай туркумлаш мумкин?

2. Бирламчи ва иккиламчи маълумотларнинг бир-биридан фарқи, тўплаш хусусиятини мисоллар асосида изоҳланг.
3. Ички иккиламчи маълумот манбаъларига қандай ҳисоботлар киради?
4. Ташқи иккиламчи маълумотлар манбалари нималардан иборат.
5. Маркетинг тадқиқотлари учун ахборотларни йигиш воситалари ва қуроллари нималардан иборат?
6. Кузатиш ва сўров усуллари ўртасидаги фарқни мисоллар асосида кўрсатиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
 2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
 3. Қосимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
 4. Кочарян Е.С. Маркетинговые исследования. Конспект лекций. М.: Приор - издат, 2005 -112 с.
 5. Просветов Г.И. Маркетинговые исследования: задачи и решения: Учебно.прак.пос.- М.: Альфа - Пресс, 2008 - 240с.
 6. Данченок Л. Маркетинговое ценообразование: политика, методы, практика - М.: Эксмо, 2006.- 464с.
 7. Лукина А.В.Маркетинг товаров и услуг: учеб.пос. - М.:ФОРУМ,2008.-240с.
 8. Зозулов А.В., С.А.Солнцев. Маркетинговые исследования. Теория. Методология. Статистика. учеб.пос.- М.: Рыбари К.: Знания, 2008 – 643 с.
- Интернет сайтлари:
1. www.bci-marketing.aha.ru/pm03_02.htm
 - 2.www.bookhouse.com.ua/_data/p_9/9442.phtml
 - 3.www.finansy.ru/publ/mark/

6–мавзу. Истеъмол бозорида харидорлар атворини ўрганиш

6.1. Истеъмол бозорининг кўлами ва хусусияти

6.2. Харидорлар атвори модели, унинг хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар

6.3. А. Маслоунинг эҳтиёжларни қондириш иерархияси

6.1. Истеъмол бозорининг кўлами ва хусусияти

Истеъмол бозори – уй хўжаликлари ва индивидуал харидорларнинг ўз эҳтиёжлари учун сотиб оладиган барча товарлар ва хизматларни ўз ичига олади. Истеъмол бозори кўламини ўрганишда уни бир қанча белгиларига кўра туркумлаш мумкин. Хусусан, товарларни истеъмол қилиш даврийлигига кўра уларни:

- ◆ узоқ муддатли истеъмол товарлари;
- ◆ қисқа муддатли истеъмол товарлари;
- ◆ хизмат турларига ажратиш мумкин.

Истеъмол товарлари билан савдо қилиш хусусиятига кўра эса уларни:

- ◆ кундалик истеъмол товарлари;
- ◆ дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар;
- ◆ алоҳида талабга эга бўлган товарлар;
- ◆ пассив талабдаги товарларга бўлиш мумкин.

Ушбу туркумлаш белгиси ва тегишли гурухларига кирувчи товарлар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Кўпгина ҳолларда кундалик истеъмол товарлари гурухига фақат озиқ-овқат маҳсулотларини киритиш, бизнинг мамлакатимизаҳолиси учун кўникма бўлиб қолган. Чунки, дастлабки маъмурий иқтисодиёт тизимидағи кенг кўламдаги ихтисослашув бевосита саноат истеъмол бозорида ҳам такрорланар эди. Ҳозирги вақтда эса кўпгина фирмалар ва савдо шахобчалари хорижий тажриба ва савдо қилишдаги маҳаллий кўникмани назарда тутиб, кундалик истеъмол товарларни бир мунча тўғри шакллантиришга ёндошмоқдалар.

Кундалик истеъмол товарларига кундалик турмуш учун зарурий озиқ-овқатлар, кир ювиш, тозалаш воситалари, уй хўжалиги учун зарурий майда товарлар, айрим канцелярия товарлари, кундалик рузномалар, оммабоп ойномалар ва хоказоларни киритиш мумкин.

Кундалик истеъмол товарларини истеъмол қилиш интенсивлигига кўра уларни ўз навбатида яна 3 та қуйи гурухга ажратиш мумкин:

- а) доимий эҳтиёждаги асосий товарлар;
- б) импульсив тарзда сотиб олинадиган товарлар;
- в) фавқулодда ҳолатлар учун харид қилинадиган товарлар.

Доимий эҳтиёждаги асосий товарлар-харидорлар томонидан дастлабки кўникмага, одатга кўра танловсиз, қиёслашсиз сотиб олинади. Масалан, оила учун кўникмадаги нон маҳсулоти тури, хўжалик совуни, ўсимлик ёғи ва ҳқ. Импульсив тарзда сотиб олинаджиган товарлар гурухига эса харидор доим улар

хақида ўйламайдиган, лекин учраши билан беихтиёр харид этадиган товарлар киради. Масалан, сақичлар, шоколад батонлари, телевизион кўрсатувлар дастури бўлган ойнома, рўзнома ва шу кабилар.

Фавқулодда ҳолатлар учун харид одатда рецептсиз сотиладиган доридармонлар, уй хашаротларига қарши дорилар, зонтлар, тузатиш товарлари ва шунга ўхшаш харидор дуч келган шароитдагина зарур бўлган товарлардан ташкил топади.

Дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар сафига: мебеллар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор учун электр жиҳозлари киради ва у харидорлардан қиёслашни, нарх, мода, дизайн жиҳатдан танловда бир мунча мулоҳаза юритиши талаб этади. Ушбу товарлар ўхшаш (сифат жиҳатидан бир бирига яқин, лекин дизайнни ва нархи жиҳатидан фарқланадиган) харид диди ва ҳолатига мос бўлган товарларга бўлинади.

Алоҳида талабдаги товарлар- харидор учун ўта қадрли саналаётган, ўта нуфузли, машхур фирмалар товари бўлиб, улар учун харидор тайинли вақт ва ҳаракатларини аямайди.

Масалан, хусусий уйлар учун маҳсус мебеллар, жиҳозлар ёки бўлмаса, Порше, Феррари, Мерседес –Бенц, БМВ, Вольва автомобилларининг айрим турлари бўйича иштиёқли харидорлар талаби бунга ёрқин мисол бўла олади.

Истеъмол товарлари туркуми			
Кундалик истеъмол товарлари: а) доимий талабдаги асосий товарлар б) импульсив тарзда сотиб олинадиган товарлар в) фавқулодда ҳолатлар учун товарлар	Дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар: а) ўхшаш товарлар б) алоҳида кўринишдаги товарлар	Алоҳида талабдаги товарлар	Пассив талабдаги товарлар
6.1-расм. Истеъмол товарлари туркумини ташкил этувчи товарлар таркиби			


Пассив талабдаги товарлар- харидорларга нотаниш ёки улар хусусида жуда кам ўйлайдиган товарлардан таркиб топади. Масалан, яқин 15 йил ичida мамлакатимиз аҳолиси учун микротўлқинли печлар, идиш ювиш машиналари нотаниш эди. Ушбу товарларнинг рекламаси, сотувда кўп тарқалиши натижасида у кенг харидорлар оммасига етиб борди. Бундан ташқари, дафн маросими учун анжомлар, ҳаёт суғуртаси каби пассив талабдаги товарлар ҳам айнан шу гурухга киради.

Ф.Котлер истеъмол товарлари туркумини ушбу юқорида қайд этилган 4 катта гурухга бўлиб ўрганишни ва улар билан савдо қилишда сезиларли натижалар беришини асослайди.

Истеъмол товарларини харид этиш интенсивлиги барча турдаги савдо шахобчаларида турлича бўлади. Масалан, Германияда асосий истеъмол моллари билан савдо қилувчи савдо корхоналарининг 12 турини келтириш мумкин. Булар сафига супермаркетлардан тортиб, «ҳаётий восита моллари» туркумидаги кичик дўконлар ҳам киради. Ихтисосолашган «Алди», «Лидл», «Карштат» туркумидаги савдо корхоналарида ўзига хос бўлган товар ассортименти шаклланган ва бу харидорларнинг харидида ҳам ўз аксини топади. Мева ва сабзавотлар, уй хўжалиги учун майда товарларни янада тор ихтисослашган, ўта сифатли товарлар савдо қилувчи дўконлардан харид қилиш мумкин. Бошқа бир қанча Европа иттифоқи давлатларида, АҚШ ва янги Шарқ мамлакатларида ҳам истеъмол моллари савдоси шундай ташкил этилган.


6.2. Харидорлар хулқ-атвори модели, унинг хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Истеъмол товарларини харид қилиш турли харидорлар гурухи бўйича турлича хусусиятларга эга. Бу одатда харидорнинг тайинли товарга муносабати, харид иштиёқи ва атвори (талаби)га кўп жиҳатдан bogлиқ бўлади.



Ф.Котлер харидорлик хулқ-атворининг умумий моделини қуидагида талқин қиласи.

Харидор хулқ-атворининг шаклланишида бошланғич таъсирни маданийлик даражаси ва уни ташкил этувчи хусусиятлар белгилайди. Маданият-инсоннинг маънавий етуклигини, эҳтиёжлари ва атворининг вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга. Лекин маданият туб маънода, ирқий ва миллий маданият билан бирлашган тарзда учрайди. Фараз қилайлик, ёшларнинг индивидуаллиги, фаоллиги, эркинлиги ва юқори мартабага бўлган интилиши, ялпи маданий жиҳатга эга бўлса, миллий ва ирқий таалуқлилик, тарихий кўникма, барча миллат ёшларида узгача хусусиятларга эга.



6.3.-расм. Харидорлик атворигатъсиризувчи омиллар кўлами

Маданий жиҳатдан харидорнинг амалдаги ижтимоий мавқеи ўрни хам муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий мавқе ёки ўрин-харидорнинг жамият микёсида тегишли касб, машғуллик ва қизиқишилари, атворларга кўра тартибли тарзда шаклланган гурухларга бўлинишидир. Ушбу ижтимоий гурухларга ажратишда маданий савия, касб, даромадлар миқдори, одатлар, қадриялар асосий

фарқланиш белгиси бўлиб ҳисобланади. Масалан, АҚШда ижтимоий гурухларни бсифга бўлиб ўрганиш, социологлар томонидан 1978 йили асослаб берилган.

Олий, ўрта ва паст синфлар ўз навбатида яна юқори ва қуи синфга бўлинган. Шулардан, юқори олий синф вакиллари ва уларнинг харидорлик атворини кўриб ўтайлик. Ушбу синф аҳолининг 1 фоиздан кам қисмини ташкил этиб жамиятнинг нуфузли (элита) вакиллари бўлиб, машхур ва бадавлат оила аъзоларидан таркиб топади. Улар асосан бойликларини ҳайрия қилишни ёқтирадилар, бир неча уйларга эгалик қиласидилар, фарзандларини хусусий мактабларда ўқитадилар, ўз бойликларини эса очик кўрсатишга ва мақтанишга одатланмаганлар.

Бошқа синф вакиллари учун улар референт гурух, бошқача қилиб айтганда, ўrnak ҳисобланадилар. Ушбу гурух вакиллари қимматбаҳо тақинчоқлар, антиквар буюмлар, ҳашаматли уйларга эгалик қилиб, олий тоифадаги дам олиш ва саёҳат хизматларидан фойдаланадилар. Харидорлик атворлари ва кийинишлари консерватив тарзда ифодаланади.

Куи олий синф вакилларига эса эркин касб соҳиблари, яъни санъаткорлар, рассомлар, йирик олимлар, юқори малакали тиббиёт ходимлари ва бошқалар киради. Улар юқори олий синф вакилларига нисбатан кўпроқ ҳаражат қиласидилар ва уларга тақлид қиласидилар, чунки уларнинг амалдаги даромадлари ҳам юқори даражада бўлади.

Референт гурухлар – шахсий мулоқотда бевосита ва билвосита инсоннинг харидга бўлган муносабатининг шаклланишида етакчилик қилувчи гурухлар демакдир. Уларга дўстлар доираси, қушнилар, хамкаслар, фаолият юзасидан тўқнашган нуфузли танишлар киради. Оила эса, алоҳида ўрганишни ва синчковликни талаб этади.

Масалан, одатдаги турмушда ёш оила аъзоларининг харид вақтидаги атворларини олайлик. Оила раҳбари одатда эркак, асосий ва турмуш учун зарур бўлган қиммат товарларни (мебел, телевизор, кир ювиш машинаси, тузатиш моллари ва шунга ўхшашларни) танлашда ва харид қилишда етакчилик қиласиди. Озиқ-овқатлар, уй-рузғорлар учун майда товарлар, болалар кийим-кечакларини эса асосан аёллар харид қиласидилар. Бу албатта кўп учрайдиган, одатдаги ҳол.

Лекин, айрим оилаларда касб жиҳатдан машғуллик, ихтисосолик, жонкуярлик жиҳатдан, аёллар оилада сўнгги қарор қабул қилувчи ҳисобланади. Бу оиладаги эр ва хотиннинг ойлик маошлари ва дастлабки даромадларига деярли боғлиқ эмас. Фикримизча, бу алоҳида олинган оила аъзосининг ўз оиласида кўрган тарбиясига, яшаган муҳитига ва бошқа хусусиятларга боғлиқ.

Оилада фарзандларнинг дунёга келиши, уларнинг улғайиши давомида харид қилинаётган товарлар гурухи ва ассортименти ўзгариб, мураккаблашиб боради. Масалан, 5 ёшли қизчага сотиб олинаётган спорт анжомларида унинг фикри, диди инобатга олинмаган бўлса, у 14 ёшга етганда албатта у билан маслаҳатлашиш, хатто харид чоғида иштирокини таъминлаш зарур.

Ўзгача таъсирни шахснинг касби, таъсирни шаснинг касби, иқтисодий ахволи ташкил этади. Одатда касб ва иқтисодий холат боғланган холда

учрайди. Фирманинг молиявий бўлим бошлиғи ёки оддий ишчининг ўз фарзандларига совға танлашида, тегишли дўконларга ташрифларида бу яққол кўринади.

Турмуш тарзи- шахснинг ўз фаолиятида, қизиқишлиарида, қатъиятида ва эътиқодларида ўз аксини топади. Бир хил маданий савиядаги ижтимоий гурух вакиллари хам бир-бирларидан фарқланади, чунки улар ташқи муҳит таъсирида ўзига хос шаклланган бўладилар.

6.3. А. Маслоунинг эҳтиёжларни қондириш иерархияси

Мотивация (ёки илҳомлантириш) – тегишли зарурат ва эҳтиёжни бирламчи қондириш учун амалга ошириладиган йўллар ва услублар ҳисобланади. Назарий жиҳатдан мотивация кўпгина олимлар томонидан етарлича таърифланган ва амалий йўналишда ўз аксини топган. Жумладан, Зигмунд Фрейднинг «мотивация назарияси», Фредирик Герцбергнинг «икки омил» назарияси, Девид Маккленанднинг «эҳтиёжлар назарияси», Абрахам Маслоунинг «Эҳтиёжлар иерархияси» назариялари нафақат менежмент соҳасида, балки маркетинг ва психологик тадқиқотларда ўзининг амалий ўрнини кенг топган. Бу борада кўплаб маҳсус адабиётлар мавжуд ва шу сабабли биз асосан А. Маслоунинг «эҳтиёжлар иерхияси» назарияси хусусида батафсилроқ тўхталамиз.

А. Маслоу барча инсон эҳтиёжларининг қондирилиш кетма-кетлига кўра уларнинг 5 та даражага бўлиниши ва улар ўртасида албатта боқичма-боқичлик мавжудлигини асосланган. Шу сабабли, инсон дастлабки физиологик эҳтиёжларини қондириш учун нтилиш вужуждга келади ва бужараён узвий давом этаверади. Пастки даражадаги физиологик ва шахсий муҳофазага оид эҳтиёжлар бирламчи жиҳатга эга. Ҳар бир харид қилиниши кутилаётган буюм ёки фойдаланилаётган хизмат маълум эҳтиёжни қондиришга, шахсни илҳомлантиради. Масалан, оиласда қизчанинг туғилган кунига ота ёки она томонидан қилинган эътибор уни маънавий яқинлик, оилавий муҳаббат сари эҳтиёжларни қондиришда илҳомлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.



Бевосита харид жараёнида идрок этиш хусусиятини кўриб ўтайлик. Идрок этиш ўз навбатида, харидорнингш ташқи муҳит хусусидаги шахсий тасаввурини ифодалайди ва у тегишли товар бўйича: тасвирий идрок, танланма идрок ва тасвирий хотираада ўрнашади. Ушбу босқичлар товар тўгрисида умумий мулоҳазани, муайян шаклни, истеъмол қилишдаги тасаввурини шакллантиради. Кейинги психологик жиҳатлар бўлмиш: ўзлаштириш, ишонч, ўзаро муносабатда янада қатъийлашади ва хариднинг содир этилишида етакчилик қиласди.

Идрок этиш ва ўзлаштириш жараёнида харидорнинг қатъиятлилик салохияти учун замин яратилади. Харид қилиш жараёни узвий тарзда қуидаги босқичлардан иборат:

- ◆ қандай талабнинг қондирилишини белгилаш;
- ◆ товар хусусида ахборот йиғиш;
- ◆ товарлар тури бўйича вариантлар баҳолаш;
- ◆ харид қилиш тўғрисида кқарор қабул қилиш;
- ◆ харид қилинган буюмга муносабат.

Харидор ўзининг қайси турдаги талабини дастлаб қондириши борасидаги бир қарорга келгунча, у кўп жиҳатларни таҳлил қиласди. Ушбу товарниолиш ва у айни шу вақтда нечоғлик зарур? Бу менга қандай имкониятлар яратади? Ушбу харид мен учун ўринлими ва атрофдагилар унга қандай баҳо беришлари мумкин? Ушбу товар сотиш билан шуғулланаётган маркетинг тадқиқотчиси учун қуидагисаволларга жавоб топиш зарур. Қандай турдаги эҳтиёжлар ва

муаммолар харидорга таъсир ўтказади? Ушбу муаммолар қандай вужудга келди? Қандай қилиб харидор айнан шу товарни танламоқчи?

Кўпгина холларда харидорга товарнинг тўлиқ имкониятлари, фойдаланиш хусусидаги ахборот тўлиқ етиб бормайди. Шу сабабдан, харидор ва сотувчи сухбатидан асосий натижа кутилади. Ушбу сухбат мавзуси-қайси товар қандай ассортименти таклиф этилган, унинг сифати, нархи хусусида ахборот тўплаш ҳисобланади.

Сўнгра товарлар бўйича варианtlар баҳоланади. Баҳолаш мезонлари сифатида мода, техник имкониятлар, пишиклиги, дизайн, кафолат, сотувдан кейинги хизмат ва шу кабилар бўлади. Лекин ҳар бир товар ўзига хос баҳоланиш кетма-кетлигига эга. Масалан, автомобиллар бўйича уларнинг синфи, қуввати, модели, ички қўшимча имкониятлари, ёнилғи сарфи, эҳтиёт қисмлар ва тузатиш имкониятлари, ранги, нархи бўйича ахборот албатта зарур. Бу ахборотлар харидорга:

- товар маркаси, марка-тарзи, манфаат даражаси тўғрисида етарлича кўникум ҳосил қилишга ва баҳолашга имкон яратади.

Бевосита харид қилиш чоғида ҳам харидор ўз танловини ўзгартириши мумкин. Бунда унга сотувчи, оила аъзоси, ҳамкасби ва қолаверса ўша вақтда савдо залида бўлган ўткинчи харидор таъсир этиши мумкин. Харидорнинг ўз танловини ва қарорини ўзгартиришга унинг ўз фикрида қатъий турса олиши, ўз шахсиятини қадрлаши ва бошқа психолог хусусиятлар таъсир этади.

Кисқача хulosалар

Истеъмол бозори – уй хўжаликлари ва индивидуал харидорларнинг ўз эҳтиёjlари учун сотиб оладиган барча товарлар ва хизматларни ўз ичига олади. Истеъмол бозори кўламини ўрганишда уни бир қанча белгиларига кўра туркумлаш мумкин. Хусусан, товарларни истеъмол қилиш даврийлигига кўра уларни: узоқ муддатли истеъмол товарлари; қисқа муддатли истеъмол товарлари; хизмат турларига ажратиш мумкин.

Истеъмол товарлари билан савдо қилиш хусусиятига кўра эса уларни: кундалик истеъмол товарлари; дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар; алоҳида талабга эга бўлган товарлар; пассив талабдаги товарларга бўлиш мумкин.

Мотивация (ёки илҳомлантириш) – тегишли зарурат ва эҳтиёjни бирламчи қондириш учун амалга ошириладиган йўллар ва услублар ҳисобланади. Назарий жиҳатдан мотивация кўпгина олимлар томонидан етарлича таърифланган ва амалий йўналишда ўз аксини топган. Жумладан, Зигмунд Фрейднинг «мотивация назарияси», Фредирик Герцбергнинг «икки омил» назарияси, Девид Маккленанднинг «эҳтиёjlар назарияси», Абрахам Маслоунинг «Эҳтиёjlар иерархияси» назариялари нафақат менежмент соҳасида, балки маркетинг ва психологик тадқиқотларда ўзининг амалий ўрнини кенг топган. Бу борада А.Маслоунинг эҳтиёjlар иерархиясини мисол қила оламиз.

Назорат учун саволлар

2. Истеъмол бозори кўламига баҳо беринг.
3. Истеъмол бозори қандай белгиларига кўра гурухланади?
4. Кундалик истеъмол моллари гуруҳига киравчи товарлар кўламини айтиб беринг?
5. Харидорлик атворининг модели қандай шаклланади?
6. «Эҳтиёжлар иерархияси» назарияси харидорлик атворининг шаклланишидаги ўрни қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
 2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
 3. Қосимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
 4. Кочарян Е.С. Маркетинговые исследования. Конспект лекций. М.: Приор - издат, 2005 -112 с.
 5. Просветов Г.И. Маркетинговые исследования: задачи и решения: Учебно.прак.пос.- М.: Альфа - Пресс, 2008 - 240с.
 6. Данченок Л. Маркетинговое ценообразование: политика, методы, практика - М.: Эксмо, 2006.- 464с.
 7. Лукина А.В.Маркетинг товаров и услуг: учеб.пос. - М.:ФОРУМ,2008.-240с.
 8. Зозулев А.В., С.А.Солнцев. Маркетинговые исследования. Теория. Методология. Статистика. учеб.пос.- М.: Рыбари К.: Знания, 2008 – 643 с.
- Интернет сайтлари:
1. www.bookhouse.com.ua/_data/p_9/9442.phtml
 - 2.www.classis.ru/pages/classis/6/48/
 - 3.www.finansy.ru/publ/mark/

7–мавзу. Туризмда маркетинг тадқиқотининг амалий масалалари

- 7.1. Туризмда маркетинг соҳасининг ахборот тизими сифатида шаклланиши.**
- 7.2. Туризмда ахборотлар тизими ва корхонанинг ривожланишида ахборотлар тизимининг аҳамияти**
- 7.3. Туризмда ахборотлар йиғиш, қайта ишлаш ва бошқариш учун тайёрлаш**
- 7.4. Маркетингда қарор кабул қилишнинг аҳамияти**

7.1. Туризмда маркетинг соҳасининг ахборот тизими сифатида шаклланиши.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан бири, бу ахборотларнинг тула конли булишидадир. Умуман олганда хозиргу кун саноат, индустря асрини ахборотлар билан алмашганлиги билан характерланади. Индустрисал аср учун хос бўлган хусусиятлари: моддий неъматлар, саноат ишлаб чиқаришнинг устун даражада ривожланиши, саноат ишчиларининг хиссаси билан ошиб бориш билан характерланса, ишлаб чиқариш эса ялпи, йирик серияли ва катта сигимдаги бозорга мулжалланган булса, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиши эса жонсиз ва жонли меҳнатни, хом Аше, моддий ресурсларни тежаш ҳисобига, корхонани кенгайтириш ва таннархни пасайтириш ҳисобига амалга ошириладиган булса, ахборотлар даврига келиб иқтисодиётда хизмат кўрсатиш тармоқларининг улуши ортиб боради ва айникса ахборотлар хизматини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган воситачилик хизмати юқори даражада усади.

Замонавий тадбиркорлик даври узининг бир канча хусусиятларига кура дастлабки даврлардан ажralиб туради. Бу биринчи навбатда маркетинг фаолиятининг назарий ва амалий жихатдан асосий кураш воситаси, ривожланиш услуби ва дастури сифатида тобора намоён булаётганлигига куринмоқда. Маркетинг хусусида тупланган ахборотни уз вактида ишлатиш, ундан зарурий йўналишларни аниқлашда фойдаланиш натижасида, купгина фирмалар машхурликка эришдилар, доимий харидорлар куламига, улар эътиборига сазовор булдилар. Бундай фирмалар жумласига, «Майкрософт», «Найк», «Рибок», «Сименс» каби бир катор фирмаларни киритиш мумкин. Маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва маркетинг ахборотига бўлган оммавий зарурият куйидаги ўзгаришларга бевосита боғлиқ.

Биринчидан, замонавий тадбиркорликнинг дастлабки ривожланишида асосий эътибор харидор эҳтиёжини қондиришга каратилган булса, хозирги пайтда асосий эътибор харидорлар истакларини қондиришга каратилган. Эҳтиёж – инсон томонидан хис этилган моддий ва маънавий неъматларга нисбатан этишмовчилик демакдир. Эҳтиёж умулашган тарзда Ушбу неъматларга эгалик қилишни назарда тутса, харидорлик истаги – алоҳида

инсонниг моддий ва маънавий етуклик даражасига кура, муайян товарга бевосита эгалик қилиш ва уни ўзлаштириш борасида заруратидир.

Лекин, харидор истаги тушунчаси тўла маънода харидорнинг муайян товарни сотиб олишга, фойдаланишга кодир ва тайер эканлигини англатмайди. Шу сабабли, бу уринда харидорлик талаби тушунчасини келтириш лозим. Харидорлик талаби – муайян товарни сотиб олишга кодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланадиган харидорлик истагининг аниқлаштирилган шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, харидорнинг харид қилишда туловга кодирлик даражаси ва имкониятида бўлган қисмигина харидор талаби чегарасини ифодалайди.

Демак, замонавий тадбиркорлик ва маркетинг фаолияти биринчи уринга харидорларнинг умумлашган тарздаги эҳтиёжини эмас, балки индивидуал харидорнинг истаги, диди, хохиши ва узлаштириш хусусиятлари билан фарқланувчи – харидорлар иштиёкини қондиришга талаб этади. Шундай қилиб турар жойга, овкатланишга, дам олишга бўлган эҳтиёжни қондиришдан, муайян тарздаги харидорлар истагини қондиришга, яъни уларнинг салмоги, турмуш тарзи, одатлари, мавделари ва бошқа хусусиятларни назарда тутиб, уни қондириш сари йул тутилиши хозирги пайтдаги тадбиркорлик фаолиятининг асосий хусусиятларидан биридир.

Иккинчидан, махаллий микёсдаги маркетингдан, умумдавлат ва ундан халкаро маркетинг фаолияти сари утилиши окибатида, фирмалар ўз имкониятларини самарали жихатларини интернационализация жараёнида курмокдалар. Махаллий бозор талабларини қондириш учун курашда географик чекланишларнинг цуколиши, янги товарлар ва хизматлар билан янги бозорларни узлаштириш самарали эканлигини ушбу хусусиятнинг асосий мохиятини белгилайди.

Ушбу нуқтаи назардан, маркетинг ахборотига бўлган зарурат тобора ортиб бормокда. Маркетинг жараёнини самарали ташкил этишда маркетинг тадқиқоти муҳим аҳамият касб этмокда. Амалга оширилиши лозим бўлган маркетинг тадқиқоти жараёни учун турт муҳим манфаатдорликни таъминлаш лозим.

1. Товарлар ва хизматларни харидорларга етказишнинг фирма ва харидор уртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали шаклини ахтариш. Харидор учун ута манфаатли савдо ва хизмат кўрсатиш шакллари асосида харидорнинг барча психологик, физиологик ва бошқа харидор истакларини қондириш. Бу жихатдан, «харидор доим ҳакдир» тамойили асосида фирма уз фаолиятини ташкил этиши лозим.

2. Харидор учун манфаатли ва фойдали бўлган манзилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этишга интилиш. Харидор географик жихатдан чекланиш ва хизматлардан фойдаланишдан этишмовчиликни сезмаслиги лозим.

3. Харид этиш вакти харидор учун кулай ва куп жихатдан манфаатли булишини таъминлаш ёхуд керакли ва зарурий вактда сотувчининг харидорга тегишли товарлар ва хизматларни таклиф эта олиш қобилиятини ошириш.


4. Харид қилиш ва фойдаланишдан харидорнинг мамнунлиги ва манфаатдорлигини таъминлаш. Кўпгина холларда, харидор узи учун зарур

товарларни сезмай колади ва эътибор бермайди. Ана шу вазиятда сотувчи харидор иштиёкини сеза билиши, уни ушбу бозорда керакли товарлар билан иштирои муҳим эканлигини англаши зарур бўлади.

Ушбу манфаатдорликка эришиш учун зарурий шарт – шароитни маркетинг тадқиқоти амалга оширади. Етарли ахборотни туплаш келгуси ўзгаришларни белгилаш учун ушбу тадқиқотнинг аҳамияти бекиёсдир. Жумладан, юқорида кайд этилган манфаатдорликни таъминлаш маркетингнинг таркибий элементларида уз аксини топади, яъни «Маркетинг – Микс» дастури тарзида: бошқача қилиб айтганда турт «П», ингл. «Р» товар, баҳо, манзил ва товарларни талабга мослаштириш бўйича келгуси амалий тадбирларда ойдинлаштирилади. Демак, маркетинг фаолиятига хос бўлган барча ахборотлар, маълумотлар тадқиқотлар учун муҳим курол сифатида шаклланади.

7.2. Туризмда ахборотлар тизими ва корхонанинг ривожланишида ахборотлар тизимининг аҳамияти

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) – инсонлар, техник воситалар ва амалга ошириш услубларидан ташкил топиб, муҳим ват угри ахборотни туплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш, узатиш натижасида маркетинг соҳасида қарор кабул килувчига самарали ёрдам кўрсатиш вазифасини бажаради. Маркетинг ахборот тизими ўзаро муштарак, бодланган элементлар ва муносабатлар мажмууни ташкил этади.



7.1-расм. Маркетинг ахбороти тизимининг умумий кўриниши

Маркетинг ахборот тизими маркетингли режалаштиришнинг такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидан назорат мақсадларида фойдаланиш юзасидан аниқ қарорлар кабул қилиш учун замонда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарқатиш юзасидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кишилар, асбобускуналар ва жараёнлар йиғиндисидир.

Маркетингни бошқариш ишини амалга оширишда бизнинг билимларимизни купайтирадиган маълумот ва ахборотларнинг барча турлари ахборотга киради. Булар янги машиналар, янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни сотиш, рақобатдошлар, уларнинг ҳолати, келажаги ва хоказолар тўғрисидаги ахборотлардир. Ҳар бир корхона, ташкилот ёки маркетинг бўлими гурухлигидан қатъий назар ахборотнинг статистика, оператив режа – иқтисодий, бухгалтерия ахборотларини, молиявий ахборот, моддий техника таъминотига оид ахборот, кадрларга оид ахборот, технология, конструкторлик, справка каби турлари бўлади. Ахборотларни олиш манбаларига кура ички ва ташки ахборотга булиш мумкин.

Ахборотни туплаш ва ундан фойдаланиш жихатларига кура ахборот тизимини туртта куйи тизимга ажратиш мумкин. Булар жумласига: ташкилот ички ҳисобот тизими, маркетинг ташки хабарнома – ахборот тизим; қарор кабул қилишни кувватловчи тизим; маркетинг тадқиқоти тизими киради. Ушбу куйи тизимларнинг шаклланишида ахборотга бўлган эҳтиёж, зарурий шакллардаги ва талабдаги ахборотни тақдим этиш тартиби ва муддати муҳим аҳамият касб этади.

7.3. Туризмда ахборотлар йигиш, қайта ишлаш ва бошқариш учун тайёрлаш

Маркетинг бўйича менеджер олдида турган муҳим вазифаларни хал этишда маркетинг ва унинг ўзгаришларини акс эттирувчи асосий жихатларни мукаммал ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мақсадли бозор имкониятлари, тайинли фирманинг маркетинг каналлари, рақобатчилар ва уларнинг хусусиятлари, ички ва ташки иштиёкли гурухлар, маркетинг макро муҳити омилларининг ҳолати, таъсир даражаси ва ўзгаришдаги хусусиятларни инобатга олмок лозим.

Ташкилот ички ҳисоботи тизими муайян фирма фаолиятининг жорий харажатлари, сотув хажми, омбордаги маҳсулот қолдиғи, мавжуд ва келиши кутилаётган харидорлар, таъминотчилар кулами ва бошқа маркетинг фаолиятига боғлиқ бўлган ахборотнинг уз вактида жамланишимни, қайта ишланиши ва ундан фойдаланишни назарда тутади. Масалан, фирма микёсида ички ҳисоботи тизими куйидаги талаблар асоссида шаклланади. Жорий якунланаётган кун сунгидаги фирма дукондаги савдо залида хар бир товар гурухи микёсида кандай захиралар қолди, бир кунда сотув хажми ва тартиби кай даражада ўзгарди, эртанги кунда кайси турдаги (ассортимент) товарлар учун таъминотчиларга буюртма бериш керак ва шунга ухшаш оператив ахборот олиш зарурати пайдо бўлади. Бу ерда муҳим уринни Ушбу ахборот кай тарзда,

канча вакт мобайнида йиғилиши, умумлаштирилиши эгаллайди. Ахборот олиш тезлиги, сифати эса қарор кабул қилишда самараги аҳамият касб этади. Демак, ахборотга бўлган эҳтиёжини уз урнида ва аниқ белгилаш, хамда фирма фаолиятида ундан фойдаланиш жихатларини аввалрок белгилаб олиш лозим. Фирма менеджери олдида турган муҳим саволлар кулами куйидагича тартибга солиш мумкин.

1. Кандай турдаги ахборотлар кун сўнгига жорий кун яқунларини чиқаришда ва келгуси кун режаларини тузишда ўта муҳим ҳисобланади?

2. Ахборот қай шаклда ва қандай кетма – кетлиқда тақдим этилиши лозим?

3. +андай турдаги ахборот кундалик, хафталиқ, ойлик тарзда тўпланиши, таҳлил килиниши, тақдим этилиши лозим?

4. Савдо килинаётган товарлар бўйича яна қандай ёрдамчи маълумотлар керак бўлади (товарларнинг жорий улгуржи нархи, таъминотчилар имконияти, тулов муддати ва ҳк.)?

5. Тўпланган ва тақдим этилган ахборотдан яна қайси фаолиятда самараги фойдаланиш имкони мавжуд?

Маркетингли тадқиқотлар тизимида фирма раҳбариятига ички бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа маълумотлардан ташкари, бозор конъюнктураси ҳақида, харидорнинг айнан шу товарни сотиб олишга нима мажбур килганлигини тадқиқ қилиш, худудлар бўйича сотиш миқдорини истиқболлаш, реклама самарадорлигини ҳисоблаш каби маркетингли маълумотлар хам зарур. Бундай маълумотларни маҳсус маркетингли тадқиқотлар оркали олиш мумкин. Бу тадқиқотлар доимий равишда маълумотларни лойихалаш, йиғиш, таҳлил қилиш, эълон қилиш ва узига хос маркетингли вазиятларда уларни қўллаш чораларини излашдан иборатдир.

Фирмалар маркетингли тадқиқотлар натижасини турли йуллар билан олишлари мумкин. Масалан, кичик компаниялар бу тадқиқотларни утказишни университет (институт) кафедралари ёки маҳсус фирмаларга буюртма қилишлари мумкин. Йирик компаниялар купчилик холларда уз структураларида маркетингли тадқиқот булимларига эга бўладилар.

Маркетинг ташки хабарнома – ахборот тизими, маркетинг ва тижорат фаолиятига хос бўлган барча олинадиган хабарлар, услубий ишланмалар натижаларидан таркиб топади. Кундалик матбуот (рўзнома ва маҳсус журналлар), таъминотчилар ва истеъмолчилар билан бўлган мулокот натижалари, реклама эълонлари ва бошқа бевосита хабарномани олиш манбай булиши мумкин. Ушбу соҳага оид хабарлар ва таҳлилий маълумотларга бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида айрим фирмалар хатто шу соҳага ихтисослашдилар.

Маркетинг тадқиқоти куйи тизими – тартибга солинган ва тупланган кўрсаткичларни амалиётга тадбик эти шва тайинли маркетинг холати хусусида ташкилот учун зарурый ахборотлар, ишланмалар йиғиндисини ташкил қиласди. Ушбу куйи тизим маркетинг хабарнома – ахбороти куйи тизимидан муайян ташкилот учун маҳсус ишланган, зарурый кўрсаткичлари ва натижалари билан фарқланади. Купгина йирик чет эл фирмаларида маркетинг тадқиқоти учун

савдо айланишининг 0,1-2 фоизи миқдорида маблаг сарфланади. Масалан, машхур «Проктер энд Гембел» компанияси хар йили мингдан ортик маркетинг тадқиқотларини жаҳондаги барча булинмалари бўйича утказади. Хаар бир маҳсулот гуруҳи бўйича мутахассиларнинг кундалик фаолиятлари харидорлар талабини ўрганиш, ташкилот сотув хажмини ошириш, янги маҳсулотни режалаштириш ваш у каби муаммоларни хал этиш билан боғлиқ.

Маълумотлар нихоятда хилма – хил ва улар маркетингни бошқаришда алохида аҳамиятга эга. Уларни йиғиш сермашаккат, купдан – куп мутахассис ва техник воситалардан фойдаланиш оркали амалга оширилганлиги туфайли, уларни йиғиш доимо кимматга тушади. Лекин куйилган мақсадга эришиш учун бу фаолият жуда зарурдир. Бу маълумотларни харидорлар, воситачилар, сотувчилар ва рақобатчилар ўртасида турли сўровлар, интервьюлар утказиш ўюли билан олинади. Бирламчи маълумотларни йиғишнинг бир неча усувлари мавжуд: кузатиш, обзорлар тайёрлаш, эксперимент усувлари дидир.

Кузатиш усулини куллаб тадқиқотчи, харидорлар ва сотувчилар атрофида уралашиб уни қизиқтирган товарга бўлган талабнинг ўзгариши хақида маълумотларни йиғиш мумкин. Худи шу йул билан рақобатчилар товари тўғрисида хам маълумот йиғиш мумкин.

Обзорлар тайёрлашда янги товарлар таснифини яратишда, реклама матнларини тузишда, реклама қилишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилганда, сотишини рағбатлантириш тадбирларига тайёргарлик куришда, товар ҳаракати каналларини тадқиқ қилиш ва бошқалардан фойдаланиш мухимдир. Бу усул кузатиш ва эксперимент оралигига турувчи усуздир.

Эксперимент ёрдамида тадқиқ килинаётган нарсани кандайдир омиллари ва уларнинг ўзгаришига бўлган таъсирини аниқланади. Бу усулининг мақсади ишчи гипотезаларини инкор этишдир. Маълумотлар йиғишни бу усули савдо ходимларини тайёрлашнинг яхши усулини аниқлашда, баҳолар даражасини аниқлаш каби маркетинг муаммоларини ўрганишда кулланилади.

Керакли ахборотни йиғиш учун тадқиқотчи илгаридан маълум бўлган ва ишончли, янги яратилган инструментариядан фойдаланиши лозим. Кузатиш ва эксперимент усули техник воситалар, яъни магнитафонлар, фото, видео ва кинокамераларидан фойдаланиш билан таснифланади. Обзорлар тайёрлаш ва айрим холларда эксперимент, анкета сўровлари утказишни талаб қиласди.

Анкета сўровлари – бирламчи маълумотлар йиғиш инструментидир. Анкеталар респодентларга мулжалланган саволларга жавоблардан иборатдир. Респодентлар – анкета сўровига жавоб берувчилардир. Анкета сўров утказишда хато ва качиликларга йул куймаслик учун илгаридан жуда аниқ тайёргарлик куриш зарур. Бундай тайёргарлик жараёнида куйидагиларни аниқлаб олиш лозим :

- олиниши керак бўлган ахборот;
- анкета тури ва ҳаракат усули;
- хар бир саволнинг мазмуни;
- хар бир саволнинг лугатини акс эттириш;
- саволлар кетма – кетлиги ва доимийлиги;

- анкетанинг жисмоний таснифи.

Почта оркали сўров – шахсий интервьюга розилик билдирамаганлар билан алоқа қилиб ургатишнинг бирдан – бир имкониятидир. Шу билан бир вактда саволларни аниқ, оддий ва лўнда тарзда тузилишини талаб қиласди. Жавоб кайтиш даражаси жуда секин келиб тушади.

Шахсий интервью – сўров утказишнинг энг макбул усулларидан биридир. Чунки интервьюэр (интервью утказувчи) зарур холларда анкетада қузда тутилгандан ташкари купрок саволлар бериши мумкин ва интервьюни уз шахсий кузатишлари билан тулдириши мумкин. Бу усулнинг камчилиги, унинг анча кимматга тушиши ва маҳсус тайёргарликдан утган мутахассислар бўлишини талаб қилишидир.

Ахборотларнинг келиб чиқиши, манбаи, белгиланиши, кайси мақсадга йўналтириши, мураккаблиги, уларга ишлов бериш даражасига караб нихоятда хилма – хил бўлганлиги каби, уларни йиғиб олиш, қайта ишлаш ва тайёрлашда хам хилма-хил усуллардан фойдаланилади. Улар, энг аввало ижрочи шахслар томонидан кул кучи ёрдамида, колаверса узи ёзадиган мосламалар ёрдамида йиғилиши, қайта ишланиши, узатилиши, таҳлил килиниши, бошқариш учун умумлаштирилиши ва тайёрланиши мумкин. Хозирги кунда маркетинг булимлари, гуруҳлари ёки соф маркетинг корхоналарида ахборотларнинг нихоятда куп ва мураккаблигидан маҳсус курилмалар, регистраторлар ва бошқа хилма – хил маҳсус машина техникасидан фойдаланилмоқда.

7.4. Маркетингда қарор кабул қилишнинг аҳамияти

Аввалимбор, қарор кабул қилишдан олдин маркетинг тадқиқотларининг йўналишларини куриб чикамиз. Улар эса одатда 5 та йирик йўналиш бўйича амалга оширилади.

1. Рекламани ташкил этиш тадқиқотлари (харидорларни илҳомлантириш, реклама тестлари, реклама турлари ва уларни қиёсий самарадорлиги ва ҳқ.).

2. Стратегик режалаштириш ва ташкилот сиёсати (қисқа ва узок муддатли башоратлар утказиш ва корхона натижалари, бозор манзилгоҳлари таҳлили, янги диверсификацион ривожланиш имкониятлари, оператив ялпи таҳлил, ташкилот ички мухити таҳлили, экспорт бозори кузатувлари ва ҳқ.).

3. Ташкилот маъсулияти бўйича изланишлар (харидорларни шакллантириш буйича, табиат атроф мухити химояси бўйича ташкилотнинг ижтимоий маъсулияти ва ҳқ.).


4. Бозор таҳлили (янги товарга харидорлар муносабати, янги товар салохияти ва имкониятлари, янги товарларни синаш, товарни кадоклаш муаммолари ва уни текшириш бўйича ва ҳқ.).

5. Сотиш имкониятлари ва маркетинг изланишлари (салохиятли ёки имкониятли бозорларни аниқлаш, бозор таркиби таҳлили, сотув хажми ўзгаришлари таҳлили, синов маркетинги утказиш, сотишни рағбатлантириш тартибларни ўрганиш ва ҳқ).

Албатта, хар бир ташкилот узининг имкониятлари ва белгиланган мақсадларига кура у ёки бу йўналишда ёки соҳага оид маркетинг тадқиқотларини амалга оширади. Бунда ташкилотнинг маълум муддатга белгиланган стратегияси, талаб этилаётган тактик ҳаракатлари инобатга олинади. Маркетинг тадқиқотини ялпи жараён сифатида ва уни хал этиши лозим бўлган вазифаларни кейинги қисмларда батафсил қўриб ўтамиз.

Маркетинг хусусида тупланган барча ахборотлар хабарлар бошқаришда қарор қилишни қувватловчи қуий тизим сифатида, таҳлилий услублар, ишланмалар, қарор кабул қилиш моделлари, компьютер дастурларидан таркиб топади. Бошқариш доирасида кабул килинаётган қарорлар маълум манбаларга, таҳлилий натижаларга асосланган булиши табиийдир.

Шу ўринда Ф.Котлер таклиф этган маркетинг хусусида қарор кабул қилишни қувватловчи қуий тизимнинг таркибий тузилишини келтирамиз.



7.2.-расм. Маркетинг хусусида қарор қабул қилишни қувватловчи қуий тизимнинг таркибий тузилиши

7.2 – расмда акс эттирилган статистик таҳлилий услублар банки математик услублар билан бойитилиши ва тегишли ахборотни қайта ишлаш жараёнида мукаммаллашган моделга айланиши назарда тутилади. Моделлар банки таркиби Ушбу расмда умумий жихатдан келтирилган. Амалий фаолиятда улар кўлами жуда кенг булиб, ташкилотда маркетинг фаолиятининг ташкил

этилиш даражаси, зарурати ва салохиятига караб куп ёки кам кулланилиши мумкин. Хозирги пайтда, куплаб маркетинг хизматларини таклиф этувчи фирмалар тайёр холдаги моделларни компьютер дастурлари сифатида сотмокдалар. Шу жихатдан моделлар банки доимий кенгайиб бориш хусусиятига эга булиб бормокда.

Маркетинг борасида қарор кабул қилишни кувватловчи куйи тизимга бўлган заруратнинг келгусида хам ортиб бориши табиийдир. Чунки, ахборот қўлами ва микдорининг нихоят куплиги ва уни бошқаришда сарфланадиган вақтни тежаш муҳим аҳамиятга эга. Моделлар банки воситада эса ахборотни қайта ишлаш ва қарор қилишда нисбатан кам хатога йул қўйилади.

Демак, маркетинг хусусида қарор кабул қилишни кувватловчи куйи тизим амалий фаолиятда ишончлилик, кам хатарлилик тамойилларини ифодалайди, замонавий тадбиркорнинг муҳим элементи булиб ҳисобланади. +арор қабул қилиш бошқаришда ута маъсулиятли жараён ҳисобланганлиги бойис, унинг изчиллиги ва асосланганлиги, бевосита қўллаб— кувватловчи далилларга, ҳисобларга, етарли даражада асосланган тахминларни инобатга олишни талаб қиласди.

Қисқача хуносалар

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) – инсонлар, техник воситалар ва амалга ошириш услубларидан ташкил топиб, муҳим ват угри ахборотни туплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш, узатиш натижасида маркетинг соҳасида қарор кабул килувчига самарали ёрдам кўрсатиш вазифасини бажаради. Маркетинг ахборот тизими ўзаро муштарак, бодланган элементлар ва муносабатлар мажмуини ташкил этади.

Ахборотни туплаш ва ундан фойдаланиш жихатларига кура ахборот тизимини туртга куйи тизимга ажратиш мумкин. Булар жумласига : ташкилот ички ҳисобот тизими, маркетинг ташки хабарнома – ахборот тизим; қарор кабул қилишни кувватловчи тизим; маркетинг тадқиқоти тизими киради. Ушбу куйи тизимларнинг шаклланишида ахборотга бўлган эҳтиёж, зарурий шакллардаги ва талабдаги ахборотни тақдим этиш тартиби ва муддати муҳим аҳамият касб этади.

Назорат учун саволлар

1. Маркетинг тадқиқотига бўлган зарурат кандай омиллар таъсирида вужудга келди?
2. Эҳтиёж, харидор истаги ва талаби каби тушунчалар уртасидаги боғлиқликни ва фаркни изохлаб беринг?
3. Маркетинг тадқиқоти маркетинг жараёни учун кандай манфаатдорликни таъминлашга каратилган булиши лозим?
4. Маркетинг ахбороти тизими кандай элементлардан ташкил топган?
5. Маркетинг ахбороти тизими бошқаришда қарор кабул қилиш учун кандай муҳим вазифаларни бажаради?

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар

1. Косимова М.С., Ахмедов О.М., Ёдгоров М.Х: Маркетинг тадқиқоти. Т. Ўқитувчи 1998.
2. Косимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004 й.
 1. Фоксол Г., Гонделий Р., Браун С. Психология потребителя в маркетинге. – СПб.: Питер, 2007г.
 2. Хершген Ханс. Маркетинг основы профессионального успеха. Учебник для вузов. Перевод с нем. – М.: ИНФРА. – М., 2007 г.

Кўшимча адабиётлар

1. Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонч В. Основы маркетинга. Перевод с англ.-/2-е европ. изд./ - М., СПб., К.. Издательский дом “Вильямс”, 2008г.
2. www.4p.com.ua/books/4.html
3. www.bci-marketing.aha.ru/pm03_02.htm
4. www.bizbook.ru/detail.html?book_id

8-мавзу. Туризмда реклама фаолияти ва маркетинг тадқиқотлари.

8.1. Туристик маҳсулотни реклама килиш меъерлари ва услублари

8.2. Туризм бозорида туристик маҳсулотни ташвиқот қилиш ва рағбатлантириш.

8.3. Туристик маҳсулотлар билан туристик ярмаркаларда қатнашиш.

8.1. Туристик маҳсулотни реклама килиш меъерлари ва услублари

Туристик фаолият билан шуғулланувчи реклама орқали ўз маҳсулотлари хакида истемолчиларга хабар бериш билан шуғулланишади. Бу туристик маҳсулот харакатининг зарур элементларидан биридир.

Реклама бу турмаҳсулот ва истемолчи орасидаги билвосита алоқа шаклидир. Рекламада оммавий алоқа воситаларидан. Айниска каталог, брашура, афиша каби нашр материалларидан фойдаланилади.

Реклама мақсади дикқатни жалб этиш, қизиқиш, уйғотиш, истемолчига маълумот етказиш ва уни маълум тартибда харакат қилишга мажбур қилиш (масалан турагент билан боғланиш қўшимча маълумотлар сўраб олиш ва хоказо). Турмаҳсулот ишлаб чиқиш бу хали хаммаси етарли дегани эмас у уз мижозини топишлиги асосийсидир. Ва бунда ранг баранг бўлган реклама катта рол ўйнайди.

Туризм индустрисида рекламанинг ажралиб турадиган томони унинг маҳсулоти хусусияти билан аниқланади ва қуйдагича мазмун касб этади:

Туристик реклама у ердамида олға сурилаётган ахборотлар туғрилиги ва аниқлиги учун катта маъсулиятга эга;

- ✓ анъанавий маҳсулотлардан фарқли равища доимий сифат таъм фойдалиликка эга бўлмаган хизматлар рекламиси маълумот етказиш ва тарғибот каби вазифаларнинг ривожланишига муҳтождир;
- ✓ туристик хизматлар хусусиятлари туристлар қизиқадиган обьектларни нисбатан тўлароқ акс эттирадиган кўрсатма воситаларидан фойдаланиш зарурияти кўзда тутади шунинг учун бу ерда кўпинча фотоматериаллар суратлар чиройли изоҳ маҳсулотларидан фойдаланилади;
- ✓ реклама туризмнинг доимий йўлдоши хисобланади ва одамларга нафақат саехатгача балки саехат даврида ва ундан кейин ҳам ҳизмат қиласди. Бу унга алоҳида масъулият юклайди ва бошқа маҳсулот хизматларга хос бўлмаган хусусиятларни беради.

Туризмда рекламанинг типик мақсадлари қуйидагилардир:

Ахборотлилик:

- ✓ маҳсулот ҳақида маълумот бериш;
- ✓ маҳсулот имиджини шакиллантириш;
- ✓ фирма имиджини шакиллантириш;
- ✓ фирма фаолияти тўғрисидаги тассавурларни шакиллантириш;

Ишонтирувчи:

- ✓ маҳсулотни сотиб олишга ундаш;
- ✓ сотишларни амалга ошириш;

- ✓ маҳсулотга муносабатни ўзгартириш;
- ✓ рақобатнинг тескор таъсири;
- ✓ эслатувчи;
- ✓ хабардошлиқ ва талабни қўллаб қувватлаш;
- ✓ имиджни тасдиқлаш;

Шу билан бирга реклама фаолияти тўғри олиб борилиши ва унга қўйиладиган қонуний талабларга қатъий мос келиши лозим.

Туроператор реклама фаолиятининг меъерий асосини туризмда реклами тартибга солиб турувчи қўйидаги қонунчилик хужжатлари ташкил топади:

1. Ўзбекистон республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни маҳсулотлар ишлар ва хизматлар бозорларида реклами ишлаб чиқиш жойлаштириш ва тарқатиш жараенларида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиб туради. Шу қонуннинг Збандида ўзбекистон республикасининг реклама тўғрисидаги қонунчилиги ушбу қонун ва шунга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонунлардан ташкил топиши назарда тутилган. Реклами ишлаб чиқиш жойлаштириш ва тарқатиш жараенларида юзага келадиган муносабатлар шунингдек ўзбекистон республикаси президенти формонлари ва ижроя хокимияти органларининг “Реклама тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқиладиган меъерий-хукуқий актлар ердамида тартибга солиб борилади.

2. Ўзбекистон республикасининг жиноят кодекси “Ёлғон реклама” – бандида айтиладики рекламада маҳсулотлар иш ва хизматлар шунингдек уларни ишлаб чиқарувчилар ҳақида гаразли мақсадларда ёлғон маълумотлардан фойдаланиш ва истемолчиларга зарар етказаш иш ҳақининг минимал миқдори еки тўлиқ иш ҳақи миқдори еки судланувчининг икки ойдан беш ойгача бошқа даромадлари миқдорида жарима тўлаш ехуд 80 соатдан 240 соатгача мажбурий меҳнат ехуд Зойдан 6 ойгача қамоқقا олиш еки 2 йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий аҳборот воситалари тўғрисида”ги қонунида шундай дейлади: “ОАВ” да реклама аҳборотлари ва материаллариiga маҳсуслаштирилган сифатида рўйхатда олинмаган реклама тарқатиш хажми даврий босма нашрининг алоҳида номери хажмининг алоҳида номери хажмининг 40 фоизидан радио ва теледастурлар учун 25 фоиздан ошмаслиги лозим. Тахирият маълумот тахирият ва муаллифлик материаллари кўринишида жойлаштирилган реклама учунҳақ олиш хукуқига эга эмас”.

4. Ўзбекистон республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматлар сертификатияси тўғрисида” ги қонунида мажбурий сертификатиядан ўтиш лозим бўлган аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотларни реклама қилиш таъқиқланади.

- ✓ турмаҳсулот рекламасининг мураккаблиги шундаки у бир вақтнинг ўзида қатор турли ҳил жиҳатларни акс эттириши лозим;
- ✓ талабнинг бозор сегментлари бўйича таклифларининг турли туманлиги (масалан ёш болалардан бошлаб, ўрта синф вакилларига қадар ва VIP туристлар учун);

- ✓ саехат ва сафарлар жойларининг фарқлари (масалан аньанавий йўналишлар – Туркия, Кипр, Италия, Испания, Марокко, Кения ва хаказо каби янги йўналишлар). Туризмнинг турли кўринишлари (спорт, тарихий, соғломлаштириш ва бошқалар).

Кўпинча бир реклама ахборотида маҳсулотни харакатлантирувчи ҳар учала ташкил қилувчи ҳам ҳисобга олиш талаб қилинади (йўналиш, сафарлар кўринишлари ва истеъмолчилар категориялари бўйича ажратилган таклифлар).

Бунда рекламанинг қўйдаги асосий принципларини ҳисобга олиш зарур:

- ✓ реклама қисқа бўлиши лозим акс ҳолда у охиригача қабул қилинмайд;
- ✓ реклама мижозларга тушунарли бўлиши зарур, чунки онгли қабул қилинган нарсалар одатда хотирада кўпроқ сақланиб қолади;
- ✓ ахборотнинг бошидаги ва охиридаги хабарлар ахборотнинг ўртасида келтириладиган маълумотларга қараганда яхши эсда қолади;
- ✓ маълумотлар одатий тушунчаларга, ишончлар, фикрларга зид бўлмаса, енгил қабул қилинади ва яхши эслаб қолинади;
- ✓ жамият ҳаётининг асосий тенденциялари руҳиятини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун аҳоли ичидаги ижтимоий сўровлар, яъни, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш зарур.

Туристик фирмалардаги реклама бўйча тактик қарорлар ўз ичига З блок саволларини олади:

- ✓ реклама воситалари еки реклама ташувчиларни танлаш;
- ✓ реклама эълонларига тўловлар ва харакатларни назорат қилиш;
- ✓ реклама мурожаатномаларининг чиқиши графики.

Реклама воситалари еки реклама ташувчиларни танлаш. Бу ҳолда асосий вазифа нисбатан самарали ва тетамли реклама воситасини танлаш ҳисобланади. Бунда маълумот манбаасини изчил ўрганиш зарур, яъни, истемолчилар танлаш мумкин бўлган мамлакат, минтақа, туристик марка ёки курорт ҳақидаги маълумотларни қаердан олиш мумкинлигини аниқлаш керак.

Реклама воситалари жуда ҳам турли туман бўлиши мумкин. Туризм рекламаси кўпинча қўйидаги воситалардан фойдаланади: матбуот, телевидение, радио, видеороликлар, почта жўнатмалари, транспорт, сотиши жойларидаги реклама доскаси, ташқи ва сувенер рекламалари ва х.

Реклама воситаларини ўрганиш ва танлаш аудитория, тираж, қамраб олиш доираси, такрорланиш даражаси каби тушунчалар билан боғлик.

Аудитория – мазкур реклама ташувчи реклама ахборотини етказадиган шахслар гурухи. Аудиторияни баҳолаш критерияси масалан газета учун – маълум вақт оралиғида уни кўриш мумкин бўлган одамлар сони ҳисобланади.

Тираж – реклама ташувчиларининг (газета, журнал, справочниклар ва хоказо) мунтазам чиқариладиган нусхалари миқдори.

Қамраб олиш доираси – маълум вақт оралиғида ушбу рекламаташувчи билан муносабатда бўлган алоҳида одамлар ёки оилалар сонидир: қамраб олиш доираси маълум туристик бозорни ташкил қилувчи барча одамлар ёки оилалар сонига нисбатан фоизларда ифодаланади. Телевиденияни оладиган бўлсақ, “қамраб олиш доираси тушунчаси” ТВ билан 4 ҳафта мобайнида муносабатда бўлган оилалар сонини билдиради.

Такрорланиш даражаси – маълум вақт оралиғида рекламани жойлаштиришнинг маълум графиги доирасида турли одамлар ва оиласларни қамраб олиш миқдори. Такрорланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик узоқ вақт давомида реклама қилинаётган турмаҳсулот хотирада сақланиб қолади.

Реклама воситаларини танлаш.

Хар бир алоҳида ҳолларда реклама ташувчилар самарадорлиги ва зарурияти аниқланади ва юқорида келтирилган тушунча ҳамда тарифлар асосида потенциал туристларга у еки бу оммавий ахборот воситалари орқали реклама мурожаатлари чиқариш мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилади.

1-расм. Туризмда реклама воситалари.

Реклама ташивчилар

Матбуот газета: кунлик, кечки, дам олиш кунги, маҳаллий, кичик ўлчамли, савдо, қўшимча журнал: истеъмолчиларники, маҳсус, қишлоқ хўжалиги, справочниклар, маҳсус гид-йўл кўрсаткичлар	ТВ ва Радио Ташқи реклама: вивескалар, плакатлар, чирокли курилмалар	Тўғридан-тўғри реклама: Плакатлар, проспектлар, брошюралар, буклетлар, ва рақалар, почта окриткалари, прейскурантлар, дастурлар, харлар, конвертлар.
Транспортда реклама: салон ичида, ташқи плакатлар, бекатлар плакатлари.	Филмалар: Тижорат ижараси, қисқа метражли фильмлар, роликлар, фильмотекалар.	Манзиллар рўйхати: Мижозлар рўйхати, рекламага жавоб берганлар рўйхати, таркибий рўйхатлар ва ижарага олинган рўйхатлар
	Сотиш жойларидағи реклама: Витриналар, магазин ичидағи, экспозициялар, реклама плакатлари, наклейкалар.	Сувенир reklamasи: Календарлар, рамзий буюмлар, иш совғалари.

Реклама эълонлари учун тўловлар ва харажатларни назорат қилиш.

Реклама компанияси учун тўловларни амалга ошириш учун туристик фирмада қўйдаги кўрсаткичларни бирлаштириб турадиган харажатлар сметаси тузилади:

- ✓ реклама асигнаваниялари суммаси;
- ✓ реклама тадбирлари хажми;
- ✓ реклама воситалари еки реклама ташувчиларда нашр қилиш учун тариф ставкалари (ёки нархлар).

Реклама нашрларининг нархлари ёки тарифлари харакатчан хисобланади ва буортма шартлари тасирида сезиларли даражада арzon бўлиши мумкин. Бундай шароитларда реклама ташувчиларда реклама нашрлари учун нархлар ва тариф ставкаларини билиш ва улардан моҳирона фойдаланиш туризм рекламаси билан шуғулланадиган ходимлар учун аҳамиятли талаб ҳисобланади.

Газеталарда реклама қийматини ҳисоблаш бирлиги қатор хисобланади. Матбуотдаги турли тижорат рекламалари нархларини солиштирганди, уларни умумий маҳражига, яъни, “бир нусхадаги бир қатор учун” нархига келтирилади.

Тўлалигича молиялаштирилганда бир реклама берувчи дастурини сотиб олади. Навбат билан молиялаштиришда эса дастурни ҳаражатларни навбат билан кўтарадиганикки реклама берувчи сотиб олади. Хиссавий молиялаштиришда икки еки бир неча реклама берувчи дастурини сотиб олишади ва дастурнинг алоҳида қисмларидан фойдаланишади. Телевидения бўйича реклама тарифлари кўрсатув вақти ва дастур мазмунига кўра турлича бўлиниш мумкин. ТВ дан фарқли равишда радиостанциялар сутканинг қайси вақтида реклама берилишидан қатъий назар ягона тариф бўйича ҳақ оладилар.

Нашрлар графиги оммавий ахборот воситаларида реклама эълонларининг чиқарилиш саналарини ва муддатларини кўзда тутади. Туризмда муддатлар туристик саёҳатларнинг равshan тасвирланган мавсумийлиги билан, шунингдек, туристик фирмаларнинг кейинги йил учун туристик саёҳатларни брон қилишнинг оммавий талабномаларини қабул қилишда кузги қишиги аньана билан мувофиқлашади.

Реклама эълонларини жойлаштириш частотаси ва муддатлари у еки бу реклама ташувчилар хусусиятларига боғлиқ. Газета радио ва телевиденияда берилган рекламалар мижозлар билан ўткинчи реклама учрашувини юзага келтиради. Шу сабабли бундай учрашувларни нисбатан барқарор қилиш учун такрорланиб турувчи реклама эълонлари серияларини тайерлаш зарурдир.

Рекламани жойлаштириш самарадорлигини қаттиқ назорат қилиш зарур. Бунга турфирма офисига келувчи мижозлар ва ташриф буюрувчилар орасида фирма ва унинг турмаҳсулотлари ҳақидаги маълумотларни қаердан олганликлари тўғрисидаги саволлар ўтказиш йўли билан эришиш мумкин. Рекламага қилинган ҳаражатлар реклама ташувчилари билан сотилган турлар бўйича тушумлар солишеирилади ва шу асосдан нисбатан самарали реклама воситалари аниқланади.

8.2. Туризм бозорида туристик маҳсулотни ташвиқот қилиш ва рағбатлантириш.

Истемолчиларни рағбатлантириш масалаларт ҳам аҳамият касб этади ва уларнинг асосийлари куйдагилар: таклиф этилаётган турлар ёки алоҳида хизматларнинг нисбатан интенсив истемол қилинишини рағбатлантириш,

туристларни улар аввал фойдаланмаган хизматларини сотиб олишга ундаш, рақобатчилар хизматларидан фойдаланаётганлар эътиборини туристик таклифга жалб қилиш:

Рағбатлантириш воситалари:

Туристик хизматлар ва сафарларни белгиланган муддатлардан олдин брон қилиш холларида эълон қилинган нархлардан чегирмалар бериш. Бу усул кўп сонли харидорларни туристик сафарларини аввалдан нисбатан паст нархларда сотиб олиш имконияти билан қизиқтириш мақсадига эгадир;

Агар туристик сафарнинг максимал узоқ муддатли турини сотиб олса, қўшимча 1. З кун мобайнида бепул хизмат кўрсатишнинг таклиф этилиши. Масалан, туристик 20.кун муддатли тур сотиб олса, унга қўшимча равиша 1.3 кун бепул хизмат кўрсата олиши мумкин;

Комплекс хизмат кўрсатишга бавзи бепул қўшимча хизматларни қўшиш (масалан, диско клубга, пляжга кириш, мини dolor, тенис кортларидан фойдаланиш);

Фирма томонидан матбуот, радио ва ТВ да туризм саволлари бўйича викториналар ўтказиш ва ғолиб бепул туристик сафар кўринишида мукофат билан тақдирланади. Шундай йўл билан фирма қўшимча потенциал мижозлар сони дикқатини ўзига жалб қиласди;

Фирма томонидан ташкил қилинадиган тур бўйича саёҳат қилинаётган туристларга бепул фирма сувенирларини кенг миқёсда бериб чиқиши;

Фирманинг доимий мижозларини меҳмонхоналарда нисбатан хашаматли номерларда, ресторанларда, шинам жойларда жойлаштириш, гуллар, мевали вазалар, нисбатан қиммат сувенирлар тақдим этиш, шунингдек, байрам муносабатлари билан табрикномалар юбориш, хизмат кўрсатишда алоҳида эътибор кўрсатиш;

Юбилей(1,10,100,1000) харидорларнинг тантанали маросимларини ўтказиш. Шу муносабат билан матбуот, ТВ ва радиода ахборотлар бериб бориши. Юбияларга қимматбаҳо совғалар тақдим этиш ёки уларга имтиёзлар бериши.

Чакана турагентларни рағбатлантириш чакана туристик фирмаларни рағбатлантириш вазифаларига қуйидагилар киради: ўз савдо фаолиятлари обьектлари таркибига янги туристик хизматларни киритганликлари учун уларни рағбатлантириш: рақобатчилар томонидан амалга оширилаётган рағбатлантириш чораларининг олдини олиш, чакана фирмаларда хамкорлакка тарафдорликни шакллантириш; ўз таклифлари билан янги савдо нуқталарига чиқиши.

Рағбатлантириш воситалари:

Белгиланган квоталардан ортиқча сотилган туристик саёҳатлар учун ошиб борувчи комиссиянлар белгиланди;

Гуруҳли саёҳатларга сотишлар хажми ошган холларда, айниқса, номавсум райларда эълон қилинган нархларда чегирмалар бериши;

Сафар давомида туристик гурухни кузатиб борадиган чакана фирмалар ходимларига бепул хизмат кўрсатишни таклиф қилиши;

Чакана турагентликлар вакилларига вакиллик сувенир совғаларини тақдим этиши;

Турлар сотишининг имтиёзли шартларда амалга ошириладиган туристик биржаларини ўтказиш;

Потенсиал хамкорлар орасида каталогларни тарқатиш;

Чакана туристик фирмалар ходимлари учун бепул ёки эълон қилинган нархлардан юқори даражадаги чегирмалар(75%) асосида таниширув (реклама маълумот) сафарларини ташкил қилиш.

Таниширув саёҳатлари хозирги туризм бозорида меъёр бўлиб қолган турагентлар учун таниширув саёҳатларини ташкил қилишнинг бир неча принципларини санаб ўтамиш:(33)

Бундай сафарлар гурухлар директорлари орасида эмас, балки бевосита турларни сотадиган менежерлар орасида (турагентликлар ходимларидан) шакллантиради;

Одатда бундай турларга ўзларини кўрсата олган хамкорлар таклиф қилинадалар;

Бундай сафарлар новамсум маҳали (мавсум бошланиши олдидан) ташкил қилинади;

Тур дастурига қабул қилишнинг моддий базаси ҳамда бошқа барча асосий ва қўшимча хизматлар билан танишув киритилади;

Бундай сафарларда стандарт гурух одатда 15. 20 кишини ташкил қиласди;

Сафарнинг стандарт давомийлиги 1. хафта;

Сафар қатнашчилари фақат авиачипталаргагина пул тўлайдилар;

Таниширув сафарида қатнашган аниқ фирмалардаги сотиш натижаларини кузатиб бориш амалга оширилади.

Рағбатлантириш чоралари умумий маркетинг стратегияси ва нисбатан самарали воситаларни танлаш асосида режалаштирилди.реклама фаолияти каби сотиши рағбатлантириш тадбирлари ҳам тақвимий муддатларда амалга оширилади. Бу муддатлар ҳам миллий, ҳам ҳалқаро туризмда кейинги йилда йирик туристик воқеалар муддатлари билан мос келадиган туристик сафарларнинг фаол сотилиш даври бўлиши мумкин. Рағбатлантириш тадбирлари маълум харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли уларни амалга ошириш учун тегишли сметаларни тузишни талаб қиласди. Ажратиладиган маблағ миқдори, қўпинча, фирманинг умумий обороти ёки даромадларидан фоизлар ҳисобида аниқланади.бунда аввалги йиллар харажатларини аниқлаш критерияси бўлиши мумкин.

Сотиш тадбирларини йўлга қўйиш билан бир қаторда унинг самарадорлигини ҳам ҳисоблаб бориш лозим.бунинг учун туристлардан сўровлар усули,сотилган туристик хизматлар хажмининг ўтган йилги кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлили кабилардан фойдаланилади.

Туризми ташвиқот қилиш туристик сафарларнинг сотилишини рағбатлантириш учун сотиши рағбатлантириш тадбирлари билан бир қаторда туристик ташвиқот ҳам бўлиши мумкин ва лозим. Хозирда бу фаолиятни РК. Паблик рилейшинз ёки паблисити (), яъни, жамоат фикрини шакллантириш деб аташади.

Ташвиқот туристик фирманинг мавжуд ёки потенциял мижозлари эшлиши, кўниши ва ўқиш мумкин бўлган барча маълумот тарқатиш

воситаларида жой ва вақтнинг пул тўланадиган эмас, балки таҳририят орқали фойдаланишни ўз ичига олади. Бундан ташқари ташвиқот бу яна хизмат кўрсатиш ва туристик корхонанинг ижобий образини яратадиган оммавий тадбирларини ташкил қилиш ва унда қатнашиш ҳам демакдир.

Билиш ходисавий характеридаги маълумотларни жойлаштириш ва туристик хизматлар ва туристик обьектларга китобхонлар эътиборини жалб қилиш учун матбуот билан муносабатларни ўрнатиш ва юқори қўллаб туриш. Матбуот билан муносабатлар туризм масалаларини ёритадиган журналистларни таклиф қилиш, танланган йўналиш бўйича фирма ҳисобидан сафарлар уюштириш, матбуот конференцияларига таклиф қилиш орқали ўрнатилади.

Умумфирма коммуникацияси жамоатчиликнинг фирма хусусиятлари билан нисбатан чуқурроқ тушунишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир. бундай коммуникацияга фирманинг хайрия тадбирларида, жамоат жамғармаларида қатнашиши, шунингдек, хомийлик қилиш мисол бўла олади.

Махсулот ташвиқот маълум туристик хизмат, дастур, йўналишларни оммалаштириш бўйча турли қўринишларни бирлаштиришга қаратилган фаолиятдир. бундай ташвиқотга туризм, фирма кунларини: "Туризм ва спорт", "Туризм ва экология" каби ташвиқот компанияларини ўтказиш киради.

Лоббизм жорий фаолиятнинг расмий органлар билан келишиш лозим бўлган масалаларини хол этиш, қандайдир қонуннинг қабул қилиниши ёки унинг бекор қилинишга эришиш мақсадида қонун чиқарувчи, хукumat ва расмий мансабдорлар билан ишлаш.

Маслаҳат бериш расмий органларга туризмнинг жамиятдаги аҳамияти ва туристик фирма фаолияти масалалари бўйича тавсиялар бериш.

Маълумотга қўйиладиган талаблар. Биринчи талаб вақт омилини ҳисобга олиш. Маълумот ходисаларини огоҳлантириб туриши лозим. Ҳар ойда чиқадиган журналлар учун қандайдир ҳодиса хақидаги репортаж нашридан камида уч ой олдин тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим. Иккинчи талаб материални бериш қўриниши шу нашр эгаллайдиган жойга мос келиши керак. Айнан бир хил материал кимга мўлжалланганлигига қамраб турли қўринишларга эга бўлади.

Туристик махсулот тошвиқоти учун маълумот беришнинг асосий қўринишлари интервью ва шарҳ ҳисобланади.

Туристик тадбирлар ўз характеристига кўра турли туман бўлиши мумкин

У ёки бу спорт курорти ёки маълум мавзуга дикқатни жалб қилиш учун стенд, витриналарни ўрнатиш имконини берадиган намойиш кунлари ва хафталари (пресс конференциялар, кўргазмалар, турли намоишлар, тақдимот маросимлар вабошқалар);

Бир ёки икки хафта ичida кутилиши мумкин бўлган, қандайдир ҳодиса ёки меҳмонхоналарга эътиборни жалб қилиш учун ўтказиладиган гастрономик тадбирлар;

Совдо кунлари ва хафталари. улар туристик намоишлар муносабати билан ташкил қилинади;

Кўп сонли истеъмолчилар эътиборини жалб қилишга қаратилган йирик уюшмалар томонидан ёки йирик туроператорлар ташабуси билан ўтказиладиган конкурслар.

Спорт томоша тадбирлари чемпионатлар ўтказиш, кубокларни топшириш, мураккаб бўлмаган байрам мусобақаларини ташкил қилиш. Бундай туристик тадбирларда қатнашчиларни меҳмон қилиш амалиёти қўлланилади.

Бундай тадбирларни ташкил қилишда унинг статик ва диномик намоиш воситалари (суратлар, афишалар, витриналар, фильмлар, слайдларни кўрсатиш) билан безатилиши катта аҳамиятга эга.

Маълумот сафарлари журналистларнинг маълумот сафарлари амалиёти бутун дунёда қўлланилади. Сафардан мақсад газета ва журналларда, психологик тасири бевосита рекламага нисбатан анча кучли бўладиган мақолалар чоп этиш учун маълумот материалларини олишдан иборат. Бу тасурот нисбатан тўлиқ ва манфаатли, таннархи эса реклама харажатларига нисбатан кам бўлади.

Сафарларга журналистларнинг катта гурухини таклиф этиш мақсадга мувофиқ эмас. журналистлар одатдаги туристик гурухга қўшилиши ва йўналиш бўйича индивидуал сафарга чиқиши мумкин. Сафарларни ташкил қилишда қўйдагиларда эҳтиёт бўлиш керак:

Хаддан ортиқ тўйинтирилган дастурларни таклиф қилишдан. Дам олиш, сайр қилиш ва сотиб олиш учун бўш вақт қолдириш зарур;

Нутқларнинг айниқса, ҳорижий тиллардагиларнинг баланд парвозлигидан;

Сафарга қизиқмаган, яхши билимга эга бўлмаган ёки чиқишимли бўлмаган журналистларни таклиф қиласлик;

Вақтидан самарасиз фойдаланишдан;

Қабул қилувчи томонда таклиф, таклиф қилинган журналистлар ҳақида маълумот йўқлиги.

Матбуотда ўз фаолияти ҳақида мақола босилишини кутадиган ҳар қандай ташкилот бу мақоланинг ўқувчиларда қизиқиши уйғотишни олдиндан кўра билиш ва брошурулар, буклий ва каталоглар мавжудлиги ҳақида аввалдан қайғуриш лозим.

:

8.3. Туристик маҳсулотлар билан туристик ярмаркаларда қатнашиш.

Туристик маҳсулотни сотиш жараёнидаги асосий қўйдагилар ҳисобланади: кўргазма, ярмаркаларда қатнашиш.

Мутаҳасислар учун мўлжалланган кўргазмалар нисбатан самаралироқдир. Чунки бу нафақат ўз маҳсулотини реклама қилиш, балки битимлар тузиш, янги иш алоқаларини ўрнатиш имконини беради.

Хозирги пайитда дунёning турли мамлакатларида ўнлаб ҳалқаро туристик ярмаркалар, кўргазмалар, биржалар ўтказилади ва улар доирасида ўз фирмаси хамда маҳсулотини таништириш, шартномалар тузиш, ярги хамкорлар топиш, ташриф буюрувчилар ва журналистларнинг кенг доираси орқали маълумот тарқатиш, иш тажрибаси алмashiшининг кенг имкониятларини

берадиган семинарлар, пресс конференциялар, презентациялар ва бошқа тадбирлар ташкил қилинади.

Нисбатан йирик тадбирлар қуйидагилар ҳисобланади:

Берлиндаги туризм бўйича ҳалқаро биржа(ИТВ) ҳар йили март ойи бошларида ўтказилади; Лондиндаги бутун жаҳон туристик ярмарка ҳар йили ноябр ойининг иккинчи декадасида ўтказилади: мадриддаги ҳалқаро туризм кўргазмаси ҳар йили январ охирида ўтказилади (GITUR).

Ўзбекистонда охирги йилларда янгидан янги кўргазма ваярмаркалар пайдо бўлмоқда. 1994 йилдан бошлаб Тошкентда ҳар йили октябр охирларида Тошкент ҳалқаро туристик ярмаркаси (ТИГ) ўтказилади. Бу тадбирларнинг фарқли жиҳати туризм индустрисининг профессионал ходимларга йўналтирилганлиги вакенг матбуот доирада амалга оширилишидир. Бу каби тадбирлар қатнашчилари миллий туристик ташкилотлар ва ўзмалар, туроператор ва турагентлар, меҳмонхоналар, транспорт, суғурта, автомобиль ижараси компаниялари, маҳсуслашган нашриётлар, илмий ташлилотлар, туризм бўйича ўкув юртлари ҳисобланадилар.

Маҳсуслашган кўргазмаларда қатнашиш турмаҳсулотни ҳаракатлантириш кўринишларидан бири ҳисобланади.

Кўргазмаларда қатнашиш ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бўйича истиқболли фаолият сифатида кўриб чиқилади. Қатнашувчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўпчилиги ҳар йили ўтказиладиган бундай тадбирлар туристик корхоналарнинг мувафақиятли ишлаши учун аҳамиятли эканини билдиради.

- кўргазма тадбирлари қуйидаги белгиларига кўра классификатция қилинади:

- ўтказилиш мақсадлари бўйича(савдо ва маълумот, танишув);
- ўтказилиш частотаси бўйича (даврий, ҳар йили, мавсумий);
- экспонатлар таклифи ҳарактери бўйича (универсал, тармоқли, маҳсуслашган);

- қатнашчилар таркиби бўйича (худудий, худудларо, миллий, ҳалқаро).

Савдо кўргазмаси тадбирлари мавсумий ҳисобланиб, биржалар ҳарактерига эга (масалан, навбатдаги маҳсулот бўйича ўтказиладиган "Туринфо" биржаси, туроператорлар, турагентлар ва истеъмолчиларга турли йўналишлар бўйича ўз маҳсулотларини таклиф этадилар). Бу биржа даврий равища "Аэростор" меҳмонхонада (Москвада) ўтказилади, унда келаётган мавсум учун шакллантирилган тайёр турпакетлар таклиф қилинади. Бунда кўргазмалар, одатда, худудий ҳисобланади.

Универсал ва кўп томонли кўргазмалар мунтазам ҳарактерга эга бўлиб, ҳар йили ўтказилади ва миллий ҳамда ҳалқаро даражадаги тадбирлар ҳисобланади. Унда тармоқ корхоналари (меҳмонхоналар, транспорт компаниялари), шунингдек, Россия туризм бозоридан манбаатдор мамлакатлар вакиллари қатнашадилар.

Кўргазмаларда қатнашишдан фойда ва унга қилинадиган ҳаражатлар кўргазма учун қўйилган капиталга фойда матрицасида намоиш қилинади:

Кириш (ҳаражатлар);

Майдонлар/стендлар ижараси;
Стенд компаниясига тўловлар;
Кўргазма намуналари;
Транспартировка;
Чиптала;
Хизмат сафари харажатлари;
Меҳмонхона;
Жойлаштириш;
Вақт сарфи;
Офисда бўлмаслик;
Баҳолаш учун куч ва имконият сарфи;
Кўргазма сотуви учун маҳсус нархлар;
Тайёрлов ишлари;
Мижозларга, агентларга маълумотлар;
Ташриф буюрувчиларни таҳлил қилиш;
Матбуот маълумоти;
Чиқиш (фойда).
Харидорлар билан тўғридан-тўғри алоқа;
Бозорга йўналтирилганлик;
Катта эътиборни жалб қилиш;
Маҳсулотни намойиш қилиш;
Янги ҳамкорлар/алоқалар;
Янги агентлар/дистрибуторлар;
Мавжуд алоқаларни қўллаб қувватлаш;
Бир жой ва бир вақтнинг ўзида кўп имкониятлар;
Рақобатчиларни кузатиш;
Жамоат муносабатларининг ажойиб салоҳияти;
Маркетинг маълумотлари;
Янги маҳсулотлар;
Мавжуд маҳсулотлар модификацияси;
Бозор сегментини таҳлил қилиш;
Матбуот билан алоқалар;
Стратегик ўзгаришларни тушуниб етиш.

Матрицадан кўргазмаларнинг нима учун ўтказилиши ва фойдалилиги кўриниб турибди.

Назорат саволлари

1. Индивидуал тур деганда нимани тушунасиз?
1. Гуруҳли тур деганда нимани тушунасиз?
2. Турмаҳсулотнинг асосий истеъмол хусусиятларини санаб беринг ва уларни таснифланг.
3. Хизмат кўрсатиш класслари нима?
4. Туризм фаолиятида хизмат кўрсатиш даражасини белгилаш учун қандай класслар кулланилади? Уларни таснифлаб беринг. Асосий ва қўшимча хизматлар деганда нимани тушунасиз? Уларнинг фарқи нимада?

5. «Хизматлар пакети» тушунчасига таъриф беринг.
6. Буюртма ва инклузив-турлар устунликлари ва камчиликлари нималардан иборат?
7. «Туристик пакет» тушунчасига аниқлик киритинг ва унинг комплектацияга таъсир килувчи омилларни санаб беринг.
8. Турпакет нархи қандай аниқланади?
9. Туризмда нархни шакллантиришга таъсир килувчи омилларни санаб беринг.

Амалий топшириқ

1. Туроператорларнинг реклама эълонларини таҳлил қилинг ва улардан инклузив турларни ажратиб олинг. Ўз қарорингизни тушунтиринг.
2. Қўшимча хизматларни күшган ҳолда исталган инклузив турнинг асосий хизматлар тупламини тўзинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Х.Ахмедов, И.Ахмедов «Хизмат кўрсатиш жараёнида лойиҳалаштириш». Ўқув қўлланма / Т.: ТДИУ, 2007 й. - 216 б.
4. Малахова Н.Н., Ушаков Д.С. Инновации в туризме и сервисе. – М.: ИКЦ МарТ, Ростов н/Д: МарТ, 2008. – 224 с.
5. Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагенсткой деятельности: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.
6. Грачева О.Ю. и др. Организация туристического бизнеса: технология создания турпродукта: Учеб.-практ. пособ. – М.: Дашков и К, 2009. – 276 с.
7. Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: Учеб. пособ. – СПб.: Питер, 2008. – 384 с.
8. Кусков А.С., Джададян Ю.А. Основы туризма: Учеб. – М.: КНОРУС, 2008. – 400 с.

Интернет сайтлари:

1. www.tourism.ru
2. www.travel.ru

9-Мавзу. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида товар ва хизмат сиёсати

- 9.1. Туристик маҳсулотлар хақида тушунчаси**
- 9.2. Туризм бозорида туристик маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлар.**
- 9.3. Туристик маҳсулот сифатини такомиллаштиришда маркетинг тадбирларини амалга ошириш.**

9.1. Туристик маҳсулотлар хақида тушунчаси

Туризм соҳасида хўжалик юритиш жараёни ишлаб чиқарувчи - хизмат кўрсатувчи жараён бўлиб саналади. Туризм моддий қимматликлар яратади ва туристларга номоддий хизматлар кўрсатади. Туристларга хизмат кўрсатиши – туристик товарни сотиш ва истеъмол этилишини ташкил этиш жараёнидир. Саёҳатларга нисбатан талаб бор эканми, шундай хизматларни ишлаб чиқарувчилар ҳам пайдо бўлишади. Бу истеъмол бозорида сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин бўлган ўзига хос бўлган товар – туризмнинг пайдо бўлишига олиб келади. Туризмнинг пайдо бўлиши ўзига мос келувчи моддий – техник базанинг яратилишини; туристларга хизмат кўрсатувчи юқори малакали кадрларнинг мавжудлигини ҳамда туристик хўжалик юритувчи субъектларни мақсадли бошқаришни талаб этди.

Туризмда товар сифатида хизматлар шаклида реализацияланади. Туризм хизмати бу истеъмол қиймати инсоннинг у ёки бу эҳтиёжини қондиришида берадиган манфаатида акс этган хизматdir. Бунда хизмат жиҳоз билан, яъни товар ёрдамида кўрсатилиши ёки тирик товарнинг бевосита фаолияти давомида кўрсатилиши мумкин.

Туристлар хизматлардан ташқари туристларга мўлжалланган товарларни ҳам харид этишади. Туристик хизмат ва товарлар йиғиндиси «Туристик маҳсулот» дейилади.

Манзил ресурслари ва воситалари орқали туристик маҳсулотни яратар экан, туризм саноати туристлар ҳис қилиб синааб кўришлари учун маҳсулотлар пакетини яратади. Манзиллар турист диққатини жалб этишга уринади ва бунда ўз туристик имижига асосланади. Масалан, туристик маҳсулот яратишида Лас-Вегас ва Монте-Карло катта ютуқларга эришишган: бу икки шаҳар шаштли ўйинлар, баҳри-дилни очиш ва ҳашамати билан машҳурдир. Диснейлэнд эса, сифатли, мароқли оиласвий дам олиш тўғрисидаги тушунчалар билан уйғунашиб кетган. Диснейлэндда ўзига хос замонавий бизнес ва тадбиркорлик рухи яратилган, сифат устидан кучли назорат ўрнатилган, ҳеч бир восита ўзига яқин жойлашган бирор бир бошқа воситанинг фаолиятига халақит бермайди, ҳамма нарса ёрқин ранглар жилоси ва оригинал архитектура билан безатилган. Самарқанд ва Бухородаги туристик тадбиркорлар ўз шаҳарларининг шонли тарихи ва Буюк Ипак Йўлининг асосий манзиллари бўлганлигидан фойдаланадилар.

Манзил ичida гармоник маҳсулот яратиш масаласи қийин, бунинг устига, туристик маҳсулотни ҳудуд маҳсулотига самарали киритиш янада қийин. Бунинг учун манзил атрофидаги бутун ҳудуд кооперацияланиши зарур. Чунки,

халқаро жамият кун сайин мобиллашиб бормоқда, демак, одамларда бутун таътилни фақатгина бир жойда ўтказишнинг ҳеч қандай қизиғи қолмаяпти. Барча маҳаллий бизнесменлар ва манзиллар биргаликда худудий туристик маҳсулот яратишлари керак. Чунки, худудий гармоник маҳсулот – турли хил ўзига хос индивидуал қисмлар йиғиндицидан кўра жозибадорроқдир.

Туристик фирмаларнинг тижоратга йўналтирилганлиги сабабли туристик саноат ва сервис бизнеси юзага келади. Шунингдек, туристларга мўлжалланган товарлар ва сувенирлар ишлаб чиқарувчи маҳсус саноат тармоғи ҳам юзага келадики, уни «Туризм саноати» деб номласак ҳам бўлади. Туристик саноат бу - баҳри дилни ёзиш, ўрганиш, бизнес, соғлиқни мустаҳкамлаш, спорт ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган жойлаштириш, ташиш, овқатланиш воситалари ҳамда туроператорлик, турагентлик, экспурсия хизматларини кўрсатувчи ва гид-таржимонлар билан таъминловчи ташкилотлардир. (Туризм саноати – меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари; транспорт воситалари; умумий овқатланиш корхоналари; баҳридилни ёзиш воситалари; танишиш-иш-соғломлаштириш-спорт ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган обьектлар, туроператорлик ва турагентлик хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда экспурсия хизматларини кўрсатиб, таржимон-гидлар билан таъминловчи муассасалар йиғиндицидир).

Туризм саноати йирик моддий-техник базага эга бўлиб, аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди ҳамда халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари билан биргаликда иш юритади. Туризм саноатига кенгроқ қараганимизда, унга қўйидагича таъриф бериш мумкин: Туризм саноати ўз ичига: пассажир транспорти (хаво, сув, автомобил, темир йўл)ни унинг техник хизмат кўрсатиш тармоқлари билан биргаликда; туризм тармоғига ихтисослашган турли хил корхоналарни; туризмга ихтисослашмаган турли хил корхоналар (хусусан, машанасозлик, транспорт машинасозлиги, автомобилсозлик, ёқилғи саноати, қурилиш ва йўлсозлик, сувенирсозлик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари)ни ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш соҳасини олувчи халқ хўжалиги комплексидир. Бу хизматларга қўйидагилар киради:

- Туристларни жойлаштириш (меҳмонхоналар, мотеллар, ботеллар, флайтеллар, кемпинглар, пансионатлар, санаторийлар, туристик базалар). Туристлар ижарага олинган хусусий квартиralарда, уйларда, шунингдек, палаткаларда, тиркама-уйчаларда, яхталарда ва вагонларда ҳам жойлаштирилиши мумкин;
- Туристларни овқатлантириш (ресторанлар, ошхоналар, кафе ва барлар, кафетерий ва қаҳвахоналар ва шу кабилар);
- Туристларни бошқа жойларга ташиш (поезд, кема, автобус ва авиачартер рейслари ҳамда шу кабилар). Транспорт тизимининг ривожланиши билан туристларга узоқ жойларга етиб борища шинамлик, вақт ва нарх жиҳатида қулайликлар яратди. Турист транспорт турини танлаётганида ташриф буюраётган мамлакатининг узоқлиги, географик жойлашишига эътибор беради, шунингдек, бунда туристнинг моддий – ижтимоий аҳволи ҳам муҳим аҳамият касб этади;

- Реклама ижтимоий ахборот сифатида одамлар орасида ўзига хос алоқа воситаси шаклини олади. Бу ахборот ўзида янгилик элтиб, туристларни туристик жой билан таништиради. Бунда замонавий Internet кабилардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади;
- Туристларнинг бирор туризм тури билан шуғулланишлари учун керак бўладиган жиҳозларни ишлаб чиқариш ҳам мукаммал туристик маҳсулот ишлаб чиқаришда ўз аҳамиятини касб этади.

Туристик бизнесда таникли одамлар маркетинг тамойилларини самарали қўллаш билан ажralиб турадилар. Бу тамойиллар истеъмолчининг талабини қондириш (ташқи маркетинг) ва хизматчилар талабини қондириш (ички корпоратив маркетинг) сингари вазифаларни қамраб олади. Ҳар қандай бизнеснинг асосий мақсади – харидорни жалб қилиш ва ушлаб қолиш.

Туризм ўзининг муҳим хусусиятлари бўйича хўжалик фаолиятининг бошқа шаклларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Шунинг учун замонавий маркетингнинг ҳамма мавжуд хусусиятлари туризмда ҳам тўлиқ қўлланилиши мумкин.

Бир пайтнинг ўзида туризмни нафақат маҳсулотлар савдосидан, балки хизмат кўрсатиш савдосининг бошқа шаклларидан фарқ қилувчи хусусияти ҳам мавжуд. Бу ерда савдо ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам маҳсулот сифатида ўрин тутади (мутахассислар фикрича, туризмда хизмат кўрсатиш 75%ни, маҳсулотлар 25%ни ташкил этади), шунингдек, уларнинг ишлаб чиқаришда туристик хизмат ва маҳсулот истеъмоли муҳим аҳамият касб этади.

Мехнатнинг аниқ натижасига эга бўлган анъанавий ишлаб чиқаришда маркетинг тушунчаси аниқ мазмунга эга. Туризмда эса, фаолият натижасини туристик маҳсулот касб этади. Туристик маҳсулот - туристларнинг у ёки бу талабини қондирадиган ва улар томонидан тўланадиган ҳар қандай хизмат кўрсатиш тури хисобланади. Туристик хизматга меҳмонхона, транспорт, экспурсия, таржима, майший-коммунал, воситачилик ва бошқа хизматлар киради. Бир вақтнинг ўзида «туристик маҳсулот»ни кенг ва тор доирада кўриб чиқиш мумкин. Тор маънодаги туристик маҳсулот - бу, туристик саноатнинг аниқ йўналишда хизмат кўрсатиши – аниқ бир корхонанинг хизматларидир, кенг маънода эса, туристларга битта “пакет”да сотиладиган стандартлашган хизматлар тўплами. Хорижда стандартлашган тўпламлар ёки хизматлар пакети асосида сотиладиган туристик саёҳатлар кўп ҳолларда “пэкиж-тур” деб аталади. Булар кўплаб туристик фирмалар фаолиятининг асосий мазмуни ҳисобланади. Шуни инобатга олиш керакки, пэкиж-турларга бўлган талаб даражаси турли мамлакатларда турлича. Пэкиж-турдан асосан Белгия, Германия, Нидерландия, Буюк Британия ва Данияда фойдаланилади, уларнинг улуши барча саёҳатларнинг 38%ини ташкил қиласи. Греция, Испания, Италияда пэкиж-турга бўлган талаб даражаси паст, яъни улар 30%дан ошмайди.

Туристик маҳсулотнинг хизмат кўрсатиши умумий ўзига хос хусусияти билан бир қаторда, унинг фарқ қилувчи хусусиятлари ҳам бор.

Биринчидан, бу турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мураккаб тизими билан тавсифланувчи товар ва хизматларнинг комплексидир (моддий ва номоддий компонентлар).

Иккинчидан, туристик хизматга бўлган талаб нарх ва фойдага таққослаганда жуда ҳам эластик, лекин кўпинча ижтимоий-сиёсий шароитларга боғлиқ бўлади.

Учинчидан, истеъмолчи қоидага мувофиқ, турмаҳсулотни истеъмол қилмасдан олдин кўра олмайди, истеъмолнинг ўзи бевосита туристик хизмат ишлаб чиқарилган жойнинг ўзида амалга оширилади.

Тўртинчидан, истеъмолчи уни маҳсулотдан ва истеъмол жойидан ажратиб турадиган масофани бартараф қиласди, яъни истеъмолчи маҳсулотга қараб ҳаракатланади.

Бешинчидан, турмаҳсулот вақт ва макон каби ўзгарувчанликка боғлиқ, шунинг учун талаб ўзгарувчанлиги характерлидир.

Олтинчидан, туристик хизмат таклифи эгилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш билан фарқ қиласди. Фақат бевосита ўша жойнинг ўзида истеъмол қилиниши мумкин. Мехмонхона, аэропорт, дам олиш базалари мавсум охирида бошқа худудга кўчирилиши мумкин эмас. Улар макон ва вақт мобайнида талаб ўзгаришига мослаша олмайдилар.

Еттинчидан, туристик маҳсулотлар кўплаб корхоналарнинг фаолияти билан вужудга келади, уларнинг ҳар бири ўзининг турли хил тижорат мақсадлари, ўзига хос истеъмоли ва ишлаш усуllibарига эга.

Саккизинчи, арзимаган камчиликлар мавжудлиги туфайли ҳам юқори сифатли туристик хизматга эришиш мумкин эмас, ваҳоланки, туристларга хизмат кўрсатиш мана шу майдада қисмлардан ташкил топади.

Тўққизинчи, туристик хизмат сифатини баҳолаш муҳим субъективлиги билан ажралиб туради: истеъмол қилинган хизматлар пакетига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган шахслар истеъмолчининг берган баҳосига катта таъсир ўтказади (масалан, маҳаллий фуқаролар, туристик гурӯҳ аъзолари).

Ўнинчи, туристик хизматлар сифатига форс-мажор хусусиятига эга ташқи омиллар таъсир кўрсатади (масалан, табиий шароитлар, об-ҳаво, туризм соҳасидаги сиёsat, халқаро воқеалар ва бошқ).

9.2. Туризм бозорида туристик маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлар.

Туристик маҳсулотнинг ўзига хос бу хусусиятлари туризм маркетингига катта таъсир ўтказади. Маркетингнинг умуман ягона таърифи мавжуд эмас. Демак, жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) томонидан «турист» тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқиб, француз мутахассислари Р. Ланкар ва Р. Оллье туристик маркетингни қуйидагича изоҳлайдилар бу - «Белгиланган вазифаларни ечиш ва таҳлил қилишдаги тадқиқотлар учун ишлаб чиқилган асосий усул ва йўналишлар сериясидир». Муҳими, бу усул ва йўл-йўриқлар бир мақсадга йўналтирилган бўлиши керак, психологик ва ижтимоий омиллар нуқтаи назари билан кишилар талабини тўла қондиришга имкониятлар яратиб бериш, шунингдек, молиявий жиҳатдан туристик ташкилотлар билан фаолият олиб боришда мақсадга мувофиқ усуllibарини аниқлаш бу ерда туристик хизматдаги намоён бўлган ва яширин талабларни инобатга олиш зарур. Бу турдаги талаблар ёки дам олиш мотивлари билан (таътил, соғлиқ, ўқиш, дин ва

спорт) ёки тадбиркорлар гурухи, оила, турли хил иттифоқда тез-тез учраб турадиган мотивлар билан аниқланиши мумкин.

Маълумки туризмда асосан хизмат кўрсатилади ва унда маркетингининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Махсулот, капитал ва ишчи кучи бозорлари билан бир қаторда улар билан биргалиқда ҳаракат қилувчи кенг хизмат кўрсатиш бозори ҳам мавжуддир. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг келажаги бор ва тез ривожланувчи соҳаси ҳисобланади. Саноати ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш салмоғи ялпи ички маҳсулотнинг 70% дан ортикроқ қисмини ташкил этади. Шу билан биргалиқда хизмат кўрсатиш соҳаси билан банд бўлганлар кўпайиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг тез ривожланиши ва унинг иқтисодиётдаги аҳамияти катталигига қарамай ҳозиргача “хизмат кўрсатиш” тушунчасига умумий таъриф берилмаган. Ф. Котлер таърифида кўра “Хизмат кўрсатиш–ҳаракатлар, манфаатлар ёки қаноатлантиришлар сифатидаги сотиш обьекти”. Бу таърифдан келиб чиқадики, хизмат кўрсатиш сақлаб қўйила олмайдиган ва харидорга моддий шаклга эга бўлмаган мавхум нарса таклиф қилинади.

Хизмат кўрсатиш бозорида турли хил хизматлар муомалада бўлади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш бозори тор йўналишдаги таркибий бозорларга бўлинади. Хизмат кўрсатишга одатда қўйидагилар киритилади: транспорт, алоқа, савдо, моддий-техник таъминот, майший-коммунал хизматлар, банкомания, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия, спорт, туризм ва бошқалар.

Хизмат кўрсатишда турли хилдаги меҳнат фаолиятларининг умумий томони – моддий шаклга эга бўлмайдиган истеъмол қиймати яратилади. Шунинг учун хизмат кўрсатиш бозори бошқа бозорлардан тубдан фарқ қиласди. Бу фарқнинг иккита асосий сабаби мавжуд.

Биринчидан, хизмат унинг амалга ошгунига қадар мавжуд бўлмайди, яъни турмаҳсулот хизмат кўрсатиш жараёнида вужудга келади. Бу ҳолат икки турли хизмат кўрсатувчини, иккита рақобатчи фирмани, уларнинг хизматларини ҳаттоқи маҳсулотлари бир хил бўлиб кўринган ҳолда ҳам таққослаш имкониятини бермайди. Хизмат кўрсатиш сифати амалга оширилгандан сўнг таққослаш мумкин. Моддий товарларни эса сотиб олгунга қадар таққослаш имкониятига эгамиз. Хизмат кўрсатиш кутилган ва амалга ошгандан кейинги ҳолатини таққослаш имкониятига эгамиз, холос.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси маҳсус билим ва малака талаб этадики, харидор уни нафақат баҳолаши, ҳаттоқи тушуниши ҳам қийин. Хизмат кўрсатиш жараёнидаги мавхумлик харидорни нокулай ахволга тушириб қўйиши билан бирга ранжитиши, жаҳлини чиқариши, ишончсизликни вужудга келтириши мумкин. Шунинг учун бу соҳада харидор ҳар доим маълум бир хизмат кўрсатувчи билан бирга ишлашга интилади. Бу ҳолат хизмат кўрсатувчи учун кўпроқ фойдали бўлиб, бу шу каби алоқаларнинг тақрорланиши омилини вужудга келтиради.

Юқорида кўрсатилган жиҳатлар барча хизмат кўрсатиш бозорларига тааллуқли. Умуман, хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги хизмат кўрсатишда

талабни қондириш учун тадбиркорлик фаолиятига маҳсус ёндашишни талаб этади.

Хизмат кўрсатишнинг турли хил бўлиши билан бир қаторда уларнинг умумийлиги бор, улар тўрт хил:

1. Номоддийлик.
2. Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг узлуксизлиги.
3. Сифат ўзгарувчанлиги.
4. Сақлашнинг имконсизлиги.



9.2-чизма. Хизматларнинг умумий жиҳатлари.


Номоддийлик, хизмат кўрсатишнинг моддий эмаслиги, уни олишдан олдин намойиш этиш, синаб кўриш, ўрганиш мумкин эмаслигини билдиради. Харидорга нима сотилишини, баъзан хизмат кўрсатишни қабул қилиб олгандан кейинги ва ундан олдинги ҳолатни баҳолаш ва муҳокама қилиш жуда қийин. Шунинг учун у хизмат кўрсатувчининг сўзларига ишонишга мажбур. Бунинг натижасида истеъмолчида хизмат кўрсатувчига нисбатан албатта умид ва ишонч унсурлари мавжуд бўлади.

Бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатишнинг номоддийлиги сотувчи фаолиятини қийинлаштиради. Хизмат кўрсатувчи корхонада камида иккита муаммо пайдо бўлади. Бир томондан, мижозларга ўз маҳсулотини кўрсатиш жуда қийин, бошқа томондан, улар нима учун пул тўлаётганларини уларга тушунириб бериш янада қийинроқ. Харидорга хизмат кўрсатиш тақдим этилгандан кейингина, сотувчи унинг афзаллик томонларини ёритиб бериши мумкин, лекин хизмат кўрсатишни фақат бажарилгандан кейингина баҳолаш

мумкин. Бундан ташқари, шундай хизмат кўрсатиш турлари ҳам борки, мижозлар уни бажарилгандан кейин ҳам баҳолай олмайди (масалан, тиббиётда). Бундан маркетингда хизмат кўрсатиш тушунчаси фойда, даромад ҳисобланади, дейиш мумкин. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш истеъмолнинг узлуксизлиги муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Мижоз пайдо бўлганда ёки буортма келиб тушгандагина хизмат кўрсатишни амалга ошириш мумкин. Шу нуқтаи назардан айрим мутахассислар, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг узлуксизлиги ўзида айнан ўша омилни, яъни уларни маҳсулотларнинг моддий шаклидан фарқ қилишини намоён этади, деб ҳисоблашади.

Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро алоқалари узлуксизлиги, хизмат кўрсатишнинг кўп турлари ким таклиф қилишидан қатъий назар бир-биридан ажралмас, деб ҳисобланади. Демак, меҳмонхонада шахсларга алоҳида хизмат кўрсатишни меҳмонхона хизматчисидан, ресторандада хизмат кўрсатишни официантдан, чипта сотиш бўйича хизмат кўрсатишни кассирдан ажратиб бўлмайди.

Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан хизмат ва маҳсулот ўртасидаги фарқи 3-чизмада келтирилган.



9.3-чизма. Маҳсулот ва хизматда ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг ўзаро боғлиқлиги.

Хизмат истеъмоли ва ишлаб чиқариш жараёнига харидорни жалб қилиш, сотувчи нафақат нима ишлаб чиқариш, балки қандай ишлаб чиқариш ҳақида қайгуриши кераклигини билдиради. Асосий маънони иккинчи масала эгаллайди. Шунинг учун тўғри танлаш ва мижозлар билан шартнома тузувчи шахсларни ўқитиши, хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш ва харидорнинг у ёки бу фирмага нисбатан ишончини вужудга келтириш учун зарурдир. Бундан ташқари харидор сотувчининг хизматини ўзига хос эксперт сифатида, у кимнинг билими ва профессионал маҳоратига суюнаётганлигини тез-тез кузатиб боради. Бу маънода доим сотувчи хизмати унинг бир қисми бўлиб қолади.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол узлуксизлигининг муқаррар натижаси хизматнинг сифат ўзгарувчанлиги ҳисобланади. Хизмат сифати ким, қаерда ва қаҷон уни тақдим этишига боғлик. Масалан, бир меҳмонхонада сервис

хизматининг сифати юқори, бошқасида эса пастроқ. Мехмонхонанинг бир хизматчиси хушмуомала ва дўстона, бошқаси эса қўпол ва илтифотсиз. Ҳатто, ўша яхши хизматчи ҳам иш куни давомида хизматларни ҳар хил бажаради.

Хизматнинг ўзгарувчанлигига икки гуруҳ омиллар катта таъсир кўрсатади. Биринчи гуруҳ бевосита корхонадаги шахслар билан ишлашга боғланган. Демак, хизмат сифатининг ўзгарувчанлиги ишчилар малакаси юқори эмаслиги, уларни ўқитиш машғулотларининг сустлиги, маълумот ва муомала жиҳатларининг етишмаслиги, шахсларнинг ишлашида тегишли назоратнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчиси, хизмат ўзгарувчанлигининг муҳим негизи – харидорнинг ўзи, истеъмолчининг талаблари билан мувофиқ хизматнинг индивидуаллик даражаси юқорилиги, яъни унинг нодирлиги билан боғлиқ. Бир вақтнинг ўзида бу истеъмолчи хатти-ҳаракатини тизимли, ҳар томонлама ва пухталик билан ўрганиш зарурлигини талаб қиласди. Натижада хизмат кўрсатувчи корхонада истеъмолчилар талабини бошқариш ёки мижозлар билан ишлашда руҳий томонларини ўрганиб олишга имконият яратади.

Хизмат ўзгарувчанлигини пасайтириш учун стандартлашган хизмат кўрсатиш ишлаб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш стандарти – ҳамма ишлаб чиқилган операцияларнинг белгиланган сифат даражасини кафолатлашга чақиравчи, мижозларнинг хизмат кўрсатишдаги қоидаларини бажариш учун керакли (комплекс) хартомонлама мажбуриятдир.

Қоидаларга қунт билан риоя қилиниши йўловчилар афзал кўрадиган фирмалардан бири бўлишига олиб келади. Хизмат кўрсатишнинг асосий хусусияти сақланишга қобилиятсизлиги ҳисобланади. Хизмат кўрсатишни келажакда сотиш учун сақлаб кўйиш мумкин эмас. Агар талаб таклифдан ошиб кетса, масалан, дўконда маҳсулотни омбордан олиш каби, вазиятни ўзгаририб бўлмайди. Бошқа томондан, агар хизмат кўрсатиш қудрати уларга бўлган талабдан ошиб кетса, фойданинг йўқотилишига олиб келади. Хизмат кўрсатишнинг сақланмаслиги талаб ва таклифни тенгглаштириш бўйича маҳсус чоралар кўрилиши зарурлигини билдиради. Бу қаторга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- табақалашган нархларни ўрнатиш;
- чегирмаларни қўллаш;
- олдиндан бериладиган буюртмалар тизимини киритиш;
- хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш;
- шахслар функцияларини бирлаштириш.

Маркетинг тадқиқотлари асосида хориж авиакомпониялари томонидан талабнинг камайиш ва кўтарилиш даврлари белгиланган; кўтарилиш - 15 июндан 30 сентябргача ҳамда дам олиш кунлари кузатилган, камайиш эса бошқа даврларга тўғри келган. Бу талабнинг пасайиш давридаги саёҳатлар учун рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқишига ёрдам берди.

Чипталарга энг арzon нархлар пасайиш даврида белгиланган. Янги йил байрамларида улар ўртacha 10%га оширилади. Хафтанинг ўрталарида чипталар

дам олиш кунларига нисбатан арzonроқ. Талабни ўзгартириш учун дам олиш кунларидан бошлаб “якшанба қоидаси” амал қилади. Бунга мувофик, йўловчилар келаси душанбада имтиёзли қайтиш чиптасидан фойдаланиши мумкин. Бошқа вазиятларда улар нархнинг тўлиқ таърифи бўйича тўлашлари керак.

Хизмат кўрсатишнинг кўриб чиқилган хусусиятлари (номоддийлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол узлуксизлиги, сифат ўзгарувчанлиги, сақлашга ноқобиллиги) сотиб олиш таваккалчилигини оширади ва уни баҳолашни қийинлаштиради. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги таваккалчилик қобилияти тадқиқотларини истеъмолчиларнинг моддий шаклдаги маҳсулотларни сотиб олиш бўйича таққослаш, уларни қабул қилишдаги таваккалчилик ва хизмат кўрсатиш ўзгарувчанлигини тушуниб етишларини кўрсатади. Хизмат кўрсатувчи ташкилот бу каби таваккалчиликларга эътибор бериши ва уларни камайтириш бўйича чоралар қўриши лозим. Бу нафақат доимий мижозларнинг кўпайишига, балки қўшимча сотиб олувчиларни жалб қилишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда хизмат кўрсатиш бозорининг хусусияти, хизмат кўрсатиш хусусияти ва истеъмолчилар томонидан унинг қабул қилиниш хусусияти – соҳада маркетинг хусусиятини англатади. Хизмат кўрсатиш маркетингининг асосий вазифаси – мижозларга корхона ва унинг хизматини баҳолашга ёрдам беришдир.

9.3. Туристик маҳсулот сифатини такомиллаштиришда маркетинг тадбирларини амалга ошириш.

Ўзбекистон туристик ресурсларга бой мамлакат ҳисобланади. Лекин мамлакатимиздаги ушбу ресурсларни халқаро даражага кўтариш ва такомиллаштириш зарур бўлиб, унда маркетинг тадбирларини қўллаш талаб этилади.

Хозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқироз шароитида янги иқтисодий механизм ташкил қилиш ва қуйидаги аниқ тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

- Импортни камайтириш ва меҳмонхоналарни мижозлар учун замонавий, Халқаро андозаларга жавоб берувчи мебель ва инвентарлар билан таъминлаш. Бунинг учун мебель ва инвентарлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш;
- миллий хунармандчилик бўйича кичик корхоналар очиш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, туристлар учун кундалик зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- туристлар бўш вақтини ўтказиши учун соғломлаштириш марказлари, қўнгилочар клублар, спорт марказлари, турист парклари, казино, теннис kort майдончаларини ташкил қилиш;
- реклама (эълон қилиш) фаолиятини кенгайтириш шунга мос полиграфия базаларини, аудио, видео, нашрни маҳсулотлар сифатини яхшилаш;
- сувенир маҳсулотлари, спорт инвентарлари, маҳсус белгиси бор турист инвентарлари ишлаб чиқарувчи хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш;

- туризм иқтисодига капитал қўйилмаларни жалб қилиш учун солиқ тартиби кафолатлар тизимини ишлаб чиқиш;
- туризм соҳасидаги корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштиригш йўли билан сармояларни жалб қилиш учун қулай мухит яратиш;
- мавжуд материал – техник базани реконструкциялаш, уни Халқаро андозалар даражасига етказиш, махаллий ресурсларни туликроқ ишлатишга имкон берувчи лойихаларни молиялаштириш, туристларга хизмат кўрсатиш муаммоларини енгиллаштирувчи 100 – 150 (номерли) ўринли меҳмононалар кўриш;

Иқтисодий имтиёзларга молиялаштириш ва кредитлаш, солиқ солиши, турли хақ тўлашлардан озод қилиш каби имтиёзлар киради.

1. Кўшимча даромад солигига берилган имтиёзни хисобга олиб, уларни турхужаликдаги кўшимча хизматларга сарфлаш таклиф этилади.

2. Туризм ривожи учун ишлаб чиқариш, курилиш ва бошқа бойлик манбаларини биринчи навбатда берилишини йўлга қўйиш.

3. Курилиш учун энг кам фоизли (йилига 20%) куп муддатли кредитлар ажратиш.

4. Туризм соҳасини ер, мулк ва транспорт солигидан озод қилиш.

5. Давлат бюджети хисобидан Олий ва Халқ таълими вазирлиги ёки «Ўзбектуризм» МК қошида олий ва ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар тайёрланадиган инситутларни ташкил этиш.

6.Давлат бюджети хисобидан эълон (реклама) бўйича маркетинг тадбирлари, турмаҳсулот кўргасмаси , илмий-тадқиқот ишлари, илмий анжуманлар ўтказиш.

7.Агар туристлар турфирмалардан кўшимча хизматлар сотиб оладиган бўлса, уларга авиабилет учун 50% темир йўл чипталари учун 30 % ва автобус чипталарига 25 % чегирма бериш.

8.Фаолиятга рухсат олгандан кейин «Ўзбектуризм» корхоналари қаторида хусусий ва нодавлат корхоналарига имтиёзлар бериш.

9.Туристларга турли хизматлар кўрсатиш уйларига, профилакторий ва санаторийларга солиқ имтиёзи бериш.

10.Кетаётган туристларни виза ва божхона тўловлари хамда мамлакат ичидаги тўловлардан озод этиш.

Қуйидаги тадбирларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак:

1. Домий харакатдаги Тошкент-Самарканд, Бухоро-Тошкент турпоездини қайта тиклаш. Хафтада икки марта Саёҳат ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: жума, сешанба.

2. Дам олиш қунлари учун маршрутлар ишлаб чиқиш: Кумушкон, Чимён, Янгибод, Шохимардон, Зомин ва бошқалар.

3. Ёшлар учун маҳсус «Ёштур»лар ташкил қилиш, ёшлар стартлари, фестиваллари, концерт ва спорт тадбирлари уюштириш.

4. Алоҳида қизикишга эга бўлган ва ишчи ахолига фойдали касаба уюшмалари турларини ташкил этиш.

5. Ёзги мавсум ва меҳнаткашларнинг таътилини хисобга олиб, дам олиш ва даъволаш дастурини ишлаб чиқиш лозим.
6. Республика «Таълимий меҳнат» марказини очиш, ўқитиши, малака ошириши, янги услублар ва бошқалар.
7. Ўзбекистон бўйлаб Ўзбекистон диний қўмитаси ёрдамида диний тур ташкил этиш.
8. Спорт туризмига қизиқувчилар учун спорт қўмитаси ёрдамида «спорт-тур» уюштириш.
9. Мутахасислар орасидан тур- операторлар кенгашини тузиш ва ойда 2 марта ички ва халқаро туризмнинг муоммоларини хал қилиш.
10. Республика ичида зарур минтақавий бундай ташкилотлар тузиш керак.
11. Йирик шаҳарларда барча фирмаларнинг турмаҳсулотларини сотадиган марказлаштирилган турфирмалар тузиш.
12. 10-12 шаҳарда ўзбек, рус ва инглиз тилларида хизмат кўрсатадиган экскурсия бюроларини ташкиллаштириш.
13. Ўқитиши, ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи маҳсус турташкилотлар тузиш.

Туристик хизмат маркетинги турли хизмат кўрсатиши ташкил қилишдан уларни бозорда сотишгача бўлган жараённи ўз ичига олади: талабдаги хизматни яратиш, эълон, тарқатиш, сотиш ва фойдаланиш. Маркетингнинг кўп босқичлари мутахасислар томонидан кам ўрганилган. Биз маркетинг-турист хизматларни такомиллаштиришнинг қуидаги чора-тадбирларини таклиф этамиз:

- хукumatлараро ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этиш;
- туризм тизимиning кўринишини такомиллаштириш, туризмнинг мавсумий таҳсиланишини яхшилаш, Саёҳат журафиясини кенгайтириш;
- туристик-экскурсия хизмати кўрсатиш тури ва сифатини ривожлантириш;
- қўшимча хизматлар ассортиментини кўпайтириш ва яхшилаш: жаҳон андозасига мувофиқ туристик обьектларини тавсифлаш, талабга кўра нарх белгилашни йулга қўйиш;
- майший хизмат ва алоқа воситаларини яхшилаш; ташкилотларнинг реклама-ахборотини ривожлантириш ва туристик тармоқса хизмат кўрсатиш;
- кадрлар тузиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ходимларнинг чет элда, чет эл ўкув юртлари ва фирмаларида амалиёт ўташини таъминлаш;
- туризмнинг тарихий-маданий ва ривожланиш потенциалини ўрганиш, уни химоя қилиш, қайта тиклаш, тарғибот ва фойдаланишни йўлга қўйиш;
- Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада турмаҳсулотни сотиш ва эълон қилиш.

Маркетинг тадбирларини ўтказиш минг хорижий ва минг махаллий туристлар тармоғини юзага келтиради, миллион доллар валюта, 2 мингга яқин жаҳон андозасидаги (3-4 юлдузли) меҳмонхонадаги ўрин, туризм соҳасидаги ташкилотларнинг яхши молиявий холати, корхона, фирма, компаниялар сонини ошириш орқали рақобатли мухит барпо қилиш каби натижаларни беради.

Тарихий ва меъморчилик ёдгорликларни таъмирлаш, қайта тиклашни молиялаштириш турли манбалар орқали амалга оширилади. Давлат бюджети ва махаллий корхоналар кўпинча асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Туризмдан келадиган валюта тушумини хисоблаш ваундан фойдаланиш механизмини тузиш (нодавлат ташкилотларни хам ғўшган холда), хорижий туристларнинг валюта алмаштириш учун нормал шароит яратиш зарурдир.

Халқаро туристларнинг талабини баҳолаш кўпгина мамлакатларда қўйидагича ифодаланади:

- бир кунлик туриш баҳоси 50 АҚШ долларидан ошмаган ўртача меҳмонхоналар ёки хусусий уйларда жойлашиш;
- тоза, қулай ва шинам хоналарда ухлаш, тоза ванналарда чўмилиш;
- туристик обьектларнинг гўзаллигидан баҳра олиш;
- халқларнинг тарихи, архитектураси, маданият ва санъатини ўрганиш;
- фаол хордик олиш-конькида учиш, балиқ ови, отда сайр қилиш ва х.к.;
- мамлакатда ишлаб чиқилган, миллий ва халқ истеъмоли молларини ҳарид қилиш;
- театр, бар ва клубларга бориб, дам олишни қўнгилли ўтказиш;
- ўз хавфсизлигини сезган холда қўркмай сайёҳат қилиш;
- хамма жойда туристларни табассум билан кутиб олиш ва яхши хизмат кўрсатиш;
- миллий таомлар ва ичимликлар истеъмол қилиш;

Бу нормативлар барча туристлар учун таалуқлидир ва улар келган кундан бошлаб амалга ошириш керак. Тарихий, архитектура ёдгорликлари ва музейлар, кўргазмалар халқаро жихозлаш шаклига мувофиқ келиши керак. Мамлакатимиздаги туристик обьектлар қўйидаги нормаларга жавоб бериш мухимдир:

- номлар асосий тилларда (ўзбек, рус, инглиз, француз) ёзилган бўлиши;
- туристларга кўрсатадиган даражада яхши холатда бўлиши, яъни таъминланган, тоза, хуш ёқадиган бўлиши;
- бошланишидан охиригача бўлимлар бўйича кўрсатмаларнинг мавжудлиги;
- туристларга кўрсатиш обьектлари хақида таъсирили ва ишончли маълумотлар бериш;
- хавфсиз харакат учун йўлкаларнинг мавжудлиги;
- исталган об-хаво шароитида томоша қилса бўлаверадиган холат(ёмғирдан ҳимоя ўтиш шароит);
- малакали инструктор, гид ва экскурсоводлар хизмати;
- обьектларга бориш учун қиммат бўлмаган нархлар ва арzon сувенирлар.

Назорат саволлари

1. Индивидуал тур деганда нимани тушунасиз?
10. Гурухли тур деганда нимани тушунасиз?
11. Турмаҳсулотнинг асосий истеъмол хусусиятларини санаб беринг ва уларни таснифланг.
12. Хизмат кўрсатиш класслари нима?

13. Туризм фаолиятида хизмат кўрсатиши даражасини белгилаш учун қандай класслар кулланилади? Уларни таснифлаб беринг. Асосий ва қўшимча хизматлар деганда нимани тушунасиз? Уларнинг фарқи нимада?
14. «Хизматлар пакети» тушунчасига таъриф беринг.
15. Буюртма ва инклузив-турлар устунликлари ва камчиликлари нималардан иборат?
16. «Туристик пакет» тушунчасига аниқлик киритинг ва унинг комплектацияга таъсир килувчи омилларни санаб беринг.
17. Турпакет нархи қандай аниқланади?
18. Туризмда нархни шакллантиришга таъсир килувчи омилларни санаб беринг.

Амалий топширик

1. Туроператорларнинг реклама эълонларини таҳлил қилинг ва улардан инклузив турларни ажратиб олинг. Ўз қарорингизни тушунтиринг.
2. Қўшимча хизматларни күшган ҳолда исталган инклузив турнинг асосий хизматлар тупламини тўзинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Х.Ахмедов, И.Ахмедов «Хизмат кўрсатиши жараёнида лойиҳалаштириш». Ўқув қўлланма / Т.: ТДИУ, 2007 й. - 216 б.
4. Малахова Н.Н., Ушаков Д.С. Инновации в туризме и сервисе. – М.: ИКЦ МарТ, Ростов н/Д: МарТ, 2008. – 224 с.
5. Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагенской деятельности: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.
6. Грачева О.Ю. и др. Организация туристического бизнеса: технология создания турпродукта: Учеб.-практ. пособ. – М.: Дашков и К, 2009. – 276 с.
7. Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: Учеб. пособ. – СПб.: Питер, 2008. – 384 с.
8. Кусков А.С., Джалаадян Ю.А. Основы туризма: Учеб. – М.: КНОРУС, 2008. – 400 с.

Интернет сайтлари:

1. www.tourism.ru
2. www.travel.ru

10–мавзу. Туризм бозори кенглиги ва талабни башорат қилиш

10.1. Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар

10.2. Бозор потенциали (салохияти) тушунчаси

10.3. Бозорни башорат қилиш услуги ва талабни ўрганиш

10.1. Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар

Маркетинг тадқиқоти ҳар бир ташкилот ва корхона учун амалдаги ва истакдаги бозорларда фаолият юритиш қай даражада кетишини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан энг аввало бозор кенглиги, унинг ўзгаришига таъсир қўлувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Булар ичida талаб ҳажмининг ўзгариши, сафдош ва тўлдирувчи товарлар таркибидаги силжишлар асосий ўринни эгаллайди. Хусусан талабнинг жорий миқдорини баҳолаш, келгусидаги унинг ўзгаришини сеза билиш ва башорат қилиш, бу ўринда бозорнинг кенглигини ифодаловчи муҳим белгилардир.

Бозор кенглиги ва талабни миқдорий баҳолаш, ўлчаш масаласига бир мунча кенг маънода ёндашиш лозим. Чунки бозор ва ундаги талабни бир-бирига боғлиқ бўлган уч ўлчамли кўламда тасаввур эта олиш керак. Миқёсий ўлчамда бозорни жаҳон, мамлакат, вилоят, шаҳар, аҳоли пункти кўламига ажратиш мумкин. Муддатли кўламда эса қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга бўлиш, барча учун маълум бўлган белгидир. Маҳсулот қўламида эса, уни барча маҳсулотлар бозорида, тармок, корхона асоортименти миқёсида, муайян маҳсулот тури, шакли, номи сифатида тасаввур эта олиш лозим.

Ми=ёсий кылам даражасида	Жащон			
	Мамлакат			
	Вилоят			
	Туман			
	Ашоли пункти			
Машсулот кылами даражаси	Барча махсулотлар			
	Тармо= ассортименти			
	Машсулот гуруши			
	Машсулот шакли			
	Машсулот номи			
+ис=а муддат		Ырта муддат	Узо= муддат	

Муддатли кўлам даражаси

10.1.-расм. Бозор кенглигининг уч ўлчовли даражаси

Ф.Котлер ва Ф.Блиммелъ бозор кенглигини ва талабни аниқлаш даражаларини айнан шундай талқин этишни ва шу йўналишда иш юритишни тавсия этганлар. Бунда бозор кенглиги ўзига хос бўлган 90 турдаги муқобил талаб ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ. Ушбу юқоридаги фикримизни тасаввур қилишни осонлаштириш мақсадида юқоридаги расмни келтирамиз.

Расмдан қўриниб турибдики, бозор кенглигини ифодалаш бир неча ўлчам даражасига эга бўлиб, уни ифодаловчи талаб ҳажми барча даражада ўзгарувчан кўрсаткич ҳисобланади. Масалан, 80-йилларда жаҳон нефть бўйича нефть маҳсулотлари бозорида нархларнинг пасайишини олайлик. Нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар миқёсида уни ишлаб чиқариш, ташқи бозорга чиқариш ҳажмлари қисқа муддат ичida қисқара борса, у ўрта ва узоқ вақт мобайнида унга бўлган талаб орта борди. Барча маҳсулотлар бозорида қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкин деган табиий савол туғилади.

Нефть маҳсулотлари нархларининг ортиши, мамлакат миқёсида транспорт харажатларининг ортиши, барча товарлар таннархининг ортишига

олиб келади. Бу билан айрим товарларга бўлган талаб пасаяди. Юқори қувватли, кўп ёқилғи талаб қиласидиган енгил автомобилларга бўлган талаб пасая боради. Демак, бозор кенглигида ва талаб ҳажмида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади.

Кўпгина ҳолларда бозор кенглиги тушунчаси потенциал бозор, эриша олинадиган бозор, амалдаги (истақдаги) бозор, кириб борилаётган бозор каби тушунчалар мажмууда қандай ўрин эгаллаши тўғрисида янглишмовчиликлар рўй беради. Ушбу тушунчалар бир-бирига боғлиқ бўлиши билан бирга, улар ўртасида тафовутлар ҳам мавжуд.

Бозор маҳсулотларнинг мавжуд ва вужудга келиши мумкин бўлган харидорлардан иборат эканлигини назарда тутсак, у ҳолда харидорлар иштиёқи, харид қуввати, бозордаги таклиф даражаси бевосита бозор кенглигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Юқорида ифодалангая бозор кенглигининг меъёрий кўрсаткичларини қуидаги мисол асосида изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Кичик ҳажмдаги ентил автомобилнинг сотувини олайлик. Масаланинг аниқлигини ошириш мақсадида фақат хусусий харидорлар бозорини олиб кўрамиз. Енгил автомобилни олишга иштиёқманд ёки унга қизиқувчан харидорлар фикри ўрганилганда, барча харидорларнинг 15% уни олишга эҳтиёжлари борлигини билдирадилар. Бу харидорлар кўлами енгил автомобиль чиқарувчи завод учун потенциал бозор ҳисобланади.


Лекин, бу ҳали бозор кенглигини ифодаловчи меъёрий белги эмас. Чунки, харидорнинг харид қуввати бу кўламда ўз ифодасини топгани йўқ. Шу сабабдан, кичик ҳажмдаги енгил автомобилни сотиб олишга қодир харидорлик қуввати соҳиблари эриша оладиган бозор (рус. доступный рунок) меъёрини ташкил этади. Фараз қиласи, у потенциал бозорнинг 20% ташкил қиласин. Бу миқдор бевосита енгил автомобилни бошқариш ҳуқуқига эга, унинг асосий юриш хусусиятларини билган, харид қувватига эга бўлган харидорлар эриша олалиган бозорнинг сифат миқдорини ифсалайди. Чунки, автомобиль сотиб олиш, уни бошқариш ва маҳоратли бошқариш тушунчалари ўртасида ҳам сезиларли фарқ бор.

Демак, эриша олинадиган бозорнинг сифат жиҳатдан ўга қувватли даражаси амалдаги ёки булмаса, ишланаётган, истақдаги бозор меъёрини ташкил қиласи. Бизнинг мисолимизда у эриша оладиган бозорник 50% ташкил қиласин. Ушбу истақдаги бозор ҳали енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи завод учун тўғридан-тўғри "асл" (чин) харидорларини ифодаламайди. Чунки, харидор ушбу автомобилни сотиб олишга, бошқаришга қодир булса ҳам уни ҳозирча сотиб олмаслиги мумкин. Масалан, унинг эски автомобили ҳозирча хизмат қилиб турибди, уй ва оила шароити тўла жиҳатдан автомобилни сотиб олишга тайёр эмас ва шунга ўхшаш сабаблар туфайли.

Бевосита ушбу автомобиль маркасини ҳозирда сотиб олаётган харидорлар кўлами — завод учун кириб борилаётган бозор меъёрини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳозироқ ушбу енгил ҳажмдаги автомобилни сотиб олаётган харидорлар кўлами — кириб борилаётган бозор меъёрини англатади. Биз

изоҳлаётган мисолга қўра кириб борилаётгай бозор истакдаги бозорнинг 60% ташкил қилсин.

Демак, юқорида ифодаланган бозор кенглигини тавсифловчи меъёрлар, кўрсаткичлар турлича талаб ҳажмига ва харидорлар кўламига эга бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи ва аниқловчи сифатида тушунилмоғи лозим. Юқорида келтирилган мисолимизни миқдорий жихатдан таҳлил қилиб қўриб уни диаграмма шаклида қуидагича ифодаласак бўлади.



10.2-расм. Бозор кенглигини ифодаловчи меъёрий белгилар (кўрсаткичлар келтирилган мисол аосида)

Юқорида келтирилган расмда бозор кенглигининг меъёрий белгилари бир-бирига кетма-кет боғланган ҳолда тасвирланган. Ушбу тасвирни янада такомиллаштириш мумкин. Жумладан, потенциал бозор меъёри 100% деб қабул қилиниб, ундан кейинги меъёрлар бевосита потенциал бозордаги улушга нисбатан ҳисобланади. Бунда сўнгти кириб борилаётган бозор улуши потенциал бозорга нисбатан анча кичик улушни эгаллайди.

10.2. Бозор потенциали (салоҳияти) тушунчаси

Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш ўз олдига компаниялар, фирма (корхона) товарларини самарали сотиш имконини, унинг кенгайиши учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб қўёди. Бу мақсадни амалга ошириш учун чукур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чиқадиган товарларнинг бозор ва истеъмолчиларнинг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Бу нарса фирманинг юқори рентабеллиги, рақобатга бардошл фаолияти асосида амалга ошиши керак.

Энди бозор салоҳиятининг (потенциалининг) моҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар хусусида тўхталиб ўтамиз. Махсулотга бўлган умумий талаб хусусияти талабнинг ўзгариши ва талаб ҳажмининг ўзгариши сингари, бозорнинг кенглиги ва ундаги харидорлар иштиёқига боғлиқ бўлади. Бозор талаби функцияси ёки бозор раъи ўзгариши (харидорлар иштиёқларининг ўзгариши) воситасида ялпи талаб миқдори тебраниб туради. Ялпи талаб миқдори ўз навбатида мамлакат, вилоят, тармоқ каби кўламларда, турлича давр мобайнида ўзига хос ўзгариш суръатларига эга бўлади. Демак, ялпи талаб

ўзининг юқори ва қуи чегараларига эга бўлади. Жами талабнинг юқори чегарасини ифодаловчи миқдор бевосита бозор салоҳиятини акс эттиради.

У холда бозор салоҳияти ялпи талаб миқдорини акс эттирадиган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бозор салоҳияти айрим адабиётларда бозор сифими тушунчаси билан тенглаштирилади. Лекин, кўпгина хорижий адабиётларда салоҳият тушунчаси ялпи талабни миқдорий кўрсаткичи сифатидагина қаралади.

Бозорда доимий фаолият кўрсатаётган фирмалар ўзларига мос келувчи талаб миқдорига эгалар. Фирма маҳсулотига бўлган талаб миқдори, ялпи талабнинг функцияси сифатида бозорда муайян фирманинг мумкин бўлган аа амалдаги улушкини ифодалайди. У холда фирма ўз маҳсулотларига талаб функцияси ва фирманинг иштиёклари функцияси сифатида бозордаги ялпи талаб хам ўзгариб туради. Масалан, кичик ҳажмли енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи заводнинг бозор салоҳияти йилига 50 минг автомобиль деб фараз қиласлик. Заводнинг айнан шу маркадаги автомобилларига талаб 20 минг дона дейлик. Лекин, завод ўз имконияти, маркетинг мухити, айирбошлиш режасига кўра ўзига гегишли бўлган харидорларнинг 12 мингига ҳар йили автомобиль сотишни режалаштирган. Бозордаги ялпи талаб, корхона маҳсулотларига талаб ва корхона ишгиёқидаги талаб кўрсаткичлари мос равища, юқорида келтирилган миқдорларни ташкил этади.

Энди бевосита корхона миқёсила сотиш миқдори масаласига ёндошсак, у холда юқоридаги мантиқий фикрлашга кўра, сотиш миқдори мос равища оборот квотаси ва оборот бюджети каби тушунчаларга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, корхона ва ташкилотлар олдида талабни олдиндан кўра билиш, башорат қилиш зарур бўлади. Корхона бозоридаги улушкини камайтирмаслик учун талаб ҳажми ва таркибининг турли даврларда ўзгаришини назорат қилиб бориш зарур бўлади.

10.3. Бозорни башорат қилиш услуби ва талабни ўрганиш

Бозор башорати — бу белгиланган услубиёт доирасида, ҳақиқий ахборот асосида, уни эҳтимол бўлган хатоларини баҳолаши билан бажарилган талаб, товар таклифи ва, нархлар ривожланиши истиқболларини илмий асосда олдиндан кўра билишидир.

Бозор башорати унинг ривожланиш қонунлари ва йўналишларини, бу ривожланишни белгиловчи асосий омилларни ҳисобга олиш, башорат қилиш маълумотлари ва натижаларини баҳолашда объективлик ва илмий софдилликка амал қилишга асосланади.

Бозор башоратини ишлаб чиқиши кетма-кетлигини қуидагича тасвирилаш мумкин.



10.3.-расм. Башорат қилиш жараёни босқичлари

Башорат қилиш обьектини белгилаш — илмий кўра билишнинг муҳим босқичи. Масалан, амалиётда қўпинча сотиш ва талаб, етказиб бериш ва товар таклифи, бозор нархлари ва сотиш нархлари тушунчалари бир-бирларига ўхшатилади. Айникса, қўпчилик ҳолларда талаб ҳақидаги маълумотлар чакана ёки улгуржи товар обороти ҳақидаги маълумотлар билан, баъзида эса, хатто-товар етказиб беришга йиғма буюртмалар билан алмаштирилади. Баъзида талаб эҳтиёж билан, баъзида аҳоли товар харид қилиш учун сарфлашга тайёр пул миқдорига тенглаштирилади.

Айрим шароитларда бундай алмашувлар мумкин бўлади, аммо тегишли эслатмалар ва башорат натижаларини кейинчалик тўғрилаш лозим. Бунинг учун, аввало башорат қилиш асосида кандай (нима ҳақида?) ахборот ётганлигини аниқлаш ғоят муҳим. Башорат қилиш услубини танлаш башорат мақсади, ўтказиш даври, унинг деталлаштириш натижаси ва дастлабки (асос бўладиган) ахборотларнинг мавжудлигига bogлиқ. Агар товарларни эҳтимол бўлган сотилиш башорати чакана савдо тармоғи ривожланиши истиқболларини аниқлаш учун қилинса, унда башорат қилишнинг қўполроқ баҳолаш услублари қўлланиши мумкин. Агар аниқ товарларни яқин ойлар ичida харид қилинишини асослаш учун бажарилса, унда аникроқ, услублар ишлатилади. Агар кейинги бир неча йилдаги талаб ҳақида маълумотлар, талабни шакллантирувчи омилларнинг ўзгаришини таърифловчи материаллар мавжуд бўлса, унда башорат қилишнинг энг ишончли услубларини қўллаш мумкин. Агарда асос қилинган ахборот етарли даражада ишончли бўлмаса ёки унинг динамик қатори тўлиқ, бўлмаса. унда уни башорат қилиш услублари хам ишончсизроқ бўлади. Башорат қилиш услублари хусусида бир мунча кейинроқ тўхталамиз.

Башоратни ишлаб чиқариш хараёни, қўлда ёхи ЭҲМдан фойдаланган ҳолда, ҳисоблаш натижаларини сифатли, малакали даражада кейинчалик тўғрилаш билан бажарилган ҳисоб-китоблардан иборат.

Башоратнинг аниқлигии баҳолаш уни эҳтимол бўлган хато-ларни ҳисоблаш йўли билан бажарилади. Бунинг учун башорат натижалари амалда ҳамма вақт оралиқ кўринишда ўтказилади. Тайинли муддат келгандан сўнг янги башорат қилиш учун янги, қўшимча маълумотлар ишлатилади. Кўпинча об-ҳаво башорати, бу уринда биз учун ёрқин мисол бўла олади. Чунки барча айтилаётган башорат эҳтимолнинг содир бўлишида юқори даражадаги кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда айтилади. Фавқулодда ва кутилмаган ҳолатлар эҳтимоли эса бир мунча назардан четда қолади. Бозор башорати бир мунча белгилар билан таърифланади. Муддатли жабҳада башорат қўйидагиларга ажратилади: қисқа муддатли башоратлар (бир неча кундан 1 йилгача); ўртача муддатли башоратлар (2 йилдан 5 йилгача); узок муддатли башоратлар (7 йилгача). Табиийки улар нафақат вактдан ўзиш даври билан

фарқланмасдан, деталлаштириш даражаси ва башорат қилишда кўлланилган услублар билан ҳам фарқланади.

Товар белгиси бўйича бозор учун қуидаги башоратлар қилинади: аниқ товар тури, товар гурӯҳи, товарлар комплекси, барча товарлар учун.

Худудий белги бўйича бозор учун қуидаги башоратлар қилинади: аниқ истеъмолчилар, маъмурий туманлар, йирик худудлар, мамлакат учун, бутун дунё учун.

Башорат қилиш учун кўлланиладиган услублар кўп бўлиб улардан, динамик қатор экстрополяцияси, динамик қатор интерполяцияси, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, таркибий моделлаштириш ва бошқа иқтисодий-статистик услублар кенг кўлланилади.

Башорат қилишнинг экстрополяция услуби — бу ўтган даврда аниқланган қонуниятлар ва йўналишлар хусусиятларини аниқлаб, келгуси давр учун улардан фойдаланиш демакдир. Экстрополяция турли муддатларда вужудга келган силжишлар, ўзгаришларни динамик қаторнинг асосий белгиси сифатида ифодалайди.

Масалан, товарга бўлган талаб, таклиф ва нархлар—хусусида етарли даражада катта муддатда динамик қатор мавжуд бўлса, унда келгуси давр учун ушбу боғлиқликни "вақт хизмати" деб белгилаб давом эттириш мумкин.

Куидаги расмда келтирилган вазиятни изоҳлаб ўтайлик. 5 йил давомида А товарга бўлган бозор талаби 1000 ва 1200 бирлик миқдорда бўлсин. Бу ерда 0 нуқта жорий йил ҳисобини англатади. Келгуси 3 йил учун ўтган 5 йиллик маълумотлар асосида талабнинг ўсиш (ёки пасайиши) суръатлари белгиланади. Башорат бўйича расмдаги энг юқори ва қуий чизикларни турли вариантларда аниқланган бозор талабининг ўзгариши деб фараз қиласлик. У ҳолда ушбу эгри чизиклар ўртасидаги фарқ башоратда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато эканлигини англатади.



Интерполяция услуби хам талабни аниклашда қўлланилиши мумкин. Ушбу услубнинг моҳияти шундан иборатки, у динамика қаторда етишмовчи оралиқ аъзоларини топишга асосланади. Масалан, бирон товарнинг y_m ва y_n оралиғидаги микдорлари маълум. Лекин m ва n оралиғида жойлашган L йилдаги талаб ҳажмини топиш лозим бўлади.

Умуман олганда, экстрополяция услуби, тадқиқотларда тез аниклаш имконини берса ҳам, лекин у келгусидаги бўладиган ўзгаришларни инобатга олиш имконига эга эмас. Шу жиҳатдан, кўпгина олимлар ушбу услубни ўта асосланган башорат қилиш услуби сифатида эътироф этмайдилар. Бизнинг фикримизча, экстрополяция услуби тегишли қонуниятлар асосланган вазиятларда ва талабнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар нисбатан мутлоқ хусусиятларга эга бўлганда, уни қўллаш етарли даражада яхши натижалар бериши мумкин.

Масалан, талаб, таклиф ва нархларнинг ўзгарувчанлиги (эластиック) коэффициентидан фойдаланиб қилинадиган башорат маълумотларини бир неча варианtlарда ишлаб чиқиш. Бунда талабнинг нархга нисбатан, нархи таклифга нисбатан ўзгарувчанлигини жорий ва ўтган даврларда ҳисобга олиб, келгусида бу боғлиқликлар турлича бўлгандағи вазиятлари ҳисоблаб топилади.

Натижада барча инобатга олинадиган омилларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган ҳисоблар тизими комплексларни ташкил қиласи ва у тизими ёндошишни талаб қиласи. Масалан, ахолининг уй-рўзғор мебелларига бўлган талаби унинг даромади, ёши, оилавий ҳолати, касби, истеъмол даражаси каби омилларга боғлиқ. Шу билан бир қаторда истеъмолчининг касби, даромадлари ёшга ҳам кўпроқ, боғлиқ. Демак, ушбу икки омилнинг ўзгариши ҳам ёшнинг воситали таъсирини инобатга олади.

Кўплаб омилларнинг талабга бир вақтдаги таъсирини, уларнинг серқирра таъсирчанлигини ҳисобга олишда иқтисодий-математик услублар қўл келади. Иқтисодий-математик услублар куп омилли регрессив тенгламалардан иборат булиб, асосий кўрсаткичнинг турли омиллар таъсирида ўзгаришини ва боғлиқлиги ифодалайди.

Иқтисодий-математик услублар қаторига чизиқли, квадрат, даражали, логарифмик ва бошқа турдаги тенгламалар тизими кириб, улар омиллар ҳисобини ва таъсирини ҳисоблашда қўлланилади. Бундай турдаги тенгламаларни тузиб чиқиш, унинг воситасида башорат қилиш ва бир йўла уни асослаб бериш бир мунча мураккабдир.

Таркибий моделлаштириш эса башорат қилишда бир-бирига боғлиқ бўлган товарлар кўламида кўпроқ, қўлланилади. Ушбу моделларкинг асосий белгаси бу талабга таъсир этувчи белгилар муайян гурухларга ажратилган ҳолда статистик жадвалда акс эттирилишидир. Масалан, асосий А маҳсулотни яратишда қатнашадиган A_1 , A_2 , $A_3 \dots A_n$ каби бутловчи ёки хом ашёларнинг келтирилиши учун зарурый вақт ҳисоби ва x . \cdot k

Талабни башорат қилишда оммавий хизмат кўрсатиш моделлари ҳам кенг қўлланилади. Ушбу моделларнинг моҳияти шундан иборатки, истеъмол ёки хизматдан фойдаланувчи вақт бирлигига бир неча шаҳобчага мурожат қилиши ва уларнинг хизматидан кам вақт сарфлаб ўз эҳтиёжини қондириши лозим. Масалан, А фирма йирик шаҳарда узига қарашли савдо шаҳобчаларини барпо этмоқчи. У ўз шаҳобчаларини кенг ва кўп микдорда ташкил этолмайди. Лекин, у истеъмолчилар учун кам навбатда туриш талаб қиласидиган шаҳобчалар тизимини тузишдан аввал, истеъмолчилардан тушадиган буюртмалар, уларнинг жадаллигини ҳисобга олиши лозим. Айнан шундай тарздаги масалаларни ҳал қилишда ва хизмат турларига бўлган талабни башорат қилишда оммавий хизмат кўрсатиш моделлари кўп қўлланилади.

Айрим турдаги товарларга бўлган талабнинг бозордаги ҳолати хусусида етарлича ахборот бўлмаган ҳолларда ҳамда янги товарлар бозорида талабнинг шаклланишини башорат қилишда эксперт услуги қўлланилади. Ушбу услугнинг моҳияти шундан иборатки, эксперталар бозорнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида ўзларининг шахсий тажрибалари (ҳисоб-китоблари), муаммони кўра билиш қўнималарига асосланиб мулоҳазаларини айтадилар ва бу маълумотлар умумлаштирилади. Бу борада янги товарга бўлган талабни башорат қилишда унинг сифат белгилари бўйича (истеъмол хусусияти, қадоқланиши, нархи ва x . \cdot k) мутахассислар фикри ўрганилиши лозим.

Қисқача хulosалар

Бозор башорати — бу белгиланган услубиёт доирасида, ҳақиқий ахборот асосида, уни эҳтимол бўлган хатоларини баҳолаш билан бажарилган талаб, товар таклифи ва, нархлар ривожланиши истиқболларини илмий асосда олдиндан кўра билишдир.

Бозор башорати унинг ривожланиш қонунлари ва йўналишларини, бу ривожланиши белгиловчи асосий омилларни ҳисобга олиш, башорат қилиш

маълумотлари ва натижаларини баҳолашда объективлик ва илмий софдилликка амал қилишга асосланади.

Башорат қилиш обьектини белгилаш — илмий кўра билишнинг муҳим босқичи. Масалан, амалиётда кўпинча сотиш ва талаб, етказиб бериш ва товар таклифи, бозор нархлари ва сотиш нархлари тушунчалари бир-бирларига ўхшатилади. Айникса, кўпчилик ҳолларда талаб ҳақидаги маълумотлар чакана ёки улгуржи товар обороти ҳақидаги маълумотлар билан, баъзида эса, хатто-товар етказиб беришга йиғма буюртмалар билан алмаштирилади. Баъзида талаб эҳтиёж билан, баъзида аҳоли товар харид қилиш учун сарфлашга тайёр пул миқдорига тенглаштирилади.

Назорат учун саволлар

1. Бозор кенглигига қандай ўлчов мезонлари асосида қаралмоғи лозим?
2. Потенциал, эриша оладиган, амалдаги, кириб борилаётган бозорларнинг бир-биридан фарқланишини мисоллар асосида изоҳланг.
3. Бозор салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар нималардан иборат?
4. Нима учун бозор талаби башорати фирма фаолияти учун зарурий ўлчов бирлиги ҳисобланади?
5. Бозор башоратлари қандай жабҳаларда амалга оширилади ва уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
6. Эstrapоляция услугидан фойдаланиш хусусиятларини мисоллар асосида изоҳланг.
7. Интерполация услугининг узига хос жиҳатларини мисоллар асосида изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Гофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Қосимова М.С.,Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
4. Кочарян Е.С. Маркетинговые исследования. Конспект лекций. М.: Приор - издат, 2005 -112 с.
5. Просветов Г.И. Маркетинговые исследования: задачи и решения: Учебно.прак.пос.- М.: Альфа - Пресс, 2008 - 240с.
6. Данченок Л. Маркетинговое ценообразование: политика, методы, практика - М.: Эксмо, 2006.- 464с.
7. Лукина А.В.Маркетинг товаров и услуг: учеб.пос. - М.:ФОРУМ,2008.-240с.
8. Зозулов А.В., С.А.Солнцев. Маркетинговые исследования. Теория. Методология. Статистика. учеб.пос.- М.: Рыбари К.: Знания, 2008 – 643 с.

Интернет сайтлари:

- 1.www. dis. ru. Маркетинг журнал в России и зарубежом.
- 2.www.4p.com.ua
- 3.www.bci-marketing.aha.ru

Атамалар луғати

Бозор - 1) талаб ва таклиф учрашадиган жой, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жамоатчилик сезаётган эҳтиёжга мос келиш даражаси аниқланади, мазкур товарнинг бошқа рақобатчи товарлар билан рақобатбардошлиги таккосланади; 2) товар, хизмат ва бошқа мулк турлари билан алмашиш соҳаси; 3) истеъмолчилар гуруҳи; 4) мазкур товарнинг барча харидорлари; 5) ташкиллаштирилган савдо жойи; 6) товар ва хизматларни олиш манбай; 7) қандайдир маҳсулот ёки хизматларнинг виртуал ёки табиий акс эттирилган мавжуд ёки потенциал харидорлари ва сотувчилари мажмуи; 8) биржа.

Бозор сегменти - таклиф этилаётган битта маҳсулот тури ва маркетинг комплексига бир хилда муносабатда бўлувчи истеъмолчилар гуруҳи мажмуи.

Бозорни сегментлаш - бозорни хар бири учун алоҳида товарлар ёки маркетинг комплекси талаб килиниши мумкин булган харидорларнинг аниқ гурухларига бўлиш, тақсимлаш.

Бозорни тадқиқ этиш - 1) муентазам равишда ишлаб чиқариш бозорларини (ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш учун), уларнинг мавжуд ва потенциал истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таъминлаш қобилиятини тадқиқ этиш. Тадқиқотлар сотув бозори, ишчи кучи бозори, капитал бозори, ҳамда хом-ашё ва материаллар бозорини камраб олади; 2) бозори сигими, салоҳияти, рақобатчилик мухити ва нарх тавсифномалари тутгисидаги маълумотларни олиш учун битта ёки бир нечта бозорларнинг сифат ва микдорий тахлили.

Бозорнинг рақобатчилик харитаси - 1) рақобатчиларини бозорда эгаллаб турган ўрнига кўра таснифлаш; 2) бозорда рақобатчининг ўрнини назорат қилиш имконини берувчи рақобатчилар улушини тақсимлаш. Аниқ товар бозорларида рақобатчиларнинг урнини талил қилиш натижасида аниқланади.

Брэндинг - маркетинг коммуникациялари тизимининг фирма стили ва унинг элементларини ишлаб чиқиши, фирмани рақобатчилардан ажратиб турувчи узига хос имиджини яратиш соҳаси

Горизонтал диверсификация - фирма ассортиментини айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан боғлиқ булмаган, бирок мижозларнинг қизиқишини уйғотиши мумкин булган маҳсулотлар билан тулдириш.

Демпинг - товарни уртача бозор нархидан арzon, баъзида хатто уз таннархидан арzon нархда сотиши. Купчилик ғарб мамлакатларида миллий ишлаб чиқарувчилар фойдасини химоя килувчи ва аксари холларда бошқа мамлакатлардан рақобатнинг кучли эмаслиги сабабли арzon нархда товар олиб киришни таъкидовчи антидемпинг қонунлар амал қиласи.

Диверсификация - 1) товар стратегияси тури, унга асосан корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сонини кенгайтиради; 2) янги бозорларни эгаллаб олиш ва кушимча фойда олиш максадида ишлаб чиқаришнинг бир-бири билан

боғлиқ булмаган икки ёки ундан ортик турини бир вактнинг узида кенгайтириш ва ривожлантириш.

Имидж - товар образи, унинг бирон нарсани эслатиши, ухшаши ва акс эттириши, товар бозори иқтисодиётига чамбарчас боғлиқ булган ижтимоий-психологик холат. Товар имиджи товарнинг репутацияси, товар маркаси, товар ишлаб чиқарилган корхона ва мамлакат билан ассоциациялашади.

Информация (ахборотлар, маълумотлар) - 1) ишларнинг аҳволи ҳақида хабардор қилиш; 2) тадбиркорлик, маркетинг ва бошқа фаолият турлари олдида турган вазифаларни бажаришда ёрдам бериши мумкин булган турли хил билим ва маълумотлар; 3) маркетинг тизими субъектларининг ўзаро муносабатлар жараёнидаги бевосита ва тескари алоқа натижалари тавсифномаси; 4) турли хил энергияларнинг ўзаро алоқалари натижаси.

Истеъмолчининг мустакиллиги (суверенитети) - истеъмол хуқуқининг мустакиллиги, карам эмаслиги, хукуқнинг мустакил йуналиши булиб, товар ва хизматлар бозорида истеъмолчининг манфаатларини химоя қилишга каратилган қоида ва йурикномалар мажмуидан иборат.

Коммуникатив сиёsat - 1) корхонанинг истикболдаги харакатлар курси хамда талабни шакллантириш, истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш ва фойда олиш максадида товар ва хизматларни бозорга олиб кириш буйича самарали ва баркарор фаолиятни таъминловчи маркетинг тизимининг барча субъектлари билан ўзаро харакатларни ташкил этиш ва коммуникатив воситалар (коммуникатив микс) мажмуасидан фойдаланиш стратегиясининг мавжудли. 2) рағбатлантириш мажмуасини ишлаб чиқиш, яъни бизнес - хамкорликларнинг ўзаро алоқалари самарали булишини таъминлаш буйича, тадбирлар, рекламани ташкил этиш, савдони рағбатлантириш усуллари, жамоатчилик билан алоқа ва шу кабилар.

Конгломерат диверсификация - фирма ассортиментини на фирмада кулланаётган технологияларга, на ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга, на хозирги бозорга хеч кандай алоқаси булмаган маҳсулотлар билан тулдириш.

Консьюмеризм - истеъмолчилар хуқуки ва манфаатларини химоя қилиш буйича ташкил килинган харакат, истеъмолчилар хавфлиги, уларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, сифатсиз товар ишлаб чиқариш ғирром рақобатчиликка ва карши кураш билан боғлиқ булади.

Концентрик (марказлаштирилган) диверсификация - фирма ассортиментини мавжуд товарларга техник ва маркетинг нуктаи назаридан ухшаш булмаган маҳсулотлар билан тулдириш.

Корпоратив реклама - аниқ бир товар маркасига эмас, балки тулиқ товарлар ассортиментига эҳтиёж яратувчи реклама.

Макромухит - фирманинг маркетинг муҳити таркибий қисми, ижтимоий жихатдан микромухитга таъсир курсатувчи кучларга караганда кенг ифодаланувчи омиллар, масалан, демографик, иқтисодий, табиий, техник, сиёсий ва маданий омиллар.

Максадли бозор - у ёки бу маҳсулотни сотиш бозорини тадқиқ этиш натижасида танланган, маркетинг харажатларининг минималлиги билан

тавсифланувчи ва фирма фаолияти натижаларининг асосий улушкини (қисмини) таъминловчи бозор.

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) - 1) маркетинг тадбирларини режалаштириш, хаётга татбик этиш ва назорат максадида аниқ, долзарб маълумотларни уз вактида туплаш, таснифлаш, тахлил қилиш, баҳолаш ва ундан маркетинг соҳасида фойдаланиш максадида тарқатиш учун мулжалланган методик усувлар, асбоб-ускуналар ва одамларнинг мунтазам фаолият курсатувчи ўзаро алоқалар тизими; 2) маркетинг соҳасида карорларни ишлаб чиқиш ва кабул қилиш жараёнида фойдаланилувчи маълумотларни туплаш, тахлил қилиш ва етказиш усувлари, асбоб-ускуналар ва ходимлар мажмуи.

Маркетинг бюджети - фирманинг маркетинг фаолиятини амалга оширишдаги харажатлар, фойда ва даромадлар микдори деталлаштирилган тарзда (маркетинг комплекси элементлари ёки маркетинг тадбирлари буйича) акс эттирилган курсаткичлар тизими, маркетингнинг молиявий режаси, корхона маркетинг режасининг булими. Маркетинг бюджетини режалаштириш максадли фойдага асосланиши ёки фойдани оптималлаштиришдан келиб чиқиши мумкин.

Маркетинг жараёни - янги эҳтиёж ва ғояларни излаб топиш, танлаш ва уларни товар ёки хизматга айлантириш, бу товарларни излаб чиқиш ва бозорларда ёки савдо тақсимот тармокларига сотиш билан боғлиқ харакатлар ва босқичларнинг тартибга солинган мажмуи.

Маркетинг коммуникациялари тизими - 1) маркетинг тизимининг ташки мухит билан ўзаро алоқалари жараёнида субъектлар (жунатувчи ва кабул килувчи), воситалар, каналлар, тугри (хабар) ва тескари (кабул килувчининг таҳрири) алоқалар мажмуи; 2) инсонлар уртасидаги ўзаро алоқа шакл ва воситалари мажмуи.

Маркетинг концепцияси - 1) бозор муносабати шароитларида фаолият курсатаётган фирма, ташкилот ёки шахснинг иш юритиш, тадбиркорликни ташкил этиш фалсафаси; 2) корхонанинг якуний максади - даромад олиш ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун фойдаланилувчи маркетинг фаолиятининг асосий воситалари, қоида ва гоялари тизими. Атрофдаги аниқ холатга, бозор муносабатлари ривожланиш даражасига караб анъанавий, ишлаб чиқариш, савдо. Товар, ижтимоий ва сервис концепцияларини ажратиб курсатиш мумкин.

Маркетинг карори - 1) истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга талабини баркарор шакллантириш, ривожлантириш ва қондириш учун зарур булган маркетинг тадбири ёки тадбирлари мажмуи вариантлар ичидаги танлаш, жавоб; 2) фирма, товар ва хизматларнинг рақобатчилик устунлигини саклаб колиш ёки яхшилаш учун маркетинг тизими субъект ва объектларига максадли йуналтирилган таъсир курсатиш.

Маркетинг карори кабул қилишнинг самарадорлиги - 1) маркетинг вазифасини бажаришнинг куриб чикилаётган (кутилаётган) куплаб вариантлари орасидан танлаб олишда иқтисодий таваккалчилик нархининг натижаси,

фойдалилик курсаткичи; 2) маркетинг вазифасини бажаришнинг танлаб олинган вариантининг иқтисодий самара келтириш қобилияти.

Маркетинг мажмуаси (маркетинг - микс) - маркетинг рецепти, ундан фойдаланиш корхонага максадли бозорлар эҳтиёжларини қондириш ва атроф-мухитдаги узгаришларга мослашишда энг яхши курсаткичларга эришишга имкон беради. Энг содда маркетинг рецепти товар, нарх, савдо ва коммуникация сиёсати соҳасида (4P: Product, Price, Place, Promotion) мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар утказишни талаб қиласди.

Маркетинг моделлари - 1) фойда олиш ёки уни устириш максадида товар ва хизматларга талабни яратиш ва такрор ишлаб чиқариш буйича ўзаро алоқалар жараёнида маркетинг тизими субъектлари хулк-авторини курсатиш, сифат ва сонлар жихатидан акс эттириш шакли; 2) маркетинг тизимини лойихалаштириш, режалаштириш, ташкил этиш, фаолият курсатиш ва ривожланишда маркетинг муҳити ва субъектларининг функционал, сабаб-окибат ва ресурс алоқаларини ифодаловчи ва акс эттирувчи (имитация, регрессия, корреляция ва х.к.) моделлар мажмуи; 3) маркетинг-микс ёки унинг таркибий қисмлари моделлари (товар сиёсати модели, нарх хосил булиш модели, реклама модели ва х.к.).

Маркетинг ўзаро алоқалари - 1) хизмат курсатиш тадбиркорлигининг товар хаётйлик даврининг хар бир боскичидаги барча бозор субъектлари билан алоқаларни режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш жараёнида барча фаолият турлари ва ресурсларни камраб олишга йуналтирилган истиқболли концепцияси. Мижоз билан узок муддатли ўзаро муносабатларга ва битимда иштирок этувчи томолар максадларини қондиришга йуналтирилган концепция; 2) бажариш маъсулиятини тақсимлаш ва кенгайтириш тамоиллари буйича маркетингни ташкил этиш усули.

Маркетинг операциялари тадқиқоти - 1) маркетинг карорларини ишлаб чиқиш ва кабул қилиш тизимида фойдаланилувчи усуллар (математик дастурлаштириш, уйинлар назарияси, карорлар назарияси, тасвиirlарни таниб олиш назарияси ва хоказо) йигиндиси; 2) “бошқа усуллар ёрдамида бундан хам ёмон жавоб бериладиган амалий саволларга ёмон жавоб бериш санъати” (Т.А.Саати, операциялар тадқиқоти соҳасидаги американлик мутахассис)

Маркетинг режаси - белгиланган маркетинг максадларига эришишда ёрдам бериши кутилаётган чора-тадбирларнинг кетма-кетликда деталли равища ифодаланиши.

Маркетинг салоҳияти (потенциали) - 1) корхона салоҳиятининг ажралмас қисми; 2) товар, нарх коммуникация ва савдо сиёсати, талабни урганиш соҳасида самарали маркетинг тадбирларини режалаштириш ва утказиш хисобига маркетинг тизимининг корхоннанинг доимий рақобатбардошлиги, товар ва хизматларнинг бозордаги иқтисодий ва ижтимоий конъюнктурасини таъминлаш қобилиялари мажмуи.

Маркетинг тадқиқоти дизайни - 1) маркетинг тадқиқоти жараёни ва моделини лойихалаштириш ва тузиш; тадқиқотни утказиш, маркетинг ахборотларини излаб топиш учун рационал режаларни ишлаб чиқиш. Кулда ёки ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилиши мумкин; 2) маркетинг

тадқиқоти субъектлари хулк-атворининг узгариш холатларини урганиш ва башорат қилиш буйича ижодий жараён.

Маркетинг тизими - бозор мухитининг мустакил, фойда олиш максадида товар ва хизматларга талабни шакллантириш ва ривожлантириш буйича ўзаро узлуксиз алоқада булувчи ижтимоий-иктисодий элементлар мажмуи. Маркетинг тизими уз ичига куйидагиларни киритади; ишлаб чиқарувчи фирма, таъминотчи фирма, рақобатчи фирма воситачи фирма, истеъмолчи (бозор).

Маркетинг тизимини ахборот билан таъминлаш - 1) маркетинг хужжатларини расмийлаштириш усуслари ва воситалари мажмуаси, маркетинг тизимининг холати ва хулк-атвори тугрисидаги маълумотларни излаб топиш, кодлаштириш ва саклашни ташкил этиш; 2) маркетинг тизимининг нормал фаолият курсатишини таъминловчи куйитизимлардан бири (ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, техник, дастурий, математик таъминот ва бошқалар); 3) маркетинг ахборотлари манбаи, унинг асосида корхона менеджменти турли хил бошқарув карорларини кабул қиласи; 4) маълумотларни олиш, ишлов бериш, системалаштириш ва уларни “истеъмол учун тайёр” ахборотга айлантириш.

Маркетинг тизимининг самарадорлиги - 1) маркетинг тизимининг маркетинг харажатлари белгилаб куйилган холда товар ва хизматларга талабни такрор ишлаб чиқаришни тухтовсиз шакллантириш жараёнини таъминлаш қобилияти курсаткичи; 2) маркетинг тизими фаолиятининг сифат курсаткичи; 3) маркетинг тизими субъектларининг ресурслар айирбошлиш жараёнида ўзаро алоқалари натижавийлигининг комплекс курсаткичи.

Маркетинг фаолияти - 1) тадбиркорлик соҳасида бажариладиган ишлар ва вазифалар тури; 2) талабни шакллантириш ва такрор ишлаб чиқариш, фирманинг фойда олишини таъминлаш максадида амалга оширилувчи маркетинг функциялари (маркетинг тадқиқотлари, савдо, нархнинг хосил булиши, товарни етказиб бериш, маркетинг разведкаси, бенгмаркетинг ва х.к.) билан боғлиқ фаолият; 3) бозор иқтисодиётида такрор ишлаб чиқариш занжирининг барча бугинларида маркетинг воситалари ва фалсафасини куллаш жараёнини камраб олувчи хамда товар ёки хизмат талабни қондириш ва фойда келтириш учун нимани, каерда, канча ва кандай килиб ишлаб чиқариш лозим деган саволларга жавоб берувчи хар кандан фаолият.

Маркетинг фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги - 1) маркетинг фаолиятининг оралиқ ва якуний максадларини амалга оширишга жавоб берувчи нисбатан куп турли (маркетинг жараёнининг барча боскичлари буйича) натижа; 2) маркетинг фаолиятини амалга ошириш самарасининг (натижаси) бу жараёнда сарфланувчи барча харажатларга нисбати; 3) маркетинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар кайтими, натурал ёки киймат (нарх) шаклида акс эттирилган натижа ва самаранинг маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур булган барча (моддий-техник меҳнат ва хоказо) ресурсларга нисбати ёрдамида баҳоланади.

Маркетинг харажатлари - товар ва хизматларни шакллантириш ва такрор ишлаб чиқариш буйича маркетинг чора-тадбирлари ва маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур булган сарф ва чикимлар йигиндиси.

Маркетинг харажатларининг асосий таркибий қисмлари: бошқарув харажатлари, маркетинг булими ходимлари маоши, амортизацион ажратмалар, маркетинг булимининг нормал фаолият курсатиши учун зарур булган материал ва ресурслар, товар сиёсати, нарх сиёсати, коммуникатив сиёсат, савдо ва дистрибутив сиёсат учун сарфланувчи харажатлар.

Маркетинг чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги - 1) маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш самарасининг (натижаси) бунинг учун сарфланган барча харажатлар микдорига нисбати; 2) маркетинг мажмуасининг (маркетинг-микс) самарадорлик курсаткичи. Натурал ва киймат шаклида улчанади.

Маркетингда тармок ёндашуви - маркетинг тизими субъектларининг нафакат иккитомонлама (харидор ва сотувчи) эмас, балки куптомонлама ўзаро алоқалари жараёнини акс эттириш концепцияси. Тармок ёндашуви на сотувчилар ва на харидорлар узларига хамкорни танлаш ва уларни алмаштиришда эркин эмас, чунки ресурслар узгарганда уларнинг бир-бирига карамлиги юзага келади, яъни алоқалар алмашуви бузилади деган фикрни олга суради. Маркетинг тармоги аъзолари уртасида ресурслар айирбошлиш “карамлик” ва “хокимлик” манбаи хисобланади. Маркетинг тармоги учта ўзаро боғлиқ таркибий қисмдан иборат: иштирокчилар (фирмалар), ресурслар ва фаолият турлари. Тармок ёндашуви ресурсларнинг турли хиллиги ва уларни иерархик назорат қилишни талаб қиласди.

Маркетинг-микс (маркетинг мажмуаси) - 1) маркетинг тузилиши; маркетинг тизимининг таркибий қисмлари, элементлари; маркетинг таркиб топувчи жараёнлар; 2) маркетинг харажатлари тузилиши; 3) маркетинг рецепти; товар ёки хизматларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш чора-тадбирларининг мажмуавий дастури.

Маркетингни режалаштириш - маркетинг режасини тузиш, товарларни сотиши хажмининг усиши ва фирма фойдасини максималлаштиришга каратилган маркетинг стратегияиси танлаш билан боғлиқ жараён.

Маркетингнинг ташкилий тузилмалари - менежментнинг асосий тамойиллари - марказлаштириш, децентрализация ва мослашувчанликни модификация қилишга асосланган маркетинг хизмати асосий булинмаларининг ўзаро харакатлари схемаси турлари. Функционал, махсулот, бозор ва матрица структуралари ва уларнинг модификацияларини ажратиб курсатиш мумкин.

Микромухит - фирма маркетинг мухитининг таркибий қисми, бевосита фирманинг узига ва унинг мижозларга хизмат курсатиш имкониятларига муносабатларига тааллукли кучлар, яъни таъминотчилар, маркетинг воситачилари, мижозлар, рақобатчилар билан ифодаланади.

Мотивация - 1) эҳтиёжларни қондириш буйича карор кабул қилишда индивидуумлар харакатини фаолаштириш максадида уларнинг мотивларини кучайтириш жараёни; 2) харидорнинг харид қилиш карорини кабул қилиш жараёнида унинг фаоллига таъсир курсатувчи мажбурловчи харакатлар.

Нарх - 1) кийматнинг пул куринишида акс эттирилиши, истеъмолчилар товарга эга булиш учун тулашлари лозим булган пул микдори. Фирма

белгилаган нарх кабул килинувчи таклифнинг кийматига мос келиши лозим; 2) маркетинг-мажмуаси, маркетинг-микснинг самарали воситаси.

Нарх хосил булиши усуллари - маҳсулот ва хизматлар нархини шакллантиришда кулланувчи усуллар. Харажатларга асосланган, харидорлар линиясига асосланган ва рақобатчилар нархига асосланган турлари мавжуд.

Нарх сиёсати - нархни ва нарх хосил булишини бошқариш тадбир ва стратегиялари, товар ёки хизматларга ишлаб чиқариш харажатлари ва бозор конъюнктурасига мос келувчи, харидорни қондирувчи ва режалаштирилган фойдани келтирувчи нарх белгилаш санъати.

Уров (упаковка) - 1) товар солинувчи, жойлаштирилувчи идиш, материал. Товар ишлаб чиқарилгандан сунг унинг хусусиятларини саклаш хамда юкни ташишда кулайлик яратиш учун мулжалланади; 2) муҳим реклама манбай.

Пресс-релиз - газета ва журналлар, теле ва радио редакциялари уларни қизиқтираётган маълумотларни олиши мумкин булган бўллентенъ, паблик рилейшнз воситаси.

Прогнозлаш (башорат қилиш) усули - урганилаётган обьектнинг утмишдаги ва хозирги маълумотларини таҳлил қилишга асосланган илмий асосланган олдиндан кура билиш. Турли хил таркибий қисмларни прогнозлашга асосланган киска муддатли (1,5) йилгача, урта муддатли (5 йил) ва узок муддатли (10-15 йил) прогнозлар мавжуд. Такдим этиш шаклига кура, миқдорий ва сифат прогнозларига, тадқиқот обьектларини камраб олиш буйича умумий ва қисман прогнозлашга тақсимланади.

Рақобат - 1) алоҳида шахслар уртасида хар бири узи учун шахсан эришини максад килган битта йуналишдаги, хусусан тадбиркорлар уртасида каттарок фойда олиш, савдо бозори, хомашё манбалари учун кураш; 2) моддий ва маънавий неъматлар яратиш, сотиш ва истеъмол киши жараёнида бозор тизими субъектларининг коммуникацияси, кураши, ўзаро алоқалари иқтисодий жараёни; 3) бозор муносабатларининг тартибга соловчиси, ФТТ ва жамоатчилик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини кучайтириш стимулятори.

Рақобатчилик муҳити диагностикаси - маркетинг тадқиқотининг рақобатчилар хатти-харакатларининг ички мотивлари ҳақида тулик ва аниқ тасаввурни шакллантириш учун зарур булган узига хос мустакил боскичи.

Регионал маркетинг - 1) регионда маркетинг фаолиятини ташкил этиш; 2) регионнинг маҳаллий, миллий ва халкаро инвесторларга курсатилувчи хизмат ва товарлар маркетинги; 3) регионнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқариш тизимидағи маркетинг.

Реклама - 1) гоя, товар ва хизматларни маълум хомий номидан тақдим этиш ва таклиф қилишнинг шахсий булмаган пулли шакли; 2) товар ва хизматлар сифатини харидорларнинг талаб ва эҳтиёжлари тилига ўғиришга интилевчи коммуникация шакли.

Реклама аудиторияси - муайян ахборот манбалари оркали элон килинган реклама хабарларини эшитиши, куриши ва укиши мумкин булган барча шахслар.

Реклама самарадорлиги - реклама воситаларининг ишлаб чиқарувчи ёки воситачилари манфаатлари йулида истеъмолчиларга таъсир курсатиш даражаси. Реклама мурожаатидан олдин ва кейин аниқланади. Рекламанинг савдо натижаларига курсатувчи таъсирини аниқлаш (иктисодий самарадорлик) реклама харажатларини аввалги фаолият натижалари буйича товар сотиш хажмига нисбати ёрдамида аниқланади. Бу усулнинг аниқлиги юкори эмас, чунки савдо натижаларига рекламадан ташкари бошқа куплаб омиллар хам таъсир курсатади.

Сервис (хизмат кўрсатиш) - корхона маркетинг фаолиятининг машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини сотиш ва эксплуатация қилишни таъминловчи булими, куйи тизими.

Сифат - товарнинг муайян истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш қобилиятини белгилаб берувчи, куйилган талабларга мос келувчи хусусиятлари мажмуи. Олди-сотди шартномаларида томонлар сифат курсаткичлари, уни текшириш тартиби, товар сифатининг белгиланган талабларга мос келишини тасдикловчи хужжатларни тақдим этиш тартиби келишиб олинади, зарур холларда товарни сифати буйича кабул қилиш ва топшириш шартлари, шунингдек товар сифати ёки уни саклаш муддати буйича кафолатлар белгилаб куйилади.

Стратегик маркетинг - 1) асосий истеъмолчилар гурухлари талаб ва эҳтиёжларини мунтазам, системали тахлил қилиш, шунингдек, компанияга харидорларнинг танлаб олинган гурухларига рақобатчиларга караганда яхширок хизмат курсатиш ва шу тариқа рақобатчилик устунлигига эга бўлиш имконини берувчи товар ва хизматлар концепциясини ишлаб чиқиш; 2) ташкилотлар ва жисмоний шахслар эҳтиёжларини тахлил қилиш; 3) фирманинг максадларини белгилаб олиш, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мувозанатланган товар портфели тузилмасини таъминлаш; 4) стратегик мажмуа-микс хамда мунтазам узгариб турувчи маркетинг мухити омилларини хисобга олган холда фирманинг товар, нарх, коммуникация, тақсимлаш ва сотиш соҳасидаги стратегик сиёсатининг асосий йуналишларини ишлаб чиқиш жараёни.

Стратегик режалаштириш - фирманинг максадлари, унинг маркетинг соҳасидаги потенциал имкониятлари уртасидаги стратегик мувозанатни яратиш ва куллаб-кувватлашни бошқариш жараёни. У фирманинг аниқ шакллантирилган дастури, кушимча вазифа ва максадларни ифодалаш, соглом хужалик портфели ва усиш стратегиясига асосланади.

Талаб - товар хужалигига хос булган ва савдо, айирбошлиш соҳасида кузга ташланувчи тоифа. Талаб бозорда турли хил товарлар ёрдамида акс эттирилган, истеъмолчиларнинг бир-биридан фарқ килувчи қуп сонли эҳтиёжларидан таркиб топувчи, доимий равищда узгариб турувчи жамоатчилик эҳтиёжлари мажмуасини акс эттиради.

Телемаркетинг - маркетинг тури булиб, уни амалга ошириш потенциал истеъмолчиларга товар ва хизматларни реал ва виртуал бозорлардан излаш ва харид қилиш имконини берувчи телекоммуникация воситалари ва Internet тармогидан фойдаланилади.

Тижоратлаштириш (коммерциализация) - янги маҳсулотни ишлаб чиқиши боскичи; бозорга кириб бориш вактини тугри танлаш, турли бозорларда фаолият курсатиш хажми ва кетма-кетлиги, маҳсулотни оператив харакатлантириш ва тақсимлаш буйича самарали усуслар, шунингдек, маркетинг режасини ишлаб чиқиши жараёни.

Товар - 1) энг умумий кўринишда бозорда сотилувчи маҳсулот сифатида ифодаланиши мумкин булган иқтисодий тоифа, олди-сотди обьекти; 2) маҳсулотнинг маълум бир харидорлар эҳтиёжини қондирувчи асосий истеъмолчилик тавсифномалари мажмуи; 3) истеъмолчига курсатиладиган, маҳсулотни тулдирувчи ва уни сотишни енгиллаштирувчи хизмат ва имтиёзлар; 4) маҳсулотнини ураб турувчи “мухит” (маҳсулот дизайнни, сифати, маркаси, урови).

Товар вариацияси - ишлаб чиқарилаётган ва бозорда мавжуд булган товарни унинг айрим хусусиятлари ёки курсаткичларини узгартириш йули билан модификациялаш. Товарнинг табиий (материали, сифати), эстетик (дизайни, ранги, шакли), символик (товар маркасининг номи) хусусиятлари ва фирманинг булинмалари фаолияти билан боғлиқ булган хусусиятлари узгартирилиши мумкин. Товар сифатини яхшилаш, унинг фойдалилигини ошириш, шакли ва стилини яхшилаш стратегияси товар модификациясининг мухим стратегияси булиши мумкин.

Товар инновацияси - 1) маҳсулотни такомиллаштиришнинг оригинал, сифати яхшиланган ва модификацияланган маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган узлуксиз жараёни. Товарнинг хаётийлик даври узунлигини ва корхонанинг рентабеллигини таъминловчи чоора-тадбирлар ичida алоҳида уринга эга. Уз ичига маҳсулотни дифференциялаш ва диверсификациялашни киритади; 2) бозорга янги маҳсулотлар гурухини олиб кириш.

Товар сиёсати - тадбиркорлик максадларини белгилаш ва уларга эришишга йуналтирилган тадбир ва стратегиялар мажмуи, янги товар ёки товарлар гурухини бозорга олиб кириш (инновация), бозорда мавжуд булган товарларни замонавийлаштириш (вариация) ёки ишлаб чиқариш дастуридан товар ишлаб чиқаришни чиқариб ташлаш (элиминация), шунингдек, ассортимент сиёсатидан иборат.

Товар стратегиялари - 1) товар сиёсатининг корхонага товар хаётийлик даврининг исталган боскичидаги фойда олиш ва савдо хажмининг баркарор булишини таъминлаши мумкин булган асосий принципиал йуналишлари. Товар стратегиясининг асосий турлари: товар ёки хизматлар инновацияси, вариацияси, элиминацияси; 2) товар номенклатурасини оптималлаштириш йуналишларини ишлаб чиқиши хамда фирманинг самарали фаолият курсатиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун шароитлар яратувчи товарлар ассортиментини аниқлаш.

Товарни бозорда жойлаштириш - товарларнинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мос келувчи маркетинг мажмуасини ишлаб чиқиши учун амалга оширилувчи харакатлар.

Товарнинг ҳаётийлик даври - товар ривожланишининг уни ишлаб чиқишидан то бозорга олиб киришгача булган асосий боскичларини акс

эттирувчи маълум бир вакт даври (цикли); сотувчининг хар бир боскичда оловчи фойда микдори унга боғлиқ булади. Товарни сотиш ва фойда олиш жараёнида беш боскич ажратиб курсатилади: товарни ишлаб чиқиш (бозоргача) боскичи, товарни бозорга олиб кириш (киритиш) боскичи, товарни сотиш хажмининг усиш боскичи, етуклик (туйинганлик) боскичи, товарнинг сусайиш боскичи ёки товар элиминацияси.

Товарнинг рақобатбардошлиги - 1) аниқ эҳтиёжни қондиришда бозордаги рақобатчилар товарлари олдида устунликни таъминловчи товарнинг сифат ва нарх тавсифномалари мажмуи; 2) товарнинг рақобатчи товарлар бозорида биринчи булиб харид қилиш қобилияти; 3) товарни истеъмол қилиш (фойдаланиш) самарасининг уни сотиб олиш ва эксплуатация қилишга сарфланувчи харажатларга (истеъмол нархи) нисбати; 4) корхонанинг миллий ва жаҳон товар бозорларига чиқиши максадга мувофиқлигининг мухим курсаткичи.

Фирманинг маркетинг мухити - фирмадан ташкарида фаолият курсатувчи хамда маркетинг хизмати рагбариятининг мақсадли мижозлар (хамкорлар) билан муваффакиятли хамкорлик муносабатлари урнатиш имкониятларига таъсир курсатиш мумкин булган кучлар ва фаол субъектлар мажмуи. Маркетинг тизими макро ва микромухитдан таркиб топади.

Хизмат - 1) бозорга кириб келувчи, нарса куринишига эга булмайдиган истеъмол қийматлари; 2) бир томон иккинчисига курсатиши мумкин бўлган фаолият ёки неъматлар тури.

Электрон тижорат - электрон алоқа воситалари ёрдамида товар ва хизматларни сотиш, реклама ва маркетинг тизими.

Элиминация - мавжуд маҳсулотларни корхонанинг ишлаб чиқариш дастуридан чиқариб ташлаш; товар ишлаб чиқаришни тухтатиш; товарни бозордан рақобатбардошлиги ва талабни йукотганлиги сабабли олиб чиқиш. Маҳсулотни элиминация қилиш зарурлигини текшириш учун савдо хажми, бозордаги улуши, хаётйлик давридаги урни, фирманинг жами айланмасидаги улуши, рентабеллиги, капитал айланishi ва бошқа курсаткичлар кулланади.

Янги товарни ишлаб чиқиш - корхонанинг ўз кучи билан ИИТКИ утказиш асосида оригинал, сифати яхшиланган ва модификацияланган маҳсулотларни яратиш жараёни. Бу жараён одатда гояларни ишлаб чиқиш, танлаш, янги товар концепциясини ишлаб чиқиш ва уни текшириш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бизнес тахлили, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш, синов маркетинги ва тижоратлантиришдан иборат булади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни анада эркинлаштириш соҳасида устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005, 15 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 2005, 16 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 2005, 17 июнь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасида кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 2005, 21 июнь.
7. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Узбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январь, 20 сон.
8. Қосимова М.С., Эргашхўжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004й.
9. Кочарян Е.С. Маркетинговые исследования. Конспект лекций. М.: Приор - издат, 2005 -112 с.
- 10.Просветов Г.И. Маркетинговые исследования: задачи и решения: Учебно.прак.пос.- М.: Альфа - Пресс, 2008 - 240с.
- 11.Данченок Л. Маркетинговое ценообразование: политика, методы, практика - М.: Эксмо, 2006.- 464с.
- 12.Лукина А.В.Маркетинг товаров и услуг: учеб.пос. - М.:ФОРУМ,2008.-240с.
- 13.Зозулев А.В., С.А.Солнцев. Маркетинговые исследования. Теория. Методология. Статистика. учеб.пос.- М.: Рыбари К.: Знания, 2008 – 643 с.
- 14.Березин И. С. Маркетинговый анализ. Рынок. Фирма. Товар. Продвижение. – М.: Вершина, 2008. – 480 с.
- 15.Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учебник. – М.: «Финпресс», 2008. – 496 с.
- 16.Лашкова Е.Г. Маркетинг: практика поведения исследований: учеб.пос. – М.: «Академия», 2008. – 240 с.
- 17.Котлер Ф. Маркетинг по Котлеру: как создать, завоевать и. удержать рынок. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008.- 283с.
- 18.Шаповалов.В.А. Управление маркетингом и маркетинговый анализ. учебное пос. – Ростов - н /Д: Феникс, 2008-345 с.
- 19.Рычкова .Н.В. Маркетинговые инновации. учеб. пос. - М.:КНОРУС, 2009. - 226с.
- 20.Панкрухин.А.П. Маркетинг: учебник для студ. - М.: Омега-Л, 2009 - 656с.
- 21.Васильев Г.А., Поляков.В.А. Рекламный маркетинг. уч.пос. М.:Вузовский
- 22.Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. учеб. - СПб.: Питер, 2008. -

- 23.Багиев.Г.Л. и др. Международный маркетинг. учеб. -СПб.: Питер, 2008. - 688с.
- 24.Голованов В.В. Маркетинг. Тесты и упражнение на анг. яз: учеб пос. - М.: Дрофа, 2008.-159 с.
- 25.Параманова. Т.Н. Маркетинг: активные методы обучения: учеб. пособ.- М.: КНОРУС, 2009. – 416с.
- 26.Основы маркетинга: Практикум. / Под ред. проф Д.М.Дайтбегова,-М.: Вузовский учебник, 2008 – 365 с.
- 27.Просветов Г.И. Маркетинг задачи и решения. учебно-практ. пос.- М.:Альфа-пресс, 2008. - 320с.
- 28.Мхитарян С.В. Маркетинговая информационная система.- М.:Эксмо, 2006.- 336с.
- 29.Шаповалов В.А. Управление маркетингом и маркетинговой анализ: учеб.пос. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 345 с.
- 30.Блюм М.А. и др. Маркетинг рекламы: учеб.пособ. – М.: ФОРУМ, 2009. – 144 с.
- 31.Ерёмин В.Н. Маркетинг: основы и маркетинг информации: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 656 с. – 2 экз.
- 33.Бренды и брендинг / Клифтон Рита, Симмонз Джон и др.– М.: «Олимп - Бизнес», 2008г. – 352 с.
- 34.Носова Н.С. Конкурентная стратегия компаний, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. – М.: «Дашков и К», 2009. – 256 с.

Интернет сайтлари

1. www.dis.ru.Маркетинг.Журнал в России и за рубежом. Merder, David. Marketihg .–Oxford : Blachwell,1992.
2. www.4p.com.ua/books/4.html
3. www.bci-marketing.aha.ru/pm03_02.htm
4. www.bizbook.ru/detail.html?book_id
5. www.bookhouse.com.ua/_data/p_9/9442.phtml
6. www.classis.ru/pages/classis/6/48/
7. www.finansy.ru/publ/mark/
8. www.marketing.al.ru/index_0007.shtml
9. www.marketing.uef.ru/students-news.php
- 10.www.marketologi.ru/docs/teaching.html